Шу боис, узлуксиз таълим тизимида АКТ имкониятларидан фойдаланган ҳолда ҳарбий педагогларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш зарурияти ҳамда уларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришга йўналтирилган ва илмий-методик жиҳатдан асосланмаганлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш мақсадида хорижий тил ўқитувчиларининг тармоқдаги ахборот-методик тизимини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Хозирги вақтда ахборотлар таъсир доирасининг тезлик билан ўсиши, инсонларнинг ҳар томонлама ўз устида ишлаши ҳамда уларнинг рақобатбардош, кўникувчан ва талабчан кадрлар бўлишини ўз-ўзидан талаб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, дунёдаги ривожланган мамлакатлар сингари мамлакатимиз таълим тизимида фаолият юритаётган кадрлар ҳам ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётда юқори билимга эга бўлишлари ҳамда ҳар томонлама компетентли бўлишлари зарур.

Замонавий ахборот-коммуникация тенологиялари ютуқларидан фойдаланиш, ўз навбатида мавжуд тўпланган маълумот, ахборотлар устида ишлаш, яъни уларни таҳлил қилиш, тушунтириш ҳамда ундан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик хақида қарор қабул қилишни билиш хорижий тил ўқитувчиси компетентлигини ривожлантиришга таъсир этувчи омиллардан ҳисобланади. Компетентли ёндашувининг яна бир муҳим томони глобаллашув жараёнида ўқитувчининг ўз устида мустақил ишлаши, ахборот коммуникация тенологиялари сўнгги янгиликларини муттасил ўзлаштириб бориши керак бўлади.

Юқорида таъкидланган фикрларни таҳлил қилсак, касбий компетентлик – ўқитувчининг шахсий сифатлари, фаолият мақсади ва вазифаларини белгилаш, ўз навбатида уларнинг қаторига зомонавий ахборот коммуникация тенологияларни қўллай олиш, ўзига хос тадқиқотчилик қирралари ҳам қўшилиши, мазкур тушунчанинг моҳиятан тўлиқ изоҳланишига имкон беради.

Ҳарбий педагоглар компетентлигини оширишда ахборот-методик таъминотининг аҳамияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилинар экан, “Ҳарбий педагогларнинг касбий компетентлиги – унинг касбий билим кўникмаси, шахсий сифатлари, фаолият мақсад ва вазифаларини белгилаш, замонавий ахборот коммуникация тенологияларини қўллай олиш қобилияти ва профессионал тайёргарлигини белгиловчи сифат кўрсаткичидир” – деб, ифодалаш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори.

2.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013йил 8 майдаги “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги 124-сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 йил., 20-сон, 251-модда

4. Маматқулов Х.А. Ҳарбий педагогларда хорижий тиллар бўйича касбий компетентликни ривожлантиришнинг ахборот-методик таъминотини такомиллаштириш. Монография. – Тошкент вилояти: Harbiy-texnik instituti bosmaxonasi, 2018. 240-б.

5. Зимняя И.А. Психология обучения неродному языку. – М.: Русский язык, 1989, –С. 220.

6. Полат Е.С. Теория и практика дистанционного обучения: Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2004. –С. 416.

7. / “Халқ сўзи”, 11.12.2012 йил., 240 (5660)-сон.

8. Хуторский А.В. Деятельность как содержание образования. // “Народное образование”. –Москва: 2003. № 8. -С. 107-114.

9. Маматқулов Х.А. Ҳарбий педагогларнинг инглиз тили бўйича касбий компетентлигини ривожлантиришда мустақил таълимнинг ўзига хос хусусиятлари // ТДПУ ахборотнома. – Тошкент: 2019. № 1. 216-221-б.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада курсантларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда хорижий тил бўйича касбий компетентлигини ошириш муаммолари ва ахборот-таълим муҳитини яратиш шарт-шароитлари ёритилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются проблемы повышение уровня профессиональной компетентности курсантов по иностранному языку с применением информационно-коммуникационных технологий и условия создания информационно- образовательной среды.

**SUMMARY**

The article discusses the content of normative model of cadet's competency, displaying scientifically based composition of professional knowledge and skills and here we can see pedogogical condition and developing level of professional competence of foreign languages teachers.

# CONSTRUCTION AND PLANNING OF TRAINING LOADS OF HIGH - QUALIFIED FEMALEFIGHTERS OF FREESTYLE WRESTLING

**Q.T.Jumaniyazov –** *assistent teasher*
**Sh.J.Koshanov –** *student*
*Nukus state pedagogical institute named after Ajiniyaz*

**Tayanch so'zlar:** erkin kurash, umumiy jismoniy tayyorgarlik, maxsus jismoniy tayyorgarlik, mikrotsikl, texnik-taktik xarakatlar.

**Ключевые слова:** вольная борьба, общая физическая подготовка, специальная физическая подготовка, микроцикл, техника-тактическая действия.

**Key words:** freestyle wrestling, general physical preparation, sectional physical, micro cycle, technique-tactical action.

The novelty of the research: The immense popularity of the types of martial arts for women in many countries around the world, a significant increase in the skills of athletes and a high level of achievements in the international arena have identified significant development prospects and predetermined the inclusion of some of them in the program of the Olympic Games. In particular, women's freestyle wrestlingis among the sports included in the Olympics. The intensive development of women's wrestling strongly demanded its inclusion in the Olympic program [2].

High athletic results of athletes cannot stop at the achieved level due to the ever-increasing competition in women's wrestling. In particular, it is known that in the practice of women's wrestling coaches, who worked previously with men, transfer the methods of training men-wrestlers to the training process of female wrestlers, virtually without any changes, without taking into account the characteristics of their body and sports training. As the authors note (A.V.Ivanov 1994, F.A.Kerimov 2007, and others), this is the cause of gross pedagogical errors, which may result in unstable sports results, injuries and a decrease in women's interest in wrestling [3]. In the system of improving the training of highly skilled female wrestlers, a deeper understanding of the scientific and methodological experience gained in the field of women's sports in general and a reasonable transfer of it to the female,conducting of special studies to establish effective ways of building training loads for athletes to achieve high sports results without negative consequences for their health are necessary [4].

The aim of the research:

Planning of training loads of highly qualified sportswomen ofwomen's freestyle wrestlingbased onthe rational construction of the means of General Physical Preparation (GPP) and Specific Physical Preparation (SPP).

The tasks of the research: 1. Tostudy the main trends of competitive activity inwomen's freestyle wrestling. 2. To determine the level of general and specific physical preparation of women wrestlers. 3. To develop and experimentally substantiate the program of stages of direct preparation for competitions, based on a rational ratio of general and specific physical preparation of women freestyle wrestlers [1].

The pedagogical experiment was conducted from 2006–2007 with the aim of testing the developed program of building training loads in the preparatory period on the basis of a rational ratio of the GPP and the SPP.

In the pedagogical experiment, a scheme was chosen for the stages of direct preparation for competitions, which, in addition to the traditional 2 stages preparation, included a 10-day micro cycle. This micro cycle preceded the centralized preparation for the competition [4].

As a result of the experiments, a program for constructing training loads in the preparatory period was tested on the basis of a rational ratio between the level of physical and specific physical preparation at the stages of pre-competitive preparedness of athletes. At the core of the program should be considered a proposal on the need to improve aerobic mechanisms to the stages of centralized training.For this purpose, a decentralized 10-day training plan was developed for candidates for the national team. The percentage distribution of means at this stage of the "home" training was as follows: the GPP means - 26% and the SPP means - 30%. Such a preliminary orientation of the training process allows in the first micro cycles of pre-competition preparation to provide a soft transition to a tough and intensive training program of the final stages of preparation [5].

Based on the analysis of competitive activity of freestyle wrestlers, allowed determining trends in women's freestyle wrestling. So, for example, the percentage distribution of technical actions showed a lack of receptions in the women's freestyle wrestling with a maximum (five-point) grade and an insignificant number of moves with a 3-point assessment. According to the analysis of competitive activity, the following distribution of technical and tactical actions is shown: techniques with a rating of 1 point-62.3% techniques with a rating of 2 points -30.1%,techniques with a rating of 3 points -7.6%, techniques with a ratingof 5 points -0% [5].

Conclusion: The experimental program for building effective training loads of pre-competitive training reasoned on monitoring the readiness level of female wrestlers at the stages of preparing for competitions, the increase in readiness amounted to an average of 32.8% [1].

## References

1. Тумаян Г.С. Спортивная борьба: Отбор и планирование. -М.: 1984
2. Купцова А.П.Спортивная борьба. Учебник для ИФК. 1978.
3. Нуршин Ж.М., Саламов Р.С., Керимов Ф.А.«Ўзбекча миллий спорт кураши». -Т.: 1993.
4. Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва услубияти. –Ташкент: 2007.
5. Атаев А.Қ. Ёш-ўсмирларга ўзбек курашини ўргатиш услубияти. –Ташкент: 2005.

**REZYUME**

Ushbu moqalada erkin kurash bo'yicha oliy toifadagi kurashchi qizlarning mashg'ulot yuklamalarini rejalashtirish haqida so'z etilgan.

**РЕЗЮМЕ**

В этой статье речь идет о планирование тренировочных нагрузок высококвалифицированных борцов-женщин вольного стиля.

**SUMMARY**

This article is about planning the training loads of high-qualifiedfemale fighters of freestyle wrestling.

## XABAR KOMMUNIKACIYA TEXNOLOGIYALARÍNÍŃ FIZIKA PÁNIN OQÍTÍWDAĞÍ ÁHMIYETI

**G.R.Kadirimbetova** – *doktorant*

*Ájiniyaz atındağı Nókis mámleketlik pedagogikalıq institutı*

**Tayanch so'zlar:** kompetensiya, informatsion kommunikatsiya, informatsiyon texnologiyalar, virtual olam, virtual laboratoriya.

**Ключевые слова:** компетенция, информационная коммуникация, информационные технологии, виртуальный мир, виртуальная лаборатория.

**Key words:** competence, information communication, information technology, virtual world, virtual laboratory.

Mámleketimizdegi Joqarı oqıw orınlarınıń tiykarğı maqseti, búgingi kún talabına juwap beretuğın joqarı mağlıwmatlı jetik qánigelerdi tayarlawdan ibarat. Hár bir qánige, ol qaysı tarawda islewine qaramastan, óz isin búgingi kún zaman talabı dárejesinde orınlawı ushın kompyuter texnologiyaların tereń biliwi zárúr. Sebebi, «Kadrlar tayarlaw milliy programmasın» da «Kadrlar tayarlaw sistemasın hám mazmunın mámlekettiń sociallıq hám ekonomikalıq rawajlanıwınan, jámiyet talaplarınan, ilim, mádeniyat, texnika hám texnologiyalardıń zamanagóy jetiskenliklerinen kelip shıqqan halda rawajlandırıp barıw zárúr», – dep belgilengen.

Demek, úzliksiz bilimlendiriw sistemasınıń aldında turğan eń zárúr hám aktual wazıypalardıń biri - bul bilimlendiriw procesinde zamanagóy oqıtıw hám xabar kommunikaciya texnologiyaların keń paydalanıw, olardı oqıw procesine endiriw hám dúnya standartları talaplarına juwap beretuğın qániygelerdi jetistirip beriwden ibarat.

Bul wazıypalar respublikamız Prezidentiniń «Fizika tarawında bilim sıpatın asırıw hám ilimiy izertlewdi rawalandırıw ilajları» haqqındağı 2021-jıl mart ayındağı PQ-5032 sanlı qararında óz kórinisin tapqan. Qararda Prezidentimiz bilimlendiriw procesinde zamanagóy oqıtıw usılların, sonıń ishinde, xabar-kommunikaciyalıq texnologiyalardı oqıtıw procesinde keń en jaydırıw kerekligin atap ótedi [1].

Búgingi kún bilimlendiriw sistemasınıń aldında turğan sheshiliwi talap etiletuğın máselelerdiń biri tiykarğı - tayanısh kompetenciyalardı támiynlewshi usıllardı qáliplestiriw hám jetilistiriw bolsa, bul bağdarda kompyuter texnologiyalarınan paydalanıw effektiv nátiyje beredi. Kompyuter texnologiyalarınan paydalanğan halda tayanısh hám qániygelik kompetenciyalardı qáliplestiriw zamanagóy cifralı kommunikaciyalı ortalıqta ámelge asırıladı.

G.K.Selebko pikiri boyınsha kompyuter texnologiyası degende kompyuter arqalı oqıwshılarğa informaciyanı tayarlaw hám jetkerip beriw procesi túsiniledi [2].

Al N.S.Purısheva hám S.E.Kameneckiylerdiń pikiri boyınsha kompyuter texnologiyalarınıń fizika pánin oqıtıwda paydalanıwdağı tiykarğı pedagogikalıq maqsetleri tómendegishe:

1. Bilim alıwshılardıń kommunikativ qábiletin hám bilim alıwğa bolğan qızığıwshılığın asırıw.
2. Oqıtıw procesiniń effektivligin hám sıpatın asırıw.
3. Jámiyettiń informaciyalanıwı nátiyjesinde júzege kelgen sociallıq talaplardı qanaatlandırıw [3].

Demek, kompyuter texnologiyalarınan oqıw procesinde paydalanıw, bilim alıwshılardıń qorshağan ortalıqtağı qubılıslardı, processlerdi úyreniwge, ózbetinshe jumıs islew qábiletin shólkemlestiriwge hám qáliplestiriwge múmkinshilik beredi, yağnıy ilimiy tiykarlanğan dúnya qarasın qáliplestiredi [4].

Álbette, bul birinshi gezekte, fizika páninede tiyisli bolıp tabıladı. Fizika - bul fundamental ilim bolıp, tábiyattıń ápiwayı hám ulıwma nızamlıqların, materiayanıń dúzilisin hám qásiyetin, hámde qozğalıs nızamların úyretetuğın pán.

Sonlıqtan da, fizika pánin oqıtıwda kompyuter texnologiyaların paydalanıw úlken áhmiyetke iye. Máselen, mikrodúnya hám makrodúnya qubılısların, jáne de yadrolıq hám kvant fizikası qubılısların kompyuter texnologiyalarınan paydalanbay sabaq procesinde kórgizbelilikti támiyinlew bir qansha qıyınshılıqlardı payda etedi.

Sebebi, kompyuter texnologiyaları sabaq procesiniń mazmunın, oqıtıw túrin hám sıpatın ózgertiriwshi katalizator wazıypasın atqaradı.

Kompyuter texnologiyalarınan paydalanıp sabaq ótiw, pedagogqa birinshiden, óziniń dóretiwshiligin, individuallığın kórsetiwge múmkinshilik berse, ekinshiden mağlıwmat deregi, illyustraciya, obektlerdi modellestiriwge, hár qıylı usıllardı qollanıwğa, waqıttı únemlewge, bilimlendiriw maydanın keńeytiwge imkan beredi.

Kompyuter texnologiyaları arqalı ótilgen sabaqta kórgizbelilik joqarı boladı, fizika páni kórgizbelikti talap etetuğın pán bolğanlıqtan, fizika pánin oqıtıwda kompyuter texnologiyalarınan paydalanıw bilim sapasınıń asıwına alıp keledi [5].

Sonıń menen bir qatarda kompyuter bilim alıwshılar ushın jańa informaciyalardı alıw deregi hám intelektual iskerlik instrumenti bolıp esaplanadı.

Al oqıtıwshı ushın bolsa, kompyuter didaktikalıq máselelerdi sheshiwde tiykarğı qural bolıp tabıladı.

Atap ótiwimiz kerek, fizika-eksperimental ilim. Fizikalıq qublıslardı laboratoriyalıq eksperiment jumıslarısız úyreniw múmkin emes. Ayırım laboratoriya jumısları, quramalı úskenelerdi talap etedi, bul úskeneler hámme laboratoriya xanalarında bolmawı múmkin. Usınday jağdayda quramalı úskeneler rolin komp'yuter arqalı virtual laboratoriya jumısları atqaradı. Virtual laboratoriya jumısları real eksperimental úskenelerdiń kompyuterlestirilgen modeli. «Virtual barlıq» ataması 1970-jıldıń aqırlarında Massachuset texnologiya institutında Jaron Lanier tárepinen oylap tabılğan, al birinshi ret amerikalı kinematografshılar tárepinen qollanılğan.

Virtual laboratoriyalardıń eń keń taralğan túri bul kompyuter simulyatorları bolıp tabıladı. Kompyuter stimulyatorlarınan eki bağdarda paydalanıw múmkin: real obyektlerdi modellestiriw hám usı modelerdi rawajlanıdırıw. Bilim alıwshılar kompyuter simulyatorları járdeminde usı virtual modellerdi jaratıw hám baqlaw múmkinshiligine iye boladı.

Usınday virtual laboratoriyalardıń biri-bul Kolorado universiteti proekti *PhET Interactive Simulations* bolıp tabıladı. Bul 2002-jılı Nobel sıylığınıń laureatı Karl Viman tárepinen tiykar salınğan ashıq resurslı kommercialıq emes proekt bolıp, bul jerde fizika, ximiya, biologiya hám t.b. pánlerge tiyisli 125 ten artıq pulsız interaktiv stimulyaciyalar jaylastırılğan hám olar 65 tilge awdarmalanğan. Bul proekttiń jáne bir múmkinshiliklerinen biri sol jerdiń ózinde qalegen tilge awdarmalawğa boladı. Házirgi waqıtta bizler bir topar talabalar menen birgelikte usı proekttegi virtual laboratriya jumısların qaraqalpaq tiline awdarmalaw jumısların alıp barmaqtamız. Men oylayman, eger de usı awdarma óz juwmağına jetse fizika hám astronomiya qáni-

geligimiz talabaları ushın qaraqalpaq tilinde tayar virtual laboratoriya jumısları payda boladı.

Demek, xabar-kommunikaciya texnologiyaların bilimlendiriw procesine endiriw oqıtıw sıpatın kóteriwge, bilim alıwshılardıń qızıǵıwshılıǵın arttırıwǵa, hár bir mashqalanıń sheshimin tabıw ushın individual qatnasta bolıwǵa hám sabaq procesinde waqıttı únemli paydalanıwǵa múmkinshilik beredi.

Demek, xabar kommunikaciya texnologiyaların bilimlendiriw procesine paydalanıw oqıtıw sıpatın kóteriwge, bilim alıwshılardı jedellestiriwge, olarǵa individual qatnasta bolıwǵa múmkinshilik beredi, sonıń menen birge pedagogtıń ózin jetilistiriwge, virtual tálim-tárbiya keńisligin qáliplestiriwge, virtual keńisliktegi jaslardı qáliplestiriwdiń sheksiz dereklerinen paydalanıw múmkinshiligin beredi.

**Ádebiyatlar**

1. «Fizika sohasidagi ta`lim sifatini oshirish va ilmiy tadqiqotlarni rivojlantirish chora-tadbirlari to`g`risida» O`zbekiston respublikasi prezidentining PQ-5032-son qarori.
2. Селевко Г. К. Современные образовательные технологии. // -М.: «Народное образование», 1998. –С. 256.
3. Каменецкий С.Е., Пурышева Н.С., Важеевская Н.Е. и др. Теория и методика обучения физике в школе: общие вопросы. Учебное пособие для студентов высших педагогических учебных заведений. // Под ред С.Е.Каменецкого, Н.С.Пурышевой. –М.: «Академия», 2000. –С. 369.
4. Begimqulov U.SH. Pedagogik ta`limda zamonaviy axborot texnologiyalarni joriy etishning ilmiy-nazariy asoslari. –Toshkent: «Fan», 2007.
5. Беспалько В.П. Образование и обучение с участием компьютеров (педагогика третьего тысячелетия). –М.: 2002. –С. 349.

**REZYUME**

Maqolada ta’lim tizimi sifatini oshirish borasidagi vazifalar haqida, bu masalalarni echishda kompyuter texnologiyalarining o’rni to’g’risida so’z etilgan. Kompyuter dastur va texnologiyalari orqali ma’lum yo'nalishda zaruriy ko'nikmalarni hosil qilishga yordam beradi. Bugungi kunga kelib ta’lim jarayonining texnologik bazasini hozirgi zamon texnik vositalarini joriy etish yo'li bilan takomillashtirish, ta’lim tizimini modernizatsiyalashning asosi bo’lmoqta. Shunki, kompyuter – talim oluvchilar uchun yangi informatsiyalarni olish manbayi va intelektual ishchanlik instrumenti bo’lib hisoblanadi.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются задачи повышения качества системы образования, роль компьютерных технологий в решении этих проблем. Сегодня совершенствование технологической базы образовательного процесса за счет внедрения современных технических средств является основой модернизации системы образования. Потому что компьютер - это источник новой информации для студентов и инструмент интеллектуальной деятельности.

**SUMMARY**

The article discusses the tasks of improving the quality of the education system, the role of computer technologies in solving these problems. Today, improving the technological base of the educational process through the introduction of modern technical means is the basis for the modernization of the education system. Because a computer is a source of new information for students and a tool for intellectual activity.

## ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ИЛМИЙ – НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

**А.К.Кадрекова –** *педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори*
*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*
**Р.Н.Рахманов** – *катта ўқитувчи*
*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси*

**Таянч сўзлар:** болалар, бола ҳуқуқлари, конвенция, конституция, болалар фаровонлигини таъминлаш.
**Ключевые слова:** дети, права детей, конвенция, конституция, благополучие детей.
**Key words:** children, children's rights, conventions, constitutions, child welfare.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда Президент Ш.Мирзиёев жамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида фикр билдирар экан: “Биз жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларимизни узлуксиз давом эттиришимиз зарур. Ҳуқуқий тарбияни мактабгача таълим тизимидан бошлашимиз, бу борадаги илк кўникмалар она алласи каби фарзандларимиз қалбидан умрбод жой олиши зарур”, деб таъкидлади [1].

Бу борадаги аниқ мақсад ва вазифаларни белгилашда қуйидагиларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ:

болалар фаровонлигини таъминлашга қаратилган қонунлар ва конуности ҳужжатларни ўқитувчилар ва ота-оналарга тушунтириш ишларининг самарали шакл, метод ва воситаларини аниқлаш, амалиётга татбиқ этиш;

болаларга таълим бериш, уларни тарбиялаш ва ривожлантириш сифатини ошириш мақсадида узлуксиз таълим тизимида инклюзив таълимни ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

мамлакатимизда болалар фаровонлигини таъминлашда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтириш;

болаларни бугунги кунда уларнинг онгига салбий таъсир кўрсатаётган, ҳуқуқбузарлик, жиноят ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишга ундаётган “оммавий маданият” таъсиридан асраш;

болалар ҳуқуқларининг таъминланганлик даражасини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш;

болалар фаровонлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг оммавий ахборот воситалари орқали ёритилишини янада кучайтириш;

бола ҳуқуқлари, бола хуқуқларининг ҳимояланиши, болалар савдоси, болаларга нисбатан зўравонлик каби ҳолатларни тушуниш учун болаларда, аввало, бола ҳуқуқларига оид тушунчаларни шакллантириш талаб этилади.

Бундай тушунчаларни умумий ўрта таълим тизимининг бошланғич синф ўқувчиларидан бошлаб шакллантириш уларда хуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий дунёқараш шаклланишига имкон яратади.

Бугунги кунда мамлакатимизда бола ҳуқуқлари, айниқса, уларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг бола ҳуқуқларини таъминлашга доир қатор фармон ва қарорлари қабул қилиниб, соҳалар кесимида ижрога қаратилди. Жумладан, таълим тизимида янги 11 йиллик умумий ўрта таълимнинг мажбурий этиб белгиланиши, касб-ҳунар таълимининг 11 йиллик база негизида қабул қилиниши, болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари ташкил этилиши, касб-ҳунар таълимининг ихтиёрийлиги, олий таълимда квоталанган ўринларнинг жорий этилиши, энг муҳими, мактабгача таълим-тарбиянинг алоҳида йўналишда белгиланиши учун самарали механизм яратиб берилди.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишни назарда тутувчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси билан бошланади. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ратификация қилинган дастлабки халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан бири Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциядир. *Халқаро ҳуқуқда болаларнинг ҳам ҳуқуқларга эга эканлиги Миллатлар лигаси томонидан бу борадаги биринчи халқаро ҳужжат – Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги декларация қабул қилинган 1924 йилдаёқ тан олинган эди. Кейинроқ, 1948 йилда, БМТ томонидан қабул қилинган инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва минтақавий характердаги айнан шу йилдаги Инсон ҳуқуқлари ва бурчлари Америка декларацияси каби инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳужжатларда инсоннинг зўравонлик, қаттиқ ва шафқатсиз муомала ҳамда эксплуатациядан холи бўлиш ҳуқуқлари кенгроқ мазмун билан бойитилди. Бу ҳуқуқлар барча инсонларга, шу жумладан, болаларга ҳам бирдек тегишли бўлиб, 1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактда янада ривожлантирилди ва уларнинг кўлами кенгайтирилди.*

*Бола ҳуқуқлари ҳақида алоҳида ва махсус тартибда аниқ-равшан белгилаб берилган янги халқаро ҳужжат ишлаб чиқиш зарурати халқаро ҳамжамият томонида бир овоздан эътироф этилиб, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йилда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция қабул қилинди* [2:16].

Ушбу ҳужжат орқали Ўзбекистон ҳам Конвенция қоидалари ва принципларига риоя қилиш мажбуриятини ҳамда жаҳон ҳамжамияти олдида жавобгарлик масаласини ўз зиммасига олди. Лекин, шунга қарамай, дунёда бола ҳуқуқларининг бузилиши энг кўп учрайдиган ҳолат сифатида давом этмоқда. Бола ҳуқуқлари таъминланиши ва уларга амал қилинишини назорат қилиб, кузатиб боришга масъул халқаро тоифадаги орган – Бола ҳуқуқлари қўмитаси ҳуқуқ тарихида биринчи маротаба ушбу ҳужжатга кўра ташкил этилган.

Бола ҳуқуқларининг энг содда кўриниши ҳар бир боланинг ўзига етказиладиган зиён (зарар)дан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига алоқадор масалаларни атрофлича муҳокама қилишдан иборатдир. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кенг қамровли, зудлик билан ҳал этилиши лозим бўлган масалаларни, жумладан, уй, жой ёки мактабларда кузатиладиган зўравонлик сингари айрим ҳолатларни қамраб олади" [2:12].

Бола ҳуқуқларининг бузилиши инсон ҳуқуқлари бузилиши бўлибгина қолмай, болаларнинг саломатлиги ва ривожланишига қарши қаратилган, жамоатчилик томонидан тан олинмаган ҳамда оммага етарлича маълум бўлмаган улкан тўсиқдир. Зўравонлик, қўпол ва шафқатсиз муомалага, эксплуатацияга маҳкум этилган болалар:

умр қисқариши;

жисмоний ва ақлий саломатликка путур етиши;

таълим муаммолари (бу, ўз навбатида, мактабга мунтазам қатнамасликни ҳам ўз ичига олади);

ўзларини келгуси ҳаётларида ота-оналик учун лозим бўлган етарли малака ва кўникмаларига эга бўлмаслик;

уйсизлик, дайдилик ва муқим турар жойларидан ҳайдалиш хавфи остида яшамоқдалар [2:13].

Инсон туғилиши билан муайян ҳуқуқларга эга бўлади. Аммо, бола ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қила оладиган даражага етгунига қадар унинг манфаатларини қонун кучи билан ҳимоя қилиш зарурати пайдо бўлади. Жамиятда бола ҳуқуқларини таъминлашда маълум бўшлиқлар юзага келаётгани бу борада идоралараро мувофиқлаштириш фаолияти сустлигини кўрсатди. Бола ҳуқуқларининг турли кўринишларда бузилиши ҳолатлари бўйича айбдорларни жазолаш билан самарали натижага эришиб бўлмайди. Статистик маълумотларга қараганда, дунёда болалар ҳуқуқлари энг кўп бузилишига асосий сабаб ҳам айнан уларнинг ёшлиги билан боғлиқ. Жумладан, болалар овоз бериш ҳуқуқига эга эмас, суд тизимида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жиддий муаммоларга дуч келади.

Жаҳонда ҳар икки соатда болалар омбудсманига вояга етмаганлардан иккитадан мурожаат келиб тушади. Улар нафақат болаларнинг ҳуқуқлари бузилиши ҳолатига тааллуқли, балки мураккаб вазиятларда маслаҳат бериш бўйича илтимослар ҳамдир. Бу каби ҳолатлар халқаро ҳуқуқ тизимида болаларнинг ҳуқуқ, имтиёз ва кафолатларини қамраб олувчи "бола ҳуқуқлари" деган соҳани юзага келтирди ва ҳар бир жамият олдида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини қонуний кафолатлаш вазифасини қўйди.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистонда болаларнинг билим олиш ҳуқуқи, виждон эркинлиги ва диний эътиқоди ҳуқуқи, меҳнатга оид муносабатлар, суд амалиётида ҳимоя қилиш, оналар ва болалар соғлигини муҳофоза қилиш борасида катта тажриба тўпланди.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда болалар фаровонлигини таъминлаш масаласига давлат сиёсати даражасида қаралиб, қуйидаги йўналишлар устуворлик касб этди:

1) болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

2) аҳоли репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, тиббий хизмат моддий-техник базасини мустаҳкамлаш асосида соғлом авлодни вояга етказиш ишларини янада кучайтириш;

3) таълим соҳаси моддий-техник базасини шакллантириш ва ундан самарали фойдаланишни таъминлаш, реал иқтисодиёт тармоқларида талаб қилинаётган мутахассисларни тайёрлаш, давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш;

4) таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни жорий этиш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини мустаҳкамлаш, ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш;

5) замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда Интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштириш;

6) ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш ишларини кучайтириш, ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, янги спорт мажмуаларини қуриш ва уларни жиҳозлар билан таъминлаш;

7) ёшларни, энг аввало, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини, айниқса, қишлоқ жойларда тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш;

8) ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш, фанни янада ривожлантириш ҳамда истеъдодли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш;

9) ёш оилалар тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оила қарор топтириш учун шарт-шароитлар яратиш;

10) ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни четдан кириб келадиган паст савияли "оммавий маданият" иллатларининг зарарли таъсири ва таҳдидларидан муҳофаза қилиш;

11) оммавий ахборот воситалари орқали Ўзбекистонда бола фаровонлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган давлат дастурларининг мақсади, мазмуни ва аҳамияти тўғрисида тушунтириш ишларини тизимли асосда ташкил этиш.

Юқорида қайд этилган вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистонда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича Ҳаракат дастури қабул қилиниб, дастурнинг асосий йўналишлари доирасида қуйидаги механизмлар жорий этилди:

миллий даражада мақсадларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича умумий саъй-ҳаракат кўлами, устувор йўналишлар ва мўлжаллар белгиланди;

миллий мақсадларни амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик ҳамда минтақавий ва маҳаллий даражада болалар фаровонлигини яхшилаш тизими шакллантирилди;

болалар фаровонлиги мақсадларига эришишни баҳолаш ва мониторинг қилиш механизми яратилди;

давлат ижтимоий сиёсатининг оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтиришга оид стратегик йўналишлари, мамлакатда қабул қилинган ижтимоий дастурлар ва БМТ Бош Ассамблеяси қўмита ва сессиялари тегишли тавсияларининг бажарилиши таъминланди.

Якунлаб айтганда мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун ҳаётимизнинг барча жабҳаларида конституциявий назоратни кучайтиришимиз зарур. Бу эса, пировард натижада, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг шаъни, қадр-қиммати, мол-мулки дахлсизлигини сақлаш, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, тиббий ёрдамдан фойдаланиш каби энг асосий ҳуқуқларини тўла таъминлаш имконини беради.

**Адабиётлар**

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Тошкент: / "Халқ сўзи", 2019 йил 7 декабрь.
2. Болаларни ҳимоя қилиш. Парламент аъзолари учун қўлланма.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг илмий-назарий асосларига тўхтаб ўтдик. Бунда бола ҳуқуқларининг бузилиши инсон ҳуқуқлари бузилиши бўлибгина қолмай, болаларнинг саломатлиги ва ривожланишига қарши қаратилган, жамоатчилик томонидан тан олинмаган ҳамда оммага етарлича маълум бўлмаган улкан тўсиқлар ҳақида ва мамлакатимизда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича Ҳаракат дастури қабул қилиниб, дастурнинг асосий йўналишлари доирасида механизмлар жорий этилиши ҳақида.

**РЕЗЮМЕ**

В статье говорится Мы затронули научно-теоретические основы защиты прав детей в нашей стране. В то же время нарушение прав детей - это не только нарушение прав человека, но и огромное препятствие на пути к здоровью и развитию детей, не признанное обществом и недостаточно известное общественности о зрелости.

**SUMMARY**

We touched upon the scientific and theoretical foundations of protecting the rights of children in our country. At the same time, violation of children's rights is not only a violation of human rights, but also a huge obstacle to the health and development of children, not recognized by society and not well known to the public about maturity.

## ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

**Т.Н.Калмуратов –** *таянч докторант*

*Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти*

**Таянч сўзлар:** мактабгача таълим сифати, сифатни бошқариш, халқаро тажрибалар, сифатни баҳолаш, мактабгача таълим сифатини баҳолаш мезонлари.

**Ключевые слова:** качество дошкольного образования, управление качеством, международный опыт, оценка качества, критерии оценки качества дошкольного образования.

**Key words:** quality of preschool education, quality management, international experience, quality assessment, criteria for quality assessment of preschool education.

Жамият ҳаётида амалга оширилган ёки оширилаётган ҳар қандай фаолият сифати ва натижасини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ҳолат таълим тизими шу жумладан, мактабгача таълим тизими, унинг бугунги кунда катта имтиёзлар берилаётган, молиявий манбалар ажратилаётган давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат қисми учун ҳам ўринлидир. Сабаби, давлат ва ҳукумат томонидан қаратилаётган эътибор маълум вақт давомида ўз натижасини бериши керак ва бу таълим сифати ва натижадорлигида кўриниши лозим.

Шу нуқтаи назардан, давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифатини такомиллаштириш, сифатни баҳолаш учун қандай механизмлардан фойдаланиш керак, қандай сифат мезонлари асос сифатида олиниши зарур, баҳолаш ким томонидан ўтказилиши лозим каби саволларга жавоб топиш мақсадида халқаро тажрибалар қиёсий ўрганилди.

Халқаро тажрибалар шуни кўрсатадики, таълим сифатини баҳолаш тизими қуйидаги шартларга жавоб бериши керак:

таълим сифатини баҳолаш тизими мутлақо мустақил бўлиши, турли бошқарув тузилмалари босимидан холи бўлиши;

баҳолаш даражали, таққослама характерга эга бўлиши, яъни таълим ташкилотининг янада ривожланиши учун ўзига хос "Йўл харитаси"ни белгилаши;

сифатни баҳолаш натижалари жамият аъзолари учун осон, тушунарли бўлиши учун логотип, сифат белгиси ва бошқа турдаги визуал ифодага эга бўлиши;

баҳолаш баҳоланувчи таълим ташкилотлари учун ихтиёрий хусусиятга эга бўлиши;

мутахассисларни қўллаб-қувватлаш тизими педагогларни ўзини ўзи баҳолашга, фаолиятидаги бўшлиқларни, камчиликларни бартараф этишга йўналтириши;

таълим сифатини баҳолашни ушбу соҳада катта тажрибага эга бўлган, малакали мутахассислар ўтказиши кераклиги.

Ушбу шартларнинг барчасини фақат давлатдан мустақил бўлган, яъни нодавлат таълим сифатини баҳолаш тизимигина қондириши мумкин. Давлат томонидан таълим сифатини баҳолаш – таълим ташкилотини аккредитациядан ўтказиш, сертификатлаш, лицензиялашда намоён бўлади. Аммо, ташкилот томонидан кўрсатилаётган таълим хизматларининг реал сифати фақат жамият ёки истеъмолчилар томонидан белгиланиши мумкин.

Халқаро тажрибалар таҳлили шуни кўрсатадики, мактабгача таълим сифатини баҳолашнинг мустақил, нодавлат тизими ўқувчи-талабалари халқаро қиёсий тадқиқотларда (PISA, PIRLS) ижобий натижалар намойиш этадиган деярли барча мамлакатларда мавжуд.

Тадқиқот ишини олиб бориш жараёнида таълим ва илм-фан орқали инновацион ривожланишга эришган Сингапурнинг мактабгача таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги тажрибалари ўрганилди.

Сингапур мактабгача таълим тизимида 600 га яқин мактабгача таълим ташкилотлари ва 900 дан ортиқ бола парваришлаш марказлари ижодий фикрлаш, мослашувчанлик ва инновацион ёндашувларни яратиш каби мақсад ва вазифалар асосида фаолият юритиб келмоқда.

Сингапурда мактабгача таълим сифатини ташқи баҳолаш учун 2011 йилда SPARK (Сингапур мактабгача таълимни аккредитациядан ўтказиш тизими) дастури ишлаб чиқилган.

Мамлакатда мустақил ташкилот ҳисобланадиган Эрта болаликни ривожлантириш агентлиги мактабгача таълим ташкилотлари ва бола парваришлаш марказларида 7 ёшгача бўлган болалар ривожланишининг асосий йўналишларини такомиллаштириш, SPARK дастурини амалга ошириш шуғулланади [1].

SPARK дастури асосан иккита йўналишда фаолият юритади:

1. Мактабгача таълим ташкилотлари ва уларнинг ходимларига таълим сифатини такомиллаштиришга ёрдам бериш.

2. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ота-оналари, яъни, истеъмолчиларга мактабгача таълим ташкилотини танлашда ёрдам бериш.

SPARK дастури мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг ҳар томонлама ривожланиши ва фаровонлигини таъминлаш учун таълим сифатини ошириш жараёнида ташкилот раҳбарларининг нуфузини кўтариш ва қўллаб-қувватлаш билан таъминлайди. Дастур ривожланиш бўйича йўналишларни белгилайди ва ташкилотларнинг ўзини ўзи баҳолашини янада самарали ташкиллаштиришга ёрдам беради.

SPARK дастури ихтиёрий бўлиб, мактабгача таълим ташкилотлари ва бола парваришлаш марказлари ўзлари истаган вақтда баҳолашдан ўтиши ва сертификат олиши учун ариза билан мурожаат қилишлари мумкин.

Дастур тўртта босқичдан иборат [2]:

1) Рўйхатдан ўтиш. Ташкилотнинг фаолият юритиши учун минимал стандартлар баҳоланади.

2) Ўз-ўзини баҳолаш. Рўйхатдан ўтказилгандан сўнг, барча мактабгача таълим ташкилотлари ва бола парваришлаш марказлари ўз-ўзини баҳолаш босқичидан ўтишлари тавсия этилади.

3) Сифат рейтинги. Ушбу босқичда таълим ташкилотлари сифатнинг қайси даражасига мос келишини аниқлайди ва ташқи экспертнинг таклифидан фойдаланиб, ўзини ўзи баҳолаш натижаларини текширади.

4) Аккредитация. Ташқи баҳолаш натижаларига кўра, таълим хизматларининг сифатига қараб мактабгача таълим ташкилотларининг рейтинги тузилади. Рейтингнинг юқори қисмида жойлашган ташкилотлар сертификат олади.

SPARK дастурида рейтинг мезонлари қуйидаги бешта йўналиш асосида шакллантирилади ва баҳоланади [3]:

1. Тарбияланувчининг ривожланишига, унинг шахсига қаратилган эътибор, яратилган шарт-шароитлар. Болалар хавфсиз ва ривожлантирувчи таълим муҳитида яхши ривожланадилар. Шунингдек, ҳар бир бола турли хил таълим эҳтиёжларига, қобилиятларга ва қизиқишларга эга бўлиб, яратилган шарт-шароитлар индивидуал эҳтиёжларга ҳам жавоб бериши керак.

Мактабгача таълим ташкилотидаги таълим-тарбия жараёни юқори малакали педагог ходимлар билан таъминланиши зарур. Шунда олиб борилаётган сифатли машғулотлар ҳар бир болага ўз қобилиятларини намоён қилишга ва таълимнинг кейинги босқичи учун кучли асос яратишни таъминлайди.

2. Раҳбарлик маҳорати. Раҳбар мактабгача таълим ташкилоти фаолиятида энг муҳим шахс ҳисобланади. У ташкилот ва ходимлар учун умумий мақсадлар ва ривожланиш йўналишларини белгилайди ҳамда ходимларни таълим ташкилотининг ривожлантириш концепциясини амалга оширишга илҳомлантиради ва бошқаради.

Шунингдек, соҳадаги муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш учун раҳбарлар ўзгарувчан таълим муҳитига мос ривожланиши зарур: педагогиканинг сўнгги ривожланиш тенденциялари ҳақида хабардор бўлиши, истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари ва соҳага оид бошқа муаммоларни бошқалардан кўра олдинроқ кўра олиш ва ҳал қилиши лозим.

3. Касбий нуфуз. Мактабгача таълим ташкилотлари ўзларини касбга бағишлашга тўлиқ тайёр бўлган, ўз вазифаларини яхши биладиган ва болани мазмунли, шахсга йўналтирилган таълимга жалб қилиш учун етарлича юқори малакага эга бўлган педагогларга ҳар доим муҳтож бўлган. Педагогларнинг касбий компетенциялари таълим сифатини таъминлашда энг асосий омиллардан бири эканлигини инобатга олган ҳолда, улар ҳам болаларни ҳам ўзларини доимий равишда ривожлантириб боришлари зарур.

4. Мақсадли йўналтирилган инновациялар. Бугунги тезкор ривожланиш суръатлари мабгача таълим ташкилотларидан ўзгаришларга, ривожланишга ҳамоҳанг бўлишни, инновацион ишланмаларни яратиш ва жорий этишда фаол қатнашишни, жамиятнинг ривожланишига ҳамоҳангликни талаб қилади. Агар мактабгача таълим ташкилотларида яратилган

ривожланиш муҳити замон талабларига жавоб берса ва инновацион педагогик ёндашувларни қўлласа, бу болалар учун келажакда зарур бўладиган билим ва кўникмаларни эгаллаш имкониятини яратади.

5. Ижтимоий ҳамкорлик. Мактабгача таълим ташкилотининг оила ва жамиятдаги бошқа хўжалик субъектлари билан мунтазам равишда фаол алоқада бўлиши болаларнинг ўқиши ва ривожланишига ижобий таъсир қилади. Мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш учун ота-оналар ва жамиятнинг бошқа субъектлари билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши керак.

Ҳозирги кунда Сингапурдаги 1500 та мактабгача таълим муассаларининг 409 таси SPARK сертификатларига эга. Яна 56 та мактабгача таълим ташкилотлари SPARK имтиёзли сертификатларига эга. Бу таълим жараёнини бошқаришнинг кучли даражаси, комплекс таълим дастурини амалга ошириш, боланинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлайдиган самарали ўқув муҳитининг мавжудлигини тан олишдир [3].

Сертификат уч йил давомида амал қилади. Белгиланган муддатдан олдин ҳам SPARK мезонларига жавоб берса мактабгача таълим муассасалари қайта сертификатланиши мумкин.

Сингапурдаги замонавий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, SPARK сертификатининг мавжудлиги ота-оналар ўз фарзандлари учун мактабгача таълим ташкилотларини танлашининг асосий мезонига айланмоқда.

Халқаро тажрибаларнинг таҳлиллари асосида, биринчи навбатда, ривожланган таълим тизимига эга бўлган давлатлар мактабгача таълим ташкилотлари ва бола парваришлаш марказларини фаолиятини ривожлантириш юзасидан мезон сифатида белгиланган сифат кўрсаткичлари бўйича қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

кўп ҳолларда болаларнинг ўқув ютуқлари, улар томонидан эгалланган академик билимлар болалар боғчасининг сифати тўғрисида хулоса чиқариш учун асос ҳисобланмайди. Мониторингнинг марказий объекти таълим-тарбия муҳитини ташкил этиш, ижтимоий алоқалар, жиҳозлар, хавфсизлик ва ходимларнинг малакасидир;

мактабгача таълим ташкилотнинг жамият, ташкилотлар ва ота-оналар билан дўстона алоқалари, ҳамкорларнинг болалар жамоаси ҳаётида иштирок этиш даражаси таълим сифатининг муҳим кўрсаткичидир;

таълим сифатини баҳолашда “Раҳбарлик” кўрсаткичи муҳим аҳамиятга эга бўлиб, айниқса унга Сингапурда катта эътибор қаратилади: таълим ташкилоти раҳбари ўзининг касбий фаолияти давомида ташкилотни ривожлантириш стратегиясига эгалиги, уни жамоанинг қай даражада қўллаб-қувватлаши, стратегияни ташкилий ва молиявий томондан таъминлаш манбаларининг мавжудлиги алоҳида аҳамиятга молик ҳолатлардир.

Шундай қилиб, хорижий мамлакатларда мактабгача таълим сифатини баҳолаш жараёни аксарият ҳолларда мустақил ташкилотлар томонидан амалга оширилади ва бу таълим сифатини, унинг натижаларини мустақил баҳолаш хусусиятларини, мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун реал эҳтиёжларни қондириш бўйича таълим хизматларини такомиллаштириш йўналишларини белгилайди.

Шунингдек, таълим тизими ривожланган мамлакатларда сифатни ташқи баҳолашнинг муҳим хусусияти бу уларнинг ихтиёрийлигидадир: мактабгача таълим ташкилотлари баҳолашда иштирок этиш учун ариза топшириш ва мутахассисларни қачон таклиф этишни ўзлари ҳал қилади.

Мактабгача таълим сифатини баҳолаш бўйича таҳлил қилинган хорижий тажрибалар янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ижтимоий буюртмани таълим хизматларининг сифатига йўналтиришни, мактабгача таълим сифатини мустақил экспертизадан ўтказиш тизимини шакллантириш лозимлигини англатади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифатини бошқаришнинг қуйидаги жиҳатларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга:

1) Мактабгача таълим соҳасида, хусусан, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифатини нодавлат тузилма томонидан баҳолаш бўйича аниқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилиши зарур. Бунда нодавлат баҳолаш ташкилоти, тизим ва соҳага оид ташкилотларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, баҳолаш мезонлари ва шартлари, баҳолаш натижаларини эълон қилиш аниқ белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ.

2) Давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари таъсисчилари, яъни тадбиркорларнинг аксарият ҳолатларда мактабгача таълим ташкилотини бошқариш бўйича компетенциялари етарли эмас. Мазкур масалага ижобий ечим топиш мақсадида тадбиркорларда таълим ташкилотини бошқаришнинг ташкилий, ҳуқуқий, педагогик жиҳатлари бўйича компетенцияларини ривожлантириш, узлуксиз семинар-тренинглар фаолиятини йўлга қўйиш зарур.

3) Давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини бошқаришнинг қуйидан юқорига томон йўналтирилган вертикал тизимини ривожлантириш. Мазкур мақсадда ДХШ нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини бошқариш ва назорат қилишнинг электрон платформасини яратиш.

4) Давлат-хусусий шериклик битимида белгиланган тарбияланувчилар сонига нисбатан давлат улушининг ўрнатилган ҳажмларда бўлиши ва унга мувофиқ хўжалик-молиявий масалаларни юритишни такомиллаштириш.

5) Ташкилотда таълим-тарбия сифатини такомиллаштириш ҳамда сифат менежментини йўлга қўйишнинг аниқ механизм ва шаклларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш.

6) Ташкилотда болалар саломатлигини сақлаш, соғлом овқатлантиришни ривожлантириш билан боғлиқ комплекс масалаларни ҳал қилиш.

7) Ташкилотга кадрларни танлаб олиш, уларнинг узлуксиз малакасини оширишини ва ижтимоий ҳимоясини ташкил этишнинг ҳуқуқий, ташкилий асосларини ишлаб чиқиш.

8) Давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ўқув-методик ва дидактик тарқатма материаллар билан таъминлашда давлатнинг минимал мажбуриятларини аниқ белгилаб қўйиш.

**Адабиётлар**

1. Peng Ch.F. Children learning through play: perspectives and practices of early childhood educators in Singapore preschools serving children aged four to six years// https://lra.le.ac.uk/bitstream/ 2381/10119/1/2011chenfpedd.pdf
2. https://www.ecda.gov.sg
3. Оманова Г.А. Мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифати менежментини такомиллаштириш. Пед.фан.фалсафа доктори (PhD) илм. дараж.олиш учун ёзилган дисс. – Т.: А. Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти, 2021. 124-б.
4. Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари. –Тошкент: 2018.
5. Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Таълим менежменти. -Тошкент: “Voris-Nashriyot”, 2012. 167-б.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада мактабгача таълим сифатини баҳолаш ва бошқариш йўналишларида бир қатор хориж ва маҳаллий тадқиқотчилар томонидан илмий тадқиқот ишлари таҳлил қилинган ҳамда муаммонинг амалиётдаги ҳолати, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифатини таъминлаш ва бошқариш масалаларини ўрганиш долзарб аҳамиятга эга эканлиги асосланган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье анализируются исследовательские работы ряда зарубежных и отечественных исследователей в области оценки качества и управления дошкольным образованием и исследования качества образования в негосударственных дошкольных учреждениях на основе государственно-частного партнерства.

**SUMMARY**

The article analyzes the research work of a number of foreign and local researchers in the field of quality assessment and management of preschool education and the study of the current state of the problem, quality assurance and management of education in public-private partnerships on the basis of legal documents.


# МУАММОЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРДА ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ


**Т.К.Кудайбергенова** – *педагогика фанлари номзоди, доцент*

**И.Н.Ибодуллаева** – *докторант*

**П.Калжанов**– *катта ўқитувчи*

*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*



**Таянч сўзлар:** танқидий тафаккур, муаммоли ўқитиш, назарий таҳлил, анкета, суҳбат, интервью, “синовлар ва хатолар методи”,“синектика” методлари, “тасодифий ассоциациялар”.

**Ключевые слова:** критическое мышление, проблемное обучение, теоретический анализ, анкета, интервью, «метод проверок и ошибок», «методы синектики», «случайные ассоциации».

**Key words:** critical thinking, problem based teaching, theoretical analysis, questionnaire, conversation, interview, the method of testing and mistakes, methods of synectics, random associations.


Инсан шет ел адамларының мәдений ҳәм менталлық парықларын есапқа алып, шет тилинде байланыс жасаўды үйренгенинде мәдениятлараралық компетенция дүзиледи. Мәдениятлараралық компетенция мәдениятлардың нәтийжели байланыс усылы болып табылады. Ҳәр түрли мәдeният ўәкиллериниң мәдениятлараралық байланысында ушырасатуғын қыйыншылықларды дурыс қабыл етиў, жәмийеттеги қәдириятлар ҳәм минезқулық қағыйдаларынан хабардар болыў шет тилин үйрениўде жүдә әҳмийетли факторлардан есапланады. Егер студент жақсы билимлерге ийе болса, ол тилди қолланыўда жүз беретуғын қәтелер, сәўбетлестиң гәпин надурыс аўдарма етиў ҳәм жағдайға надурыс баҳа бериў нәтийжесинде келип шығатуғын түсинбеўшилик, сәўбетлестиң надурыс ҳәрекетлери яки мүмкин болған машқалалы жағдайлардан аңсатлық пенен шығып кетеди. Студенттиң өз ҳәрекетлеринде мәдений қәдириятларды сәўлелендире алыў қәбилети оны жәҳән бирлеспеси ўәкиллери менен бирге ислесиўде жетик қәниге сыпатында раўажланыўна имкән жаратады.

Халықаралық тилди, яғный, инглис тилин үйрениў арқалы мәдениятлараралық байланысты әмелге асырыў мүмкин. Инглис тилин үйрениў процесинде мәдениятлараралық қатнасықлар мақсетине ерисиў ушын зәрүр нәрселер - мәдений пикирлерди ҳүрмет етиў, түсиниў ҳәм қабыл етиў киби инсаныйлық пазыйлетлерин есапқа алыў керек. Тап усындай мәдениятлараралық қатнас инглис тилин үйрениўде лингвистикалық ҳәм елтаныў компетенцияларын бирлестиреди. Излениў даўамында бизлер инглис тилин оқытыўда мәдениятлараралық қатнасты белгилеўши ҳәр бир түсиникти үйренип барамыз. Шет тилин оқытыў контекстинде түрли мәмлекетлердиң өзгешеликлерин, олардың мәдениялты,

дәстүрлери ҳәм үрп-әдетлерин үйрениўди өз ишине алған мәдениятлараралық байланыс ҳәм қатнастың тийкарғы буўыны есапланады. Ҳәр мәмлекеттиң авторлары бул концепция бойынша ҳәр қыйлы көзқарасларға ийе. Мысалы, Е.М.Верещагин ҳәм В.Г.Костомаровлар мәдениятлараралық коммуникацияны адамлардың өз ара бир бирин түсиниўи деп билдиреди [1:126]. М.А.Корочкина мәдениятлараралық компетенция бул мәдениятлардың өз ара тәсири деп пикирлейди [4:54]. И.П.Попова мәдениятлараралық компетенция ҳәр түрли мәдениятлар ўәкиллери арасындағы байланыстың мазмуны деп ойлайды [6].

Жоқарыдағы анықламалар жүдә уқсас ҳәм улыўмалыққа ийе, яғный, өз ара байланыслы. Демек, коммуникатив ҳәрекет ийелери ҳәр қыйлы мәдениятқа тийисли болып, ҳәр түрли тиллерде сөйлесе де, олар бир-бири менен байланысыўға умтылады. Ҳәр қыйлы мәдениятқа тийисли болса да, бир бири менен сәўбетлесип, олар улыўма бир коммуникациялық мақсетке ериседи. Коммуникатив байланыс, сәўбетлеслер тек ғана өзге мәдениятқа тийисли болып қоймастан, сондай-ақ, өзиниң ҳәм шеригиниң өзгешеликлерин билип, қайсы мәденият ўәкили менен байланыс жасап атырғанын аңлаған ҳалда, мәдениятлараралық байланысты, яғный өзге мәдeният ийеси менен байланысты өз ара бирге ислесиўде шериклер арасында әмелге асырылады. Бул шет тилин үйрениўдиң мақсети есапланады. И.И.Халеева «лингво» анықламасын қосып бул түсиникти еле де кеңейттириўди усыныс етеди. Нәтийжеде, тил арқалы өз-ара тәсир жасаўды нәзерде тутатуғын лингвомәдениятлар-аралық коммуникация пайда болады [9:11].

Мәдениятлараралық байланыстың және бир түри кроссмәдений коммуникация болып, ол адамлардың өз идеялары, үмитлерин дүзиў ҳәм олар тийкарында социаллық орталыққа өз қатнасын қурыў процесслерин үйрениўи менен мәдениятлараралық байланыстан парқланады. Атамадағы «cross-» префиксиниң мәниси еки түрли мәденияттың кесилисиўин, яғный, ҳәр түрли мәмлекетлер, мәдениятлар арасындағы коммуникацияны билдиреди. Кроссмәдений байланысқа қарама-қарсы контрмәдений коммуникацияны айтады, мысалы ушын, гәп урыс ҳаққында болса. Бундай жағдайда мәдениятлар диалогына ҳеш қандай орын жоқ, ал керисинше олардың қарама-қарсылығы ҳәм соқлығысыўы жүз береди [3].

Белсенди оқытыўшылардың тәжирийбесинен келип шығып, гуманитар жоқары оқыў орынлары студентлерин мәдениятлараралық байланысқа таярлаў бойынша оқытыў принциплери ислеп шығылды.

Принциплерди әмелге асырыў тийкарында мәдениятлараралық байланысты оқытыў сисемасы мәдениятлараралық компетенцияны пайда етиў ҳәм жоқары оқыў орынларының мақсетли стандартларында белгиленген әмелий ҳәм раўажландырыўшы мақсетлерге ерисиўге жәрдем береди [8]. Оқытыў принциплери оқыў процесиниң объектив нызамлары ҳәм қағыйдаларын сәўлелендиретуғын ҳәм шахстың раўажланыўына қаратылған дәслепки дидактикалық қағыйдалар есапланады. Оқытыў принциплери ҳаққында билиў оқытыў процесин оның нызамлықларына сәйкес түрде шөлкемлестириў, мақсетлерин анықлаў ҳәм оқыў материалының мазмунын, мақсетлерге сәйкес оқытыў формалары ҳәм усылларын дурыс таңлаў имканиятын береди. Оқытыў теориясы ҳәм әмелияты раўажланыўы барысында оқытыў процесиниң жаңа нызамлары, оқытыўдың жаңа принциплери пайда болды, ескилери өзгерди, сол себепли олар тарийхый өткинши есапланады [5:184].

Гуманитар жоқары оқыў орынларының студентлерин мәдениятлараралық байланыс ушын таярлаў барысында, бизлер төмендеги принциплерге таянамыз: оқыў материалының мазмунын мәдений байытыў принципи, гуманитар қәдриятларға бағдарланған принцип, кеңпейиллик принципы, мәдениятлар диалогы принципи, белсендилик принципы, екинши тилди үйрениўши шахстың сыпатларын қәлиплестириў принципи [7:69]. Ҳәр бир принципке сыпатлама берип өтемиз. Оқытыўдың мазмунын мәдений байытыў принципы оқыў процесин активлестириўге жәрдем береди, студентлердиң билим алыў белсендилигин асырады, олардың коммуникатив имканиятларын кеңейттиреди, шет тилин тереңирек үйрениўге, мәдениятлараралық байланысқа таярлығын күшейттириўге имканият береди.

Екинши педагогикалық принцип – бул гуманитар қәдириятларға бағдарланған принцип. Адамгершилик қәдириятларына бағдарланған принцип инсанды социаллық қорғаў, оқыўшылардың өз ара ҳәм оқытыўшылар менен қарым-қатнасын жақсылаў принципи сыпатында қаралады. Педагогикалық процесстиң қатнасыўшыларына өз-өзин раўажландырыў, тәртипке келтириў ҳәм өзлигин аңлаў, өз үстинде излениў ҳәм өзин тәрбиялаў ушын анық имканиятлар жаратылыўы керек. Мәдениятлараралық байланысқа таярлаўда үшинши принцип – бул кеңпейиллик принципи. Ҳүжжетте белгиленгениндей, «толерантлық – мәдениятлардың өзгешеликлерин, инсанның өзлигин билдириў формаларын, оның индивидуаллығын ҳүрмет етиў, қабыл етиў ҳәм дурыс түсиниў дегенди билдиреди. Толерантлық өзгешеликлердеги бирлик есапланады. Ол тек ғана моральлық парыз емес, ал сиясый ҳәм ҳуқықый зәрүрлик есапланады. Толерантлық тынышлықты тәмийинлейди ҳәм урыс мәдениятынан тынышлық мәдениятына алып келеди. Толерантлық бул-келисим, кеширимшилик яки мүмкиншилик бериў емес, ең әўеле, ол инсанның улыўма ҳуқықлары ҳәм еркинликлерин тән алыў арқасында пайда болатуғын шынлыққа белсенди қатнасы есапланады [5:3]. «Басқа инсанды түсиниў ушын, оның қәдириятларының ишине кирип, олардың әҳмийетлилигин аңлаў керек, яғный, оның дүньясына үйренисиў керек» [2:64]. Мәдениятлараралық байланысты дүзиўдиң төртинши принципи – бул мәдениятлар диалогы. Кеңпейиллик принципи менен үзликсиз байланыслы болған диалог принципы тек ғана оқытыў усылы болып қалмастан, бәлким оның мақсетине айланыўы керек» [10:47]. Мәдениятлар диалогы шет тилин оқытыўдың зәрүр элементи сыпатында қаралады. Л.Поршениң айтыўынша, шет тилин оларға хызмет ететуғын мәденияттан айрықша үйрениў мүмкин емес. Оның пикиринше, бунда бир-бирин түсиниў процеси болады, және де, өзге елдиң мәдениятын түсинип қабыл етиў арқалы инсан өз мәдениятын еле де жақсырақ аңлап жетеди [10:126]. Мәдениятлараралық диалог, шет тили сабақларында тек ғана еки мәдениятты салыстырып қоймастан, бәлким олардың конкрет ўәкиллерин ҳәр қыйлы этнотопар ағзалары, ҳәр қыйлы менталитетке тийисли, миллий тилде бирлескен миллий характер ийелери сыпатында салыстырады.

Студенлерди мәдениятлараралық байланысқа таярлаўдың бесинши принципи белсендилик принципи есапланады. Шет тилин оқытыўда белсендилик принципи еркин топарда ҳәм жәмәәт болып оқытыўды белгилейди. Сондай қылып, шет тилин үйрениўде белсендилик принципи гуманитар жоқары оқыў орынлары студентлериниң мәдениятлараралық байланысқа таярлығын асырыў бойынша ис-илажлардың сапасын арттырыўда әҳмийетли фактор есапланады.

Студенлерди мәдениятлараралық коммуникацияға таярлаўдың алтыншы принципи оларда екинши тилде сөйлеўши шахстың өзгешеликлерин жаратады. Екинши тилде сөйлеўши шахстың өзгешеликлерин жаратыўға бағдарланған шет тилин оқытыўдың бағдарлаў принципиниң актуал мәселеси, тил үйрениўшиниң өзин шет елдиң адамындай тутыўға үйретип қоймастан, оның өзге мәдeният ҳәм жәмәәт

ўәкиллери менен бир-бирин түсиниўге деген қәбилетин раўажландырыўға қаратылған [10:125].

Солай етип, жоқарыда атап өтилген оқытыў принциплери, оқытыўшыға оқыў процесин, оның нызамлықларына тийкарланып кемшиликсиз шөлкемлестириўге имкан жаратып береди [11].


**Әдебиятлар**

1. Верещагин Е. М., Костомаров В. Г. Язык и культура. – М.: «Индрик», 2005. –С. 126.
2. Волков Г.Н. Этнопедагогика. - М.: Академия, 1999. –С.168.
3. Гришаева Л.И., Цурикова Л.В. Введение в теорию межкультурной коммуникации. Учебное пособие. 2-е изд., доп. - Воронеж: Воронежский государственный университет, 2004. –С. 424.
4. Корочкина М.Г. Формирование межкультурной компетенции в техническом университете: Дис. канд. пед. наук. – Таганрог: 2000. –С.54 .
5. Полат Е.С. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования. -М.: Академия, 1998. –С. 272.
6. Попова И.П. Межкультурное обучение иностранному языку в спецкурсе социально-экономического профиля на старшей ступени школы: дис. … канд. пед. наук. -М.: 2003. –С.221.
7. Сафонова В.В. Изучение языков международного общения в контексте диалога культур и цивилизаций. -Воронеж: «Истоки», 1996. –С.238.
8. Тырхеева Н.С. Принципы формирования межкультурной компетенции в условиях преподавания иностранного языка в высшей школе. Инновационные внедрения в области педагогики и психологии. / Сборник научных трудов по итогам международной научно-практической конференции. № 2. –Москва: 2017. –С.88.
9. Халеева И.И. О тендерных подходах к теории обучения языкам и культурам. // Известия Российской академии образования. № 1. 2000. –С. 11.
10. Халеева И.И. Вторичная языковая личность как реципиент инофонного текста. // Язык - система. Язык- текст. Язык - способность. - М.: 1995. – С.160.
11. Menlimuratova E.A. Implementation of the principles of forming the readiness of university students for intercultural communication. Proceeding of International Conference on Scientific Endeavors and opportunities. Hosted from Telavi, Georgia on 17th-18th March, 2021. –P.38.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада тамойилларни амалга оширишга асосланган талабаларнинг маданиятлараро мулоқотини ўргатиш тизими масаласи мухокама қилинади. Таклиф этилаётган тамойиллар талабалар ўртасида маданиятлараро муносабатларни шакиллантиришга хамда олий таълим муассасаларининг мақсадли стандартларида назарда тутилган амалий ва ривожлантириш мақсадларига еришишга хизмат қилади. Инглиз тилини ўргатиш ўз мамлакати ва ўрганилаётган тил мамлакати ўртасидаги маданий фарқларни хурмат қилиш, тушуниш ва қабул қилишга асосланган бўлиши керак.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматривается вопрос о системе обучения межкультурному общению студентов, которая основана на реализации принципов. Предлагаемые принципы будут способствовать формированию межкультурных отношений у студентов и достижению практических и развивающих целей, предусмотренных в целевых стандартах высших учебных заведений. Обучение английскому языку должно основываться на уважении, понимании и принятии культурных различий между родной страной и страной изучаемого языка.

**SUMMARY**

The article discusses the issue of the system of teaching intercultural communication of students, which is based on the implementation of the principles. The proposed principles will contribute to the formation of intercultural relations among students and the achievement of practical and developmental goals provided for in the target standards of higher education institutions. Teaching English should be based on respect, understanding and acceptance of cultural differences between the home country and the country of the target language.


## СПОРТШЫЛАРДЫ ТАЯРЛАЎДАҒЫ КӨП ЖЫЛЛЫҚ ШУҒЫЛЛАНЫЎЛАРДЫҢ ӘҲМИЙЕТИ ҲӘМ ШУҒЫЛЛАНЫЎ ПРИНЦИПЛЕРИ


**П.Ш.Мырзамбетов –** *үлкен оқытыўшы*

*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*



**Таянч сўзлар:** спорт, машқ, тренировка, кўп йиллик тайёргарлик, чемпионат, Олимпия ўйинлари, ғалаба.

**Ключевые слова***:* спорт, упражнения, тренировки, многолетние тренировки, чемпионат, Олимпийские игры, победа.

**Key words***:* sport, exercise, training, long-term training, championship, Olympic Games, victory.


Ғәрезсиз Өзбекстан Республикасының социал экономикалық раўажланыўының ҳәзирги заман басқышындағы, сондай-ақ, Өзбекстан Республикасы инсаният жағдайын жаңалаўға ҳәм оларды руўхый ҳәр тәреплеме раўажландырыўға үлкен итибар қаратылған еди.

Өзбекстан Республикасында спорттың жоқары дәрежеде өсиўи буның айқын дәлили бола алады.

Бизиң бир неше спортшыларымыз жәҳән Чемпионатлары, Олимпия ойынларына белсендилик пенен қатнасып жеңислерди қолға киргизди. Булардың барлығы спортшыларымыздың тынбастан шуғылланыўларының нәтийжеси болып табылады.

Шуғылланыў спорт таярлығының ең керекли бөлеги болып есапланады. Арнаўлы билимлердиң, тәжирийбениң ҳәм ўақыттың физикалық сапаларды тәрбиялаўдың ҳәм спортшылар организминиң функционал мүмкиншиликлерин жоқарылатыў, талапқа муўапық жеке сыпатларды тәрбиялаў тек шуғылланыў дәўиринде қәлиплеседи.

Бул педагогикалық процесс болып, тәрбиялаўшы денсаўлықты күшейтиў, оқытыў ўазыйпаларын өз ишине қамтыйды. Шуғылланыўдың тийкарғы мазмуны спорт түрлериниң жобасында анық көрсетилген. Спорт түрлериниң мәнисине қарап физикалық мәдениият коллективи, жас өспиримлер спорт мектеби ҳәм қәнигелестирилген олимпиада қосымша аўысық (резерв) жас өспиримлер мектеби, жоқары разрядлы спортшылар ушын сабақты шөлкемлестириў ҳәр түрли болады [1].

*Шуғылланыў принциплери*

Шуғылланыў дене тәрбиясының улыўма принциплерине тийкарлана отырып алып барылады. Улыўма принциплерди пайдаланыўда спорт түриниң әҳмийетлилигин есапқа алған жағдайда иске асырылады.

Спецификалық (предметлердиң қәсийетлиги, уқсаслығы) принциплердиң топарына төмендегилер киреди:

Жоқары жетискенликлерге бағдарлаў — спорттың ең негизги мақсети. Бул адамлардың ең жоқарғы спорт шыңларына талпыныўы. Бул принцип жыл даўамында ҳәм көп жыллық жумыста қәниге бойынша тереңлестирилген ең жақсы қурал ҳәм усылларды излениўге түрткі болады ҳәм т.б.

Улыўма ҳәм арнаўлы таярлықтың бирлиги — улыўма ҳәр тәреплеме физикалық таярлық, тереңлестирилген спорт қәнигелигине жол ашады ҳәм көп жыллық шуғылланыў даўамында қәнигеликке тийкар салып жәрдем береди [2].

Шуғылланыў процесиниң үзликсизлиги — бул принцип көп жыллық ҳәм жыл даўамында шуғылланыўды, соның менен бирге, барлық дәўир даўамында бир тегис спорт пенен белсенди шуғылланыўын болжайды. Таярлық шуғылланыўының саны, оның мазмуны, айырмашылықтың характеристикасы спортшының шеберлигин өсирип тәмийинлеўи керек.

Аўырманлықларды әсте-ақырын ҳәм максимал жоқарылатыў — бул принцип спортшыларды жарыс бабында ақырғы күшлерин сарплаўға таярлаўдың мүтәжлиги менен байланыслы. Шуғылланыў таярлық процесинде жыл даўамында системалы түрде ақырғы аўырманлықларды қолланып, ўазыйпалар әсте-ақырын қыйынластырылып бара береди. Аўырманлықты жоқарылатыў физикалық таярлықтың ҳәр түрли көрсеткишлери арқалы жеткизиледи [3].

Аўырманлықлардың толқын тәризинде өзгериўи — аўырманлықтың толқын тәризли минези шаршаўдың ҳәм өз қәлпине келиўдиң заңлылықларына, дем алыўды ҳәм аўырманлықты алмастырып өзгертиў талабына, шуғылланыў циклиндеги киши, орташа, үлкен аўырманлықлардың характериниң ҳәм көрсеткишлериниң өзгериўине тийкарланған.

Шуғылланыў процесиниң цикллилиги — бул принцип тамам болған структуралық бирликтиң ўазыйпаларынан киши, орташа ҳәм үлкен цикллердиң салыстырмалы түрде системалы қайталаныўынан ибарат.

Шуғылланыўдың бөлимлери

Шуғылланыў - техникалық, тактикалық, физикалық, психикалық, теориялық, интеграллық (үзликсиз биргеликтеги) таярлық бөлимлерине бөлинеди.

“Таярлық” термини “спортшылар таярлығы” терминине салыстырмалы түрде қарағанда қысқаша мәнисте қолланылады.

Жобаластырыўды, бақлаўды, қуралларды ҳәм усылларды сайлап алыўды қолайлы қылыў ушын шуғылланыў шәртли түрде бөлимлерге бөлинеди.

Техникалық таярлық — ҳәр бир спорт түриндеги қозғалыс ис-ҳәрекетлерин меңгериўге бағдарланған педагогикалық процесс. Спорт техникасына үйретиў жас өспирим (жасынан) ўақтынан басланады. Жасының ҳәм спорт шеберлигиниң өсиўине байланыслы, спортшының жеке әхмийетлиликлерин есапқа алған жағдайда техника жетилистирилип барылады. Ҳәр түрли шараятларда максимал нәтийжеге ерисиў, қозғалыс ис уқыплылығының қәлиплесиўине байланыслы болады [4].

Тактикалық таярлық — жарыс гүресиниң формаларын ретлеўди меңгериўге бағдарланған педагогикалық процесс. Жарыс искерлигиниң нызамлылықларын анық бир спорт түриниң анықлама ҳәм қағыйдаларын, Ўатанымыздағы ҳәм сырт ел спортшыларының тактикасының улыўма анықламасын, өзиниң қарсыласларына; болажақ жарысларға өзиниң тактикалық шеберлигин режелеўди меңгериў; шынығыў шараятында керекли шараятларды моделлестириў (таратыў). Тексерип қадағалаўшы жарысларда, тактикалық дүзилислерди әмелий жақтан иске асырылыўын тактикалық таярлық өз ишине алады.

Физикалық таярлық — физикалық сапалықларды тәрбиялаўға ҳәм функционал мүмкиншиликлерди раўажландырыўға, таярлықты ҳәр тәреплеме жетилистириўде қолайлы шараятларды туўдырыўға бағдарланған педагогикалық процесс. Ол мәниси бойынша улыўма ҳәм арнаўлы болып бөлинеди. Үйлесимли физикалық раўажланыў, денсаўлықты беккемлеў, қозғалыс ис-ҳәрекетлерин тәжирийбесин жетилистириў улыўма физикалық таярлықтың ўазыйпаларына киреди.

Арнаўлы физикалық таярлыққа сол спорт түрине байланыслы, физикалық сапалықларды тәрбиялаў киреди.

Психологиялық таярлық — спортшының жеке қәбилетин, руўхый ҳәм шыдамлылық сапаларын тәрбиялаўға бағдарланған педагогикалық процесс. Ол көп жыллық таярлық шынығыўларында, оқыў таярлық жыйнақларында, жарыслардың барлық раўажланыў дәўири ишинде қолланылады. Психологиялық таярлық спортшылардың оқыў орнына яки болмаса ислеп атырған жумыс орны тәрбия ислери менен байланыслы болады [5].

Теориялық таярлық — спортшылардың теория-идеялық дәрежесин жоқарылатыўға, оны белгили бир илимлер менен қуралландырыў, оларды жарыс бабында шуғылланыў процесслеринде қолланып билиўге бағдарланған педагогикалық процесс. Ол спортшылардың барлық таярлық дәўиринде қолланылады. Теориялық таярлыққа болған талаплар жүдә күшли. Терең билимсиз спорттағы жоқары нәтийжелерге ерисиў жүдә қыйын болады. Теориялық таярлықты надурыс баҳалаў шуғылланыў ўазыйпаларының негизги орынланыўында қәте түсиниклерге алып келеди. Надурыс түсиник шынығыўлардың механикалық қайталаныўының төменлеўине алып келеди.

Интеграл таярлық (үзликсиз бирликтеги таярлық) — спортшылардың жарыс пайытында ҳәм шуғылланыў дәўириниң барлық бөлимлерин жәмлеген түрде қолланып билиўине бағдарланған педагогикалық процесс. Ҳәмме таярлық бөлимлериниң байланысларын иске асырыў ҳәм жарыс искерлигинде оны пайдаланып билиў; интеграл таярлықтың жоқарғы формасы болған қыйын жарыс шараятларында спортшылардың бир тегис ислеўине ерисиўи менен интеграл таярлықтың ўазыйпалары тығыз байланыслы.

**Әдебиятлар**

1. Ашмарин Б.А. Теория и методика физического воспитания. -М.: «Просвещение», 1989.
2. Оспанов П., Нурымбетов К. Дене тәрбиясы методикасы (методикалық қолланба) -Н.: «Билим», 1999.
3. Качашкин В.М. Физическое воспитания в начальной школе -М.: «Просвещение», 1978.
4. Саломов Р.С. Спорт машғулотининг назарий асослари. -Т.: «Илм-зиё», 2007.
5. Ярашев К.Д. Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш. -Т.: «Илм-зиё», 2002.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада спортчиларни тайёрлашда кўп йиллик шуғулланишларнинг аҳамияти ва уларнинг тамойиллари муҳокама қилинган. Яни, шуғулланиш принципларига алоҳида тўхталиб ўтилган ва ҳар битта тайёргарлик жараёнининг аҳамияти ҳақида кенг тушунчалар берилиб, уларнинг аҳамияти ўрганилиб чикилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматривается важность длительных тренировок в подготовке спортсменов и их принципы. Другими словами, подчеркиваются принципы взаимодействия, дается и изучается широкое понимание важности каждого подготовительного процесса.

**SUMMARY**

The article discusses the importance of long-term training in the preparation of athletes and their principles. In other words, the principles of interaction are emphasized, and a broad understanding of the importance of each preparatory process is given and explored.

УДК: 372.22:371.03

# BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA EKOLOGIK MADANIYATNI FANLARARO SHAKLLANTIRISH PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA

**L.A.Muxtarova** – *katta o'qituvchi*
*Termiz davlat universiteti*

**Tayanch so'zlar:** xavf, xavfsizlik, ekologik madaniyat, tabiat, hayot, muhit, inson, ekologik nazorat tizimini takomillashtirish, atrof-muhitni muhofaza qilish.

**Ключевые слова:** опасность, безопасность, экологическая культура, природа, жизнь, окружающая среда, человек, совершенствование системы экологического контроля, охрана окружающей среды.

**Key words:** danger, safety, ecological culture, nature, life, environment, human, improvement of ecological control system, environmental protection.

Tabiat bebaho ne'mat. Uning bag'ridan unib chiqqan gulu giyohlar va daraxtzorlar, har bir daraxt, o'rmonlar, hayvonot olami o'ziga xos bir olamdir. Inson mudom borliq og'ushida bo'ladi, undan ta'sirlanadi, bebaho ne'matlaridan zavq-shavq, ibrat va saboq oladi. Tabiatimizni asrashimiz, avaylashimiz bizning salomatligimiz uchun muhim. Inson umri abadiy emas. U chegaralangan. Demak, inson hayotini tabiat va koinotdan ayro tasavvur etib bo'lmaydi. Shu bois u bilan hisoblashib yashashga intiladi. Biz yashayotgan hudud musaffoligi, ekologik muvozanat barchamizga birday daxldordir. Insoniyatga bitmas-tuganmas ne'matlarni tortiq qilgan yaratgan ona tabiatning bag'riga ne-ne hadyalarni jo etgan. Shu tariqa yer yuzida qimirlagan jon borki rizqlantirilgan. Inson atalmish oliy xilqatdan tortib uchadigan qushning, suzadigan baliqning, qurt-qumursqa-yu hayvonot va nabototning barini tabiat yasatib va yashatib turishi sir emas. Tekinga tarqatilsa, tillaning qadri bo'lmaganidek tabiatning bu saxovatiga bashariyat hozirgi kunimizda aks ta'sirini ko'rsatmayaptimikan? Qaysidir g'oyani ilgari surishdan avval biz o'z fikrimizni quvvatlantirish unga ishonish va o'zgalarni ishontirish uchun o'zimiz qanchalik amal qilyapmiz? Har birimiz shu savolni o'zimizga berib ko'raylik. Xo'sh tabiat muhofazasi uchun biz nima qilyapmiz loaaqal unga zarar keltirayotganimiz yo'qmi? degan savolni berib ko'raylik. Har bir inson o'zida ekologik madaniyatni shakllantirishi, boshqalarni ham shunga da'vat etishining o'zi tabiatga befarq emasligidan dalolat.

Shahar ko'chalari, xiyobonlar, bolalar bog'i-yu istirohat bog'laridagi ayrim ko'ngilsiz manzaralarni ko'rganimizda bu holatning sababchisi siz-u bizga o'xshagan ongli zot, inson xatti-harakatlarida madaniyatsizlikning isbotini ko'rish mumkin. Manzilxonani ozoda tutish inson ko'zini quvontirib ko'ngilni ravshan, inson ruhini esa go'zalliklar tomon yetaklaydi. Jonajon O'zbekistonimizda to'rt faslning o'z o'rnida tarovatini namoyon etishi bizga naqadar tabiat fusunkorligidan bahramand bo'lish imkonini bergan. Uni nechog'lik asrab-avaylab, mehrimizni bersak, qadrlasak u ham bizni shu qadar siylaydi, o'z tuhfalari bilan mukofotlaydi.

Atrof-muhitni muhofaza qilish va inson hayotiga tahdid solayotgan global masshtabda ekologik xavfning oldini olish asrimizning eng muhim muammolaridan biri bo'lib turibdi. Bu muammo o'zining insoniyatga keltirishi mumkin bo'lgan xavfli oqibatlari atrof muhit uchun haqiqiy xavf bo'lib yadro halokatidan kam emas.

Yangi energiya manbalarining kashf etilishi va innovatsion texnologiyalarning ishlab chiqarilishi insoniyatning borlig'iga kuchli va har tomonlama ta'sir ko'rsatishi minglab salbiy oqibatlarni ham olib keladi. O'ylamasdan bosilgan qadam va tabiatdagi jarayonlarga aralashuv atrof-muhitni muhofaza qilish borasida nihoyatda tashvishli vaziyatni vujudga keltirdi.

Dunyoda globallashuv sharoitida fanlarni integratsiyalab o'qitish mazmunini takomillashtirishga e'tibor qaratilib, ta'lim sifatini oshirish, ijodiy tafakkur va bilim olishni rag'batlantirish YuNESKOning xalqaro ta'lim kontseptsiyasida belgilab berildi [2]. Mamlakatimizda ta'lim sohasini isloh etish, ilm-fan va ishlab chiqarishning samarali integratsiyalashuvi bilan bir qatorda, boshlang'ich cinf o'quvchilarida ekologik xavfsizlik madaniyatini fanlararo shakllantirish darajasi, salohiyati ham muhim ahamiyat kasb etadi. Boshlang'ich sinf o'quvchilarining ekologik xavfsizlik madaniyatini fanlararo shakllantirish zamonaviy ta'lim talablariga muvofiq faoliyatni tashkil etish uchun zarur shart-sharoit yaratishda boshlang'ich ta'lim tizimi muhim o'rin egallaydi.

Mamlakatimizda ta'lim-tarbiya tizimining sifati va samaradorligini oshirish, o'quvchilarda zamonaviy bilim va ko'nikmalarni shakllantirish, ta'lim tizimlari hamda ilm-fan sohasi o'rtasida yaqin hamkorlik va integratsiyani, ta'limning uzviyligi va uzluksizligi tamoyiliga amal qilgan holda tizimli ishlar amalga oshirilmoqda [1]. Jumladan, davlat ta'lim standarti va o'quv rejasiga muvofiq boshlang'ich sinfda o'qitiladigan 1-2 sinf "Tabiiy fanlar", 3-4 sinf "Tabiatshunoslik" fanlari negizida o'quvchilar ilmiy, hayotiy, qiziqarli materiallar asosda siru sinoatlarga boy bo'lgan ona tabiatimizning ekologik holati, tabiiy va ijtimoiy muhiti, atrof-muhit va inson muammolarini anglashi, ularga yechim topish uchun mustaqil tarzda oqilona qarorlar qabul qila olishi muhim ahamiyat kasb etadi.

Tevarak atrofdagi tabiat bilan tanishtirish orqali o'quvchida olam tuzilishi va tabiat hodisalari haqida boshlang'ich tasvvur hosil bo'ladi. O'quvchi bizni o'rab turgan moddiy borliq go'zalliklarini his etish va zavqlana olish, ilmiy dunyoqarashni shakllantirish, ona tabiatga nisbattan mehr - muhabbat tuyg'ularini tarbiyalash va undan oqilona foydalanishni o'rgatish nazarda tuiltadi va o'quvchi o'zi yashab turgan xonadon, mahalla, maktab va maktabdan tashqari vaziyatlarni, jarayonlarni kuzatadi, aniqlaydi, o'lchaydi, taqqoslaydi, mustaqil qaror qabul qilish orqali xulosa chiqaradi.

Uzluksiz davom etadigan ta'lim jarayonida boshlang'ich sinf o'quvchilari izlanuvchanlikka, kichik tadqiqotchilikka, kreativ tafakkur qilishga, ijodiy faollikka yo'naltirilib boriladi. Adabiyotlar tahlili shuni ko'rsatadiki, 2-sinf "Tabiiy fanlar" [9] darsligiga muvofiq tuzilgan taqvim rejada 68 ta dars rejalashtirilgan. Darslikda nazariy mavzular bilan bir qatorda turli muammoli mavzularni o'z ichiga olgan 17 ta amaliy mashg'ulot va loyiha ishi keltirilgan. O'quvchilar yil davomida o'quv fanlaridan o'zlashtirgan bilimlarini faollashtirish maqsadida ularni nazariyot va amaliyot birligi tamoyili asosida hayotiy vaziyatlarga bog'lagan holda o'quv topshiriqlarini tahlil qilish, faktlarni tanlash, mustaqil va mantiqiy fikr yuritish, vujudga kelgan muammoli vaziyatlarni tahlil qilish, ularni avvalgi ob'ektlar bilan taqqoslash, o'z g'oya nuqtai nazarini ilgari surish hamda ularni asoslash, avval o'zlashtirgan bilim, ko'nikma va malakalarni yangi vaziyatlarda qo'llab, yangi bilim, ko'nikma va malakalarni egallash tarzida bajaradilar. Darslikdagi mavzularni integrativ yondashuv asosida predmetlararo, mavzulararo, ob'ektlararo, faoliyatlararo bog'lab tushuntirishga erishsa bo'ladi, chunki bu mavzular bo'yicha tushunchalarni yanada boyitib, to'ldirib tushuntirilsa o'quvchi kengroq, mazmunliroq, yanada aniqroq tasavvurga ega bo'ladi. Boshlang'ich sinflarda o'qitiladigan predmetlarni fanlararo bog'liqlikda o'rganish orqali o'quvchilarda tabiiy-ilmiy, texnik, ekologik va iqtisodiy savodxonlikni shakllantirish hamda mustaqil, ijodiy, mantiqiy, kreativ va tanqidiy fikrlash ko'nikmasini rivojlantirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Natijada boshlang'ich sinf o'quvchilarida ekologik tarbiya, ekologik ong va ekologik xavsizlik madaniyati fanlararo o'qitish vositasida shakllantirishda imkoniyatlar yuzaga keladi. Bunda bevosita tabiat va uning oldidagi ongli munosabatlarga tayaniladi.

Ekologik ta'lim berishdan ko'zlangan asosiy maqsad - boshlang'ich sinf o'quvchilarida nazariy ekologik bilim tabiiy hodisa va jarayonlarni tahlil qilish ko'nikmalarini tarkib toptirish maьnaviy-axloqiy sifatlarni o'zida mujassam etgan barkamol yosh avlodni tarbiyalab voyaga yetkazib, hamda ularni ona yurtni sevishga, atrof - muhit tozaligini taьminlashga o'rgatish muhim ahamiyat kasb etadi. Zero, ekologik ta'limning dolzarbligi mamlakatimiz tabiati, ekotizimlari, atrof-muhitni beqarorlik va izdan chiqishdan asrash, aholining ekologik madaniyatini oshirish, ushbu o'ta jiddiy, hayotiy masalalarga aholining barcha qatlamlari, ayniqsa, yoshlar hissa qo'shishi zarurligi bilan belgilanadi.

Ekologik ta'lim o'quvchiga aniq maqsadga muvofiq, tizimli va uzluksiz tarzda nazariy ekologik bilimlarni berishga yo'naltirilgan ta'limiy jarayon bo'lib, nazariy ekologik bilimlar, zamonaviy texnika va texnologiyaning tabiiy-ilmiy asoslari, atrof-muhit va tabiat muhofazasi, tabiat va jamiyatning uyg'unligida ekologik xavfsizlik madaniyatini shakllantirishga xizmat qiladi.

Ekologik ta'lim-tarbiyaning mazmuni, shakl, metod va vositalari, ekologik madaniyatni shakllantirish masalalariga oid SH.Avezov, N.O'.Nishonova, L.Xudoyberdiyev, M.Mirboboyev, M.Nishonboyeva, J.Tolipova, A.T.Hayitov, S.Matrusov, M.K.Hoshimova, B.Qulto'rayev, I.Ismatov, A.T.G'ofurov biologiyani o'qitishda fanlararo bog'lanish, V.N.Sattorov, M.M.Ibodullayevalarning ilmiy-tadqiqotlari e'tirofga sazovor.

Ekologik madaniyat bir necha omillar asosida shakllanadi. Ona tabiatga mehr-muhabbat, atrof - muhit qoidalari va talablariga ongli munosabat, tabiat ne'matlarini kelgusi avlodlar uchun asrab-avaylash, tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, ekologik xavfsizlik madaniyati haqidagi bilim va tasavvurlarni ekologik tarbiya va ekologik bilim asosida o'zlashtirish, an'ana va qadriyatlar, ekologik targ'ibot shular jumlasidandir. Demak, o'quvchilarning ekologik madaniyatini shakllantirish deganda, yuqori darajadagi onglilik, yuksak mas'uliyatni his etuvchi, sog'lom turmush tarzining asl mohiyati va tarbiyaviy ahamiyatini anglagan holda hayot kechiruvchi, aql-idrok va zakovati ila atrof muhitni muhofaza qilish harakatiga faol ishtirok etishga ehtiyoj sezuvchi barkamol shaxs shakllantirishdagi bir butun maqsadga yo'naltirilgan pedagogik jarayon nazarda tutiladi.

N.SH.Bozorova esa quyidagi ta'rifni keltiradi: "Ekologik madaniyat – bu tabiat haqidagi bilim, ong, idrok savodxonlik intellektual salohiyat va uni amalda qo'llay bilish faoliyati, atrof muhitga nisbatan faoliyatning yuksak ko'rsatkichi, ongli va mas'uliyatli yondashuvdir" [3]. Unda tabiat bilan inson o'rtasida o'zaro oqilona, mas'uliyatli munosabat tarkib topadi, deyiladi.

Ko'plab ilmiy ishlar muallifi E.Turdiqulovning ta'kidlashicha, "Ekologik muammolarning asosiy yechimlaridan biri sifatida aholining barcha qatlamlarida ekologiya va atrof-muhitga oid bilimni rivojlantirish, madaniyatini shakllantirish masalasi e'tirof etilmoqda. Ushbu jarayon uzluksiz ekologik ta'lim-tarbiya asosida amalga oshiriladi" [4].

Taniqli ekologshunos B.Ziyomuhamedov o'zining "Ekologiya va ma'naviyat" kitobida ijtimoiy tanglikdan chiqish, ekologik tanazzulning oldini olish yo'llarini qidirish zarurligi va buning uchun, barcha o'quv muassasalarida ekologik ta'limni joriy qilish kerakligi ta'kidlangan. Olim ekologik ma'naviyatning ko'rsatkichi tabiiy muhitni muhofazalash, uning imkoniyatlaridan oqilona foydalanishdan iborat deb hisoblaydi [5].

Olima N.J.Isakulovaning "O'quvchilarga ekologik tarbiya berish nazariyasi va amaliyoti" nomli ma'nografiyasida uzluksiz ta'lim jarayonida o'quvchilarga fanlararo ekologik tarbiya berish mazmuni, ekologik tarbiya berish shakllari, usullari va vositalari, ekologik tarbiyaning didaktik tamoyillari, fanlararo ekologik tarbiya berishni ta'minlovchi o'quv materiallaridan samarali foydalanish yo'llari ilmiy-nazariy jihatdan yoritilgan. Shu bilan birga, fanlararo integratsiya o'quvchilarda ekologik xavfsizlik madaniyatini shakllantirish muammolarining o'ziga xos xususiyatlari, zamonaviy ilmiy-texnik taraqqiyotning imkoniyat va muammolari, tabiatdan oqilona foydalanish yo'llari, sog'lom turmush tarziga amal qilish tamoyillari hamda ekologik savodxonlik asoslarini tushunish va kundalik hayotda foydalanish ko'nikmalarini shakllantirishga qaratilgan [6].

K.B.Muxammadiyevning "Talabalarni atrof-muhitga ehtiyotkor munosabatda bo'lishga tayyorlash nazariyasi va amaliyoti" nomli manografiyasida talabalarni atrof-muhitga ehtiyotkor munosabatda bo'lishi uchun zarur bo'lgan nazariy va amaliy asoslari, pedagogik imkoniyatlari, metod, shakl va vositalari bayon etilganligini ko'ramiz [7].

Ta'lim-tarbiya jarayonida fanlararo aloqadorlik muhim pedagogik muammo sanalib, bu sohada olimlar tomonidan keng qamrovli tadqiqot ishlari olib borilgan. Jumladan, X.B.Norbo'tayevning ilmiy-tadqiqot ishlarida asosan, ta'limni integratsiyalash va ekologik ta'lim-tarbiyani rivojlantirish masalalari yoritilgan. "Maktab o'quvchilarida ekologik tafakkurni fanlararo shakllantirish uslublarining ahamiyati" [8] keng ochib berilgan. Shuningdek, o'quvchilarning ekologik tafakkuri ularning dunyoqarashi, xatti-harakati, umumiy madaniyati, xususan, ekologik madaniyatining asosi ekanligini nazarda tutgan holda, biologiya va fizika o'quv fanlarini o'qitishda fanlararo bog'lanish mazmuni, shakllari, o'qitish metodlari, yo'llari va vositalari, biologiya va fizika o'quv fanlarini o'qitishda fanlararo bog'lanishni amalga oshirishning amaliy jihatlari asoslab berilgan. Mazkur o'quv fanlari mazmunidagi umumiy va xususiy tushunchalarni yaxlit tasavvur qilish hamda amaliyotda qo'llash malakalarini tarkib toptirish orqali o'quvchilarda ekologik xavfsizlik madaniyatini fanlararo shakllantirish muammosiga doir tadqiqot ishlari e'tirofga loyiq.

Bizningcha, hozirgi kunda yoshlarda ekologik xavfsizlik madaniyatini shakllantirish to'g'ri yo'lga qo'yilmaganligi tufayli, favqulodda sodir bo'layotgan ekologik hodisalarga insoniyatni qanday yo'l tutish va tegishli xulosalar chiqarishga chorlovchi omillarda ikkilanamiz. Ular odamlarni sergaklantirishi zarur. Buning uchun boshlang'ich sinfda o'quvchilarga ekologik xavfsizlik madaniyatini shakllantirishga oid tushunchalarni tarkib toptirish va atrof-muhitga ehtiyotkorona munosabat masalasi insoniyat hayotining ajralmas bir qismi sifatida azaldan xalqimiz turmush tarziga chuqur singib ketgan.

**Adabiyotlar**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 6 noyabrdagi «O'zbekistonning yangi taraqqiyot davrida ta'lim-tarbiya va ilm-fan sohalarini rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PF-6108-son Farmoni 06.11.2020. (lex.uz)[1]

2. Incheon Declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).

3. To'xtaev A. Ekologiya. -T.: "O'qituvchi", 1998, 2001.

4. Turdiqulov E.O.Umumbashariy ekologik muammolar. –Toshkent: "Fan", 2011.

5. Ziyomuhammedov B. Ekologiya va ma'naviyat. -T.: «Meros», 1997, 89- b.

6. Isakulova N.J. O'quvchilarga ekologik tarbiya berish nazariyasi va amaliyoti, -Toshkent: "Fan", 2011, 140-b.

7. Muxammediyev K.B. Talabalarni atrof-muhitga ehtiyotkor munosabatda bo'lishga tayyorlash nazariyasi va amaliyoti. –Toshkent: "Fan va texnologiya" 2014, 172-b.
8. Norbo'tayev X.B. Maktab o'quvchilarida ekologik tafakkurni fanlararo shakllantirish uslubiyoti (biologiya va fizika fanlari misolida). Ped.fan.nomz...diss.. avtoref. –Buxoro, 2011, 25-b.
9. Suyarov K. [va boshq.] darslik. -Toshkent: Respublika ta'lim markazi, 2021, 120-b.

**REZYUME**

Maqolada ekologik ta'lim-tarbiya jarayonida o'quvchilarga fanlararo ekologik tarbiya berish mazmuni, ekologik tarbiya berish shakllari, fanlararo ekologik tarbiya berishni ta'minlovchi o'quv materiallaridan samarali foydalanish yo'llari ilmiy-nazariy jihatdan yoritilgan. Shu bilan birga, fanlararo integratsiya o'quvchilarda ekologik xavfsizlik madaniyatini shakllantirish muammolarining o'ziga xos xususiyatlari, zamonaviy ilmiy-texnik taraqqiyotning imkoniyat va muammolari, tabiatdan oqilona foydalanish yo'llari, sog'lom turmush tarziga amal qilish tamoyillari hamda ekologik savodxonlik asoslarini tushunish va kundalik hayotda foydalanish ko'nikmalarini shakllantirishga qaratilgan.

**РЕЗЮМЕ**

В статье научно и теоретически описано содержание междисциплинарного экологического образования школьников в процессе экологического образования, формы экологического образования, способы эффективного использования учебных материалов, обеспечивающих междисциплинарное экологическое образование. В то же время междисциплинарная интеграция помогает студентам понять специфику проблем формирования культуры экологической безопасности, возможности и проблемы современного научно-технического прогресса, способы рационального использования природы, принципы здорового образа жизни и основы экологической безопасности.

**SUMMARY**

The article scientifically and theoretically describes the content of interdisciplinary environmental education of schoolchildren in the process of environmental education, forms of environmental education, methods of effective use of educational materials that provide interdisciplinary environmental education. At the same time, interdisciplinary integration helps students understand specification of the problems of forming a culture of environmental safety, the possibilities and problems of modern scientific and technological progress, ways of rational use of nature, the principles of a healthy lifestyle and the foundations of environmental safety.

## ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ УСТУВОР ОМИЛЛАРИ

**Ф.М.Одашева** – *ўқитувчи*
*Андижон давлат университети*

**Таянч сўзлар:** технология, педагогик технология, инновация, таълим инновациялари.
**Ключевые слова:** технология, педагогическая технология, инновации, образовательные инновации.
**Key words:** Technology, pedagogical technology, innovation, educational innovations.

Илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технологиянинг жадал ривожланиши жамият ҳаётининг барча соҳаларида тараққиётнинг янги истиқболларини очиб берди. Инсониятнинг давлат ва жамият қурилишига доир асрий тажрибалари ижтимоий муносабатларни янгича ёндашувлар асосида тартибга солиш борасидаги илғор ёндашувларнинг қарор топтирилишига олиб келди. Ижтимоий ҳаёт тубдан ўзгарган бир шароитда таълимнинг янги технологиялари ва усулларини қўллаш асосида бу тизимни жадал ривожлантириш талаб этилади. Республикада амалга оширалаётган ўзгаришларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучи – инсон, унинг баркамол ривожланиши ҳисобланади. Бизнинг асосий мақсадимиз таълим жараёнини шахснинг ҳаётий қизиқишларини қондиришга, умумий маданиятини шакллантиришга, унинг жамият ҳаётида мослашуви, таълим ва касбий дастурларни онгли равишда танлай олиши ҳамда ўзлаштира олишга қаратилган.

Айни вақтда Республика ижтимоий ҳаётига шиддатли тезликда ахборотлар оқими кириб келмоқда ва кенг кўламни қамраб олмоқда. Ахборотларни тезкор суръатда қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулосалаш ҳамда билим олувчига етказиб беришни йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёнига педагогик технологияни татбиқ этиш қайд этилган долзарб муаммоларни ижобий ҳал этишга хизмат қилади.

Педагогик технология – педагогиканинг шундай билимлар соҳасики, бу орқали таълим ва тарбия тизимида туб бурилишлар юз беради, ўқитувчи фаолияти янгиланди, ёшларда креатив фикрлаш кўникмалари, билимга чанқоқлик, ўз-ўзига ишонч, янгича дунёқараш шаклланади.

Маълумки, ҳар қандай педагогик технология таълимни ривожлантирувчи янги тамойилларга асосланган бўлиб, шахсни ҳар томонлама шакллантиришга йўналтирилмоғи керак. Илғор педагогик технология марказида таълим жараёнининг раҳбари ҳамда шу жараённин г субъекти ва объекти бўлган ўқитувчи ва таълим олувчи туради.

Шундай экан, бу икки шахснинг ҳамкорлиги, ўзаро мулоқоти, бир-бирига кўрсатадиган таъсири энг замонавий ва миллий талаблар асосида бўлиши лозим. Бунинг учун таълим жараёни, ўқитувчи, таълим-тарбия жараёни олдига қўйилган талаблар, таълимни ташкил этиш ва бошқариш тамойиллари ҳамда йўллари таълим олувчини ақлий ва жисмоний жиҳатдан ривожлантириш усуллари, у билан ҳамкорлик қилиш, уни ўқиш ва ўрганишга йўналтириш, таълим олувчи шахсий фаолиятини тўғри ташкил этиш, улар билан мулоқотга киришиш, муаммо ва келишмовчиликларни бартараф этиш, аудиторияда ижодий, ишчанлик муҳитини вужудга келтириш, таълим олувчи фаолиятини аниқ ва тўгри баҳолаш методлари билан қуролланган бўлиши лозим [1:38].

Ўқув ва тарбия жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланишдан олдин, аввал, уни ишлаб чиқишдаги қуйидаги омилларга эътибор қаратиш лозим:

- Таълим мақсадларининг устуворлиги. Ўқув жараёнида бир нечта мақсадлар амалга оширилади, аммо таълим тизимининг ривожланишининг турли босқичларида у ёки бу мақсадга устунлик берилади, бу эса янги таълим технологияларининг пайдо бўлишини ёки мавжудларини модернизация қилишни белгилайди.
- Таълим мазмунининг технологияни танлашга таъсири. Технологияни танлашда фан мазмуни муҳим аҳамиятга эга. Ўқув жараёнида касбий фаолиятни моделлаштиришга асосланган барча ўқитиш технологиялари фақат махсус ўқув фанлари учун хосдир. Фаолиятни ўрганиш технологиялари асосан кўникмаларни шакллантириш билан боғлиқ фанларда (чет тили, чизмачилик, гуманитар фанлар ва бошқалар) қўлланилади. Ўқитиш технологияларини бир фандан бошқасига ўтказиш ҳар доим ҳам самарали ва мақсадга мувофиқ эмас.
- Ўқув жараёни жиҳозларининг технологияни танлашга таъсири. Ўқув ва моддий базанинг ривожланиш даражаси технологияни танлаш ёки ривожлантиришга таъсир қилади. Таълим жараёнида

касбий фаолиятни моделлаштириш, тегишли ишлаб чиқариш ҳолатини симуляция қилиш мумкин бўлгандагина амалга ошади. Дастурлаштирилган таълим фақат тегишли аппарат ва дастурий таъминот билан мумкин. Таълим жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш фақат тегишли маълумотлар базаси мавжуд бўлганда ёки умумий ахборот тизимига минтақа ёки мамлакатни киритган тақдирдагина мумкин бўлади.

- Ўқитиш технологиясини ишлаб чиқишда ўқувчилар таркибини ҳисобга олиш. Технологияни танлашни белгилайдиган хусусиятлар қаторида ўқувчилар таркибининг хусусиятлари: уларнинг ёши (мазмунини ўзлаштиришда мустақиллик даражаси ва бошқа хусусиятлар); уларнинг жисмоний ҳолати - соғлом одамлар ёки ногиронлар, соғлиғи заиф одамлар (жисмоний имкониятларни ҳисобга олган ҳолда маълум воситаларни жалб қилиш); тайёргарлик ва ривожланиш даражаси (ўқитишнинг биринчи босқичларида ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ўқитишнинг турли технологиялари, иқтидорли талабалар билан ишлашнинг аниқ ташкил этилиши); талабалар сони (индивидуал ўқитиш технологиясидаги фарқ, ўқув гуруҳидаги кичик ўқув гуруҳларида ўқитиш; стриминг тренинги, оммавий машғулотлар, масофадан ўқитиш). Шахсий методлар, техникалар ёки ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқаришни ҳар хил технологияларда ҳам қўллаш мумкин, улар шакллар, усуллар ва ўқув қўлланмалари ёрдамида маълум мақсадга эришишга қаратилган янги технология яратиш учун асос бўлади [2:28].

Педагогик технологияларнинг ўқитишнинг интерфаол усулларидан асосий фарқи шундаки, ўқитувчи мулоқотнинг монолог шаклидан воз кечади ва мулоқотга ўтади, бу эса ўқувчилар учун мустақил билим йўлини очади. Компютерли ўқитиш дастури нуқтаи назаридан, интерактивлик - бу ахборот - коммуникация тизимининг фойдаланувчининг (талабанинг) ҳаракатларига фаол ва хилма -хил жавоб бериш қобилияти. Таълим тизими нуқтаи назаридан, интерактивлик - бу кимлар биландир мулоқот тарзида бўлиш [3:16]. Ўқитишнинг интерфаол усуллари ҳақиқий фаол ўқитиш усулларидан фарқ қилади, чунки улар ўқувчиларнинг нафақат ўқитувчи билан, балки бир-бири билан, шунингдек, компютер дастурларини ўқитиш билан кенгроқ ўзаро таъсирини ўз ичига олади. Интерфаол ўқитиш жараёнида кўп қиррали мулоқот амалга оширилади. Ўқитувчининг интерактив ўзаро таъсирдаги ўрни ўқув ёрдамчиси сифатида белгиланади. У ахборот алмашиш жараёнига раҳбарлик қилади, турли нуқтаи назарларни очиб беради, билим олувчиларнинг шахсий тажрибасига мурожаат қилади, уларнинг фаоллигини қўллаб-кувватлайди, ўқувчиларни ўзаро тушуниш ва ижодкорликни рағбатлантиради. Интерфаол мулоқотда ўқувчилар ўқув жараёнининг тўлиқ иштирокчилари сифатида ҳаракат қилишади ва ўқитувчи тайёр билимларни бериб турмайди, балки талабаларни уларни мустақил излашга ундайди [4:79]. Янги технологиялар билан бир қаторда, замонавий таълим назарий педагогика ва ўқув амалиётига янги тушунчалар ва атамаларни олиб келади, улар орасида виртуал гуруҳлар, виртуал ўқув фирмаси, ўқувчиларни ўқитишда тармоқни қўллаб - қувватлаш, телекоммуникация таълими лойиҳалари, тескари алоқа, мулоқот технологияси, компютер алоқаси, компютерга мослашиш тестлари, телеконференция ва бошқалар.

Ўқитишнинг интерфаол технологияларини жорий этишга сарфланган вақт талабаларнинг ахборот жамиятида реал ҳаётга тайёргарлик даражасининг сезиларли даражада ошиши билан қопланади, уларсиз унга мослашиш ва таълим муассасалари битирувчиларининг ўзини тўлиқ англашини тасаввур қилиб бўлмайди.

Ҳар бир таълим муассасасининг, қолаверса, жамиятнинг ўз олдига қўйган асосий мақсади ҳам ёшларни замонамизнинг юксак идеаллари бўлишига эришишдан иборат. Юртбошимиз ёшларга мурожаат этиб "Мен Сизнинг ёнингизда туриб, камарбаста бўламан!" [5:1] деб кўзи ёниб турган, билимли, жасоратли йигит-қизлар борлигига ишонаман деб айтган сўзлари бугунги кун ёшлари олдига катта мақсадлар қўйиши ва мақсад йўлида замонавий билимларни эгаллашлари зарурлигини англатали.

Давр талабига хос ва мос кадрларни етиштириш учун педагог, аввало, таълим жараёнида ахборот коммуникация воситаларини тўғри танлай билиш зарур. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистонда таълим натижаларига эришишни таъминлайди. Зеро, таълим жараёнига замонавий технологияларни татбиқ этиш кадрлар тайёрлашга йўналтирилган жараён мазмунининг сифат жиҳатидан ўзгаришига олиб келади.

**Адабиётлар**

1. Tojiyev M., Tolipov O'., va boshqalar. Pedagogik texnologiya (1-qism). – T.: "Ishonch", 2008. 38-b.
2. Азизхўджаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: "Фан", 2006. 28-b.
3. Фарберман Б. Илғор педагогик технологиялар. -Т.: 2007. 16-b.
4. Толипов Ў., Усмонбекова М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. –Т.: "Фан", 2006. 79-б.
5. https://review.uz/oz/post/2020-god-stanet-povorotniym-v-molodejnoy-politike-shavkat-mirziyoev. 1-b.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада таълим жараёнини педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг педагогик шарт-шароитлари, бу борада ўқитувчига қўйиладиган устувор талаблар, технологик ёндашувга асосланган таълим-тарбия жараёнидан кўзланган вазифалар ва таълим олувчи томонидан эгалланиши мумкин бўлган сифатлар хусусида фикр юритилади.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются педагогические условия организации учебного процесса на основе педагогических технологий, приоритеты учителя, задачи учебного процесса на основе технологического подхода и качества, которые могут быть приобретены студентом.

**SUMMARY**

The article discusses the pedagogical conditions for the organization of the educational process on the basis of pedagogical technologies, the priorities of the teacher, the tasks of the educational process based on the technological approach and the qualities that can be acquired by the student.

# TALABALARǴA BILIM BERIWDE INFORMACIYALÍQ TEXNOLOGIYALARDÍŃ ROLI

**J.S.Ótepbergenov** - *pedagogika ilimleri boyınsha filosofiya doktorı*
*Ajiniyaz atındaǵı Nókis mámlektlik pedagogika institutı*

**Tayansh so'zlar**: kredit-modul, chizma-rasmlar, intelekt kartalar, tayanch konspekti, freym, kognetiv kompetentsiya.
**Ключевые слова**: кредитный модуль, рисунки, интеллектуальные карты, реферат, фрейм когнитивной компетенции.
**Key words**: credit module, drawings, smart cards, abstract, cognitive competence frame.

Házirgi waqıtta dunúya júzi kóleminde jámiyet rawajlandırıwdıń túrli tarawlarına informaciyalıq-kommunikaciya texnologiyaların keń engiziw, tálimdi informaciyalastırıw sharayatında bolajaq pedagoglardıń kognitiv kompetentligin rawajlandırıwdıń didaktikalıq sistemasın jetilistiriwge itibar qaratılıp atır. Ásirese, pedagogika tarawı oqıw procesine informaciya texnologiyaların keń engiziw, talabalardıń mediasawatlılıǵın rawajlandırıw, sonday-aq aralıqtan oqıtıwdı nátiyjeli shólkemlestiriw zaman talabı bolıp kelmekte [7].

Respublikamızda tárbiya hám oqıtıw usılları, informacion-kommunikaciya texnologiyaları hám de shet el tillerdi puxta ózlestirgen, tálim procesinde zamanagóy pedagogikalıq texnologiyalardı qóllaw kónlikpelerine iye professional pedagog kadrlar tayarlaw, joqarı pedagogikalıq tálimge cifrlı texnologiyalardı engiziw, zamanagóy informaciyalıq-kommunikaciya hám tálim texnologiyalarınıń bekkem integraciyasın támiyinlew sońında pedagog kadrlardıń kásiplik sheberligin úzliksiz rawajlandırıp barıw ushın qosımsha sharayatlar jaratılıwına úlken itibar qaratılıp atır. Ózbekstan Respublikasın jáne de rawajlandırıw boyınsha Háreketler strategiyasında "Tálim hám oqıtıw sapasın bahalawdıń xalıq aralıq standartların engiziw tiykarında joqarı tálim mákemeleri iskerliginiń sapası hám de natiyjeliligin asırıw"[1] sıyaqlı zárúrli wazıypalar belgilendi.Tálim procesin shólkemlestiriwdiń kredit-modullı sisteması - bul moodle oqıtıw texnologiyaları hám kreditke tiykarlanǵan oqıw procesin shólkemlestiriw modeli esaplanadı yaki oqıw procesin kredit-modullı shólkemlestiriw bolıp tabıladı.

Informaciyalardı usınıwdıń sızba-suwretleytuǵın modeli - bul "ıqshamlashstırılǵan" metodikalıq hám texnologiyalıq usıllar jıyındısı hám oqıw materialların vizullastırıw bolıp esaplanadı [4].

Oqıw procesinde sızba-suwretleytuǵın modellerden paydalanıw ámeliyatı analizi olar arasında tómendegiler keń tarqalǵanlıǵın kórsetedi: oqıw elementleriniń grafika tiykarlanǵan logikası, metaplan hám N. Erganovanıń tayanısh konspekti, M. Minskiyniń freym modeli, produkciyalıq model, logikalıq model, semantikalıq tarmaqlar modeli, sızba konspekt, mental (intellekt) kart. Usı modelleriniń hár birine toqtalıp ótemiz.

N.Erganova tárepinen usınıs etilgen oqıw elementleriniń logikaqa tiykarlanǵan grafi túsiniklerdiń ulıwma mazmunın ashıp beriw tiykarında oqıw informaciyanı sistemalastırıw hám onsha zárúrli bolmaǵan, artıqsha bolatuǵın tekstli túsinik hám de atamalardı esaptan tısqarı qılıw maqsetinde qollanıladı.

Bul bolsa, informaciyanıń úyrenilip atırǵan blokınıń tayansh túsinigin qoyıw arqalı graf kórinisinde tarmaq strukturasın jaratılıwına múmkinshilik beredi. Onıń mazmunı ulıwma mánisten kelip shıqqan halda izbe-izlilikde gruppalastırılgan túsiniklerdi ashıp beredi [5].

Oqıw materialın sistemalastırıw ushın oqıw elementleriniń logikaǵa tiykarlanǵan grafına paydalanıw talabaǵa didaktikalıq sistema komponentleri retinde úlken kólemdegi informaciyalardı ańǵarıw, professor - oqıtıwshısına studentlerdiń oqıw informaciyasın ózlestiriwin operativ baqlaw imkaniyatın beredi. Úlgi retinde islep shıǵılǵan oqıw elementleriniń logikaǵa tiykarlanǵan grafi súwrette keltirip ótilgen.




*"Oqıtıw metodlari" temasındaǵı oqıw elementleriniń logikaǵa tiykarlanǵan grafı.*

Talabalardı oqıw procesinde jaǵdaylardı tańlaw hám ǵárezsiz sheshimin tabıwǵa qosıwda produkcion model málim bir jaǵdayǵa tiyisli kóplegen sheshimlerdi sızılma kórinisinde oyda sawlelendiriw retinde jaqsı múmkinshilik jaratadı.

Produkciyalıq model ózinde sheshimdi tabıwdıń málim bir rejimin xarakterlewge tiyisli qaǵıydalar kompleksi yamasa algoritmlik izbe-izlikti sáwlelendiredi [4]. Onıń basqa algoritmlestiriw modellerden ayırmashılıǵı pútkil algoritm barlıq baylanıslardı ózinde birlestirgen bir sızılma kórinisin bildiredi.

Usı modelden paydalanıwdıń abzallıǵı talabalarda qararlar qabıllawdaǵı juwapkerligin asırıp, iskerlikke hám iskerlik nátiyjelerin analiz etiw barısında ózinde isimlik payda etiw imkaniyatın beriwi bolıp tabıladı. Tek ǵana produkciyalıq modelden paydalanıwda qararlar qabıllawda jańasha hám dóretiwshilik qatnas baqlanbaydı, qararlar qabıllaw boyınsha variantlar sanı hámme waqıt sheklengen.

Aksioma, teorema, matematikalıq, fizikalıq, ximiyalıq formulalardı jazıwǵa ketetuǵın waqtın kemeytiw ushın oqıw procesinde logikalıq modeldi qollaw múmkin [4]. Logikalıq model súwretlengen úlgiler qısqartırılgan kóbeytiw formulaları, ximiyalıq teńlemeler hám matematikalıq teńsizlikler, fizikalıq nızamlar hám ekonomikalıq formulalar retinde xizmet etiwi múmkin.

Logikalıq modullardan paydalanıw qısqa múddet ishinde informaciyalardı sistemalastırıw kólemin asırıwǵa múmkinshilik beredi, tek úyrenilip atırǵan materialdıń júzeki ózlestiriliwine alıp keliwi, onıń bólek ayrıqsha belgileri hám ayırım maǵlıwmatlar qaldırılıwı múmkin.

Úyrenilip atırǵan obyekt-hádiysedegi túsinikler kólemi, pánleraralıq hám túsinikler ortasındaǵı baylanıslılıqtı ashıp beriw ushın oqıw procesinde semantikalıq tarmaqlar (graflar, blok-sızılmalar, atamalar anıqlaması) modelinen paydalanıw múmkin.

Semantikalıq tarmaqlar modelinen paydalanıw hár qıylı bilim tarawlarına tiyisli qálegen quramalılıqtaǵı informaciyalardı grafikalıq tárizde súwretlew imkaniyatın beredi [4]. Usı modellerdi dúziwdiń beyimlesiwi qaǵıydaları kognitiv aktivlikti asırıwǵa ılayıq bolıp, kreativlik dárejesi hám turmıslıq tájiriybesinen qaramastan talabalarda qálegen iskerlikke qosıw hám onnan qanaatlanıw sezimin payda etiw imkaniyatın beredi. Usınıń menen birge, semantikalıq modellerdi dúziwde izbe-izliktiń joqlıǵı studentlerdiń materiallardı sistemalastırıwda qátelerge jol qoyıw múmkinshiligi de júzege keledi.

Úyrenilip atırǵan obyekt-hádiyse hám processler haqqındaǵı bilimlerdi keńeytiw hám tereńlestiriw ushın oqıw procesinde konspekt-sızılmalardan paydalanıw múmkin. Sızbada úyrenilip atırǵan obyekttiń sırtqı kórnisin sáwlelendiriwshi bloklardıń bar ekenligi; onıń átirap - ortalıq menen óz ara birgeliktegi háreketi; ishki mexanizmler, processler, boljawlar; sonıń menen birge usı tarawdaǵı sheshilmegen mashqalalardi kórsetip beretuǵın blok izertlew obyektin hár tárepleme kórip shıǵıw hám iskerlik nátiyjelerinen qanaatlanıwdı payda etiw imkaniyatın beredi.

Tálimdi informaciyalastırıw sharayatında kásiplik iskerliginiń túrli tarawlarında, sonday-aq, pedagogikalıq iskerlikte oqıw informaciyaların sistemalastırıwda intellekt-(mental, bilimler, mindmaps) kartalardan paydalanıw múmkinshiligi joqarı. Informaciyalardıń usınıwǵa tiyisli sızılma-suwretleytuǵın modeldiń usı túri amerikalıq pedagoglar B.Deporter hám M.Xenaki tárepinen usınıs etilgen [3]. Intellekt-karta kóbirek informaciyanı qabıl etiw hám uzatıwda miydiń tábiyǵıy jumıs iskerligine tayanadi. Bunı úlgi retinde talabalarda freym modelin ózlestiriwi processinde qollanılǵan intellekt-kartanı keltirip ótiw múmkin (tómendegi suwretke qarań)




*"Freym" temasındaǵı intellekt-karta úlgisi*

Intellekt-karta - kórgizbelerdi ótkeriw, qarar qabıllaw, óz waqtın joybarlaw, úlken muǵdardaǵı maǵlıwmatlardı este saqlaw, intellektual hújimlerdi ótkeriw, óz-ózin analiz qılıw, quramalı joybarlardı islep shıǵıw, ǵárezsiz tálim, rawajlanıw hám sol sıyaqlı wazıypalardı sheshiwde ájayıp qural, bolıp xızmet etedi. Intellekt-kartalardı oqıtıw processinde qollawǵa tiyisli dáslepki tájiriybeler Toni Byuzen tárepinen ámelge asırılǵan. T.Byuzen óziniń "Superthinking" ("Superfikrlew") shıǵarmasında intellekt-kartanıń tómendegi maǵlıwmatlardı anıqlastırǵan: 1) tiykarǵı pikir, mashqala yamasa sóz orayǵa jaylastırıladı (ol súwret kórinisinde, belgi yamasa sóz kórinisinde); 2) súwretler oraylıq pikirdi ańlatıwı kerek; 3) hár bir tarmaq túrli reń menen belgileniwi kerek; 4) kartanı tayarlawda tek reńli qálem yamasa markerlerden paydalanıladı; 5) tiykarǵı tarmaqlar oraydaǵı tiykarǵı túsinik penen baylanısadı, kishi tarmaqlar bolsa tiykarǵı tarmaqlarǵa baylanısadı; 6) hár bir tarmaqqa tek bir ǵana gilt sóz jazıladı; 7) intellekt-kartanı payda etiwde associativ túsiniklerden paydalanıw maqsetke muwapıq [2].

Respublikamız ilimpazlarınan M.Urazova pedagogikalıq pánlerden lekciya hám seminar shınıǵıwların ótkeriw procesinde intellekt-kartalardan paydalanıw tájiriybesin kórsetip bergen [6]. Ilimpazdın pikirine qosılǵan halda sonı aytıw múmkin, súwret hám suwretlerden paydalanıw studentlerdiń hár bir termindi súwret kórinisinde súwretlew arqalı quramalı ilimiy túsiniklerdi túsiniw hám áhmiyetin yadta saqlaw procesin ańsatlastıradı, onıń ushın olar shep hám oń miy yarım sharları ushın tán (sóz shep yarım shar, obrazlar hám fantaziya - oń yarım shar funkciyası) quramalı kónlikpeler sistemasınan paydalanǵanda. Intellekt-kartalardı jaratıwda oyda sawlelendiriw, dóretiwshilik hám sın pikirlew hám de jańa atamalardı este saqlaw ushın yaddıń barlıq túrleri (kóriw, esitiw, mexanikalıq) háreketke keledi.

Intellekt-karta oqıw procesinde qatar maqsetlerge erisiw ushın qollanıladı : kitaplar, maqala, lekciyalardı konspektlestiriw; referat, maqala hám kurs jumısları jazıw; úlken kólemdegi informaciyalardı analiz etiw hám sistemalastırıw; dóretiwshilik tapsırmalardı orınlaw; informaciyalardı eslep qalıw; prezentaciya hám tiykarǵı máselelerge itibar qaratıw.

Oqıw procesinde intellekt-kartalardan paydalanıw qálegen wazıypanı invariant sheshiw imkaniyatın beredi, qarar qabıllaw ámeldegi shárt-sharayat hám olardıń aldına qoyılǵan talaplar menen baylanıslılıqta studentlerdiń óz qálew-tileklerine baylanıslı. Ǵárezsiz qarar qabıllaw tiykarında talabalardıń aktivligi artadı. Ol qolǵa kiritilgen nátiyjeden qanaatlanıw payda etiwi múmkin. Bul bolsa óz gezeginde, onıń úzliksiz kognitiv aktivlikti arttıradı.

Intellekt-kartalardı qaǵazda da sızıw múmkin. Ádette usı usıl intellekt-karta kórinisinde informaciyalardı sáwlelendiriw kónlikpesin qáliplestiriwdiń dáslepki basqıshında qollanıladı. Usı usıl onsha úlken kólemge iye bolmaǵan informaciyalardı súwretlew ushın qolay, biraq qaǵaz variantda qosımshalar hám ózgertiwler kirgiziw

qıyın. Sol sebepli kompyuter programmaları járdeminde intellekt-kartalardı súwretlewge ótiw maqsetke muwapıq. Demek, kompyuter programmaları tiykarında dúzilgen intellekt-kartalardı redaktorlaw, keńeytiw, jańa informaciyalardı qosıw, kartalar sistemasın jaratıw, informaciyanı gipertekst kórinisinde usınıw, intellekt-kartanı islep shıǵıw boyınsha jámáátlik dóretiwshilik jumıstı shólkemlestiriw múmkin.

## Ádebiyatlar


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги 4947-сон Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 6-сон. 70-модда
2. Бьюзен Т., Бьюзен Б. Супермышление. – Мн: ООО «Попурри», 2003. –С. 320.
3. Депортер Б., Хенаки М. Квантовое обучение: Разбудите спящего в вас гения. – Мн: ООО «Попурри», 1998. –С. 384.
4. Лаврентьев Г.В. Инновационные обучающие технологии в профессиональной подготовке специалистов. Часть 2. – Неудахина–Барнаул: АлтГУ, 2004. –С. 232.
5. Эрганова Н.Е. Методика профессионального обучения: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2007. –С. 160.
6. Уразова М.Б. Совершенствование технологии подготовки будущего педагога профессионального образования к проектировочной деятельности: Дисс. ... док. пед. наук. –Т.: ТГПУ, 2015. –С. 287.
7. Отепбергенов Ж.С. «Ахборот таълим муҳити шароитида талабаларда когнитив компетентликни ривожлантириш технологияси автореферат 2020.



**REZYUME**

Maqolada talabalarning mavzuni axborot texnologiyalari yordamida, ya'ni chizma tasvir va intelekt karta bilan tushintirish masalalariga oid ilmiy tahlillar wo'z aksini topgan.

**РЕЗЮМЕ**

В статье отражен научный анализ интерпретации студентами темы с помощью информационных технологий, с графический изображениеми и интеллектуальных карточек.

**SUMMARY**

The article reflects the scientific analysis of the interpretation of the topic by students using information technology, with a graphic image and smart cards.


# ЁШЛАРНИ МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИККА ОИД КАСБ ТАНЛАШГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ ТАЪЛИМИЙ ВА ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ


**Р.О.Пахратдинова –** *катта ўқитувчи*

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети*



**Таянч сўзлар:** мактаб, ўқувчи, дарс, синф, технология, фан, таълим, тарбия, босқич, тизим, кўникма, малака, касб, қизиқиш, меҳнатсеварлик, фаолият.

**Ключевые слова:** школа, ученик, курс, класс, технология, наука, образование, воспитание, этап, система, умение, квалификация, профессия, интерес, трудолюбие, активность.

**Key words:** school, student, course, class, technology, science, education, upbringing, stage, system, skill, qualification, profession, interest, hard work, activeness.


Маълумки, ёшларни меҳнатга ўргатиш ва касб танлашга йўналтириш ҳамда бирор касбни ўргатиш ҳамма вақт давлат аҳамиятига эга бўлган иш ҳисобланган. Чунки ўсиб келаётган ёш авлодни фойдали ва унумли иш бажаришга, касб-ҳунарга ўргатиш ҳар бир давлатнинг, ҳар бир жамиятнинг келажагини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади. Шу сабабли қадим-қадим замонларданоқ, айтиш мумкинки, инсонлар инсон сифатида ақлини таниган вақтлардан бошлаб бундай ишларни амалга ошира бошлаганлар, дейиш мум-кин. Зотан бундай ишлар дастлаб қаерда ва қай тарзда амалга оширилганлиги ҳақида бир нарса дейиш қийин. Бироқ дастлабки касб-ҳунарлар ва уларга ўргатиш ишлари инсонларнинг табиат кучларини англаш, яшаш учун курашиш ва овқатланиш эҳтиёжидан келиб чиққан, деб айтиш мумкин. Мана шундай сабаблар туфайли инсонлар дастлаб ов қилишни, ов қуроллари ясашни ўрганганлар. Бора-бора рўзғор юритиш, рўзғор анжомлари тайёрлаш, деҳқончилик каби соҳалар юзага келган ва ривожланиб борган. Умуман олганда инсонларнинг билим олиш, касб-ҳунар ўрганиш ишларининг пайдо бўлиши узоқ асрларга бориб тақалади ва булар вақт ўтиши билан инсонларнинг билими, ҳаётий тажрибаларининг бойиб бориши туфайли ҳозирги даражага етиб келди.

Тарихий маълумотларга қараганда эрамизгача бўлган учинчи минг йилликдаёқ қадимги Вавилионда мирзалар тайёрловчи мактаблар ташкил қилинган бўлиб, уни битирувчилари синовдан ўтказиб борилган. Ўша давр талаблари асосида билим олган ва касбий тайёргарлик кўрган мирзалар Месопотамия ҳаётида муҳим ўринни эгаллаган. Чунки мирза ер майдонларини ўлчашни, мулкни бўлишни, мусиқа асбобларини ижро этишни ва ашула айтишни билган. Шунингдек, улар газламалар, металлар, ўсимликлар тур-ларини билиши, тўрт арифметик амални бажара олиши зарур бўлган.

Қадимий Мисрда эса касбни эгаллашга даъвогарлар суҳбатдан ўтказилиб, унинг таржимаи ҳоли, билим савияси, ташқи кўриниши ҳамда суҳбатни олиб бориш қобилиятлари аниқланган. Сўнгра меҳнат қилиш, эшитиш, сукут сақлаш қобилиятлари олов, сув, ўлим билан қўрқитиш воситасида синаб кўрилган. Айтилишича, синаб кўриш ва танловдан ўтказишнинг бундай жиддий тизимни ўтмишнинг буюк алломаси Пифагор ҳам ўз бошидан ўтказган. Ўқишдан сўнг Грецияга қайтгач, у ўзи босиб ўтган синовлар тизими асосида талабалар танлаб олинувчи мактаб очган. Пифагор интеллектуал қобилиятларга асосий эътиборни қаратган ва бадиий қилиб айтганда "ҳар қандай ёғочдан ҳам Меркурийни йўниб бўлмайди" деб ҳисоблаган. Шунингдек, у ёш инсонларнинг ўзини тутишига ҳам алоҳида эътибор қаратган ва уни инсон характерида намоён бўлувчи асосий кўрсаткичлар деб санаган. Пифагор ўқитувчилар ва ота-оналарнинг тавсияларига эътибор билан қараган, ҳар бир янги талабани синчиклаб кузатиб борган. Шундан сўнг уни ўз фикрини эркин ифодалашга ва суҳбатдошлар билан баҳслашишга ўргатган.

Эрамизгача бўлган III минг йилликда Хитойда ҳукумат амалдори касби ва мансаби кенг тарқалган бўлиб, уни танлаш ва эгаллашга ўзига хос бир қатор талаблар қўйилган. Бундай касбни эгаллашга жазм этган ёшлар тантанаворлик руҳи билан суғорилган муҳитда давлат имтиҳонларини топширганлар. Имтиҳон саволларини кўпчилик ҳолатларда Императорнинг ўзи белгилаган, билимларни ҳам ўзи синовдан ўтказган, даъвогарларни саралаш кўп босқичли усулда амалга оширилган.

Қадимги Спарта, Афина, Рим тарихида эса бошқа мисолларни кўриш мумкин. Жумладан, Спартада жангчиларни, Римда гладиаторларни тайёрлашнинг мукаммал тизими яратилган ва муваффақиятли амалга оширилган.

“Одамлар, деб ёзган эди Афлотун, бир-бирларига у даражада ўхшаш бўлиб туғилмайдилар, уларнинг табиати ва қобилиятлари турлича бўлади.

Шу сабабли барча вазифаларни амалга оширишда ўз табиий қобилиятларига мос равишдаги юмушлар танлаганда уни яхширoқ, тез ва кўпроқ даражада амалга ошириш мумкин бўлади” [1].

Эрамизгача бўлган 900 ва 600 йиллар оралиғидаги Ҳинд ведаларида заргарлар, темирчилар, арқонсозлар, тўқувчилар, бўёқчилар, дурадгорлар, кулоллар, уй хизматчиларининг турли тоифалари, акробатлар, фолбинлар, найчилар, раққослар касб сифатида санаб ўтилган. Яна шунингдек актёрлар, судхўрлар ва савдогарлар ҳам мавжуд бўлган. Бундай маълумотлар кўп бўлиб, уларнинг барчаси бугунги кунда касбий ташхис қилиш ёки касб танлаш деб аталувчи тушунчаларнинг қадимдан шаклланганлигини билдиради.

1908 йилнинг январида Бостон шаҳрида ўсмирларга ўз ҳаётий меҳнат йў-лини танлашига ёрдам берувчи ёшларни касбга йўналтириш бюроси ўз ишини бошлаган. Бу бюро фаолияти касбга йўналтириш ишларининг асоси сифатида қабул қилинган. Кейинчалик шу турдаги бюро Нью-Йоркда ҳам ташкил этилган. Унинг вазифалари қаторига инсонларнинг турли касбларни эгаллашига қўйиладиган талаблар, макгаб ўқувчиларининг қобилиятларини чуқурроқ ўрганиш кабилар кирган. Бюро ишлари ўқитувчилар билан ҳамкорликда, тест ва анкеталардан фойдаланган ҳолда олиб борилган [2].

Россияда касбга йўналтириш ишлари XX асрнинг дастлабки йилларида амалга ошира бошланди. Москвадаги ўқитувчилар уйининг Педагогика музейида турли типдаги мактабларда ўқувчиларнинг касб танлашига оид қатор изланишлар олиб борилди. Бунда асосий эътибор қайси касбларга кўпроқ эҳтиёж борлиги, уларни танлашда ўқувчиларнинг қандай мезонларга асосланишини тадқиқ қилишга қаратилди. 1927 йилда Ленинградда ташкил этилган касбий маслаҳат бюросида амалий тадқиқотлар билан биргаликда илмий тадқиқотлар ҳам олиб борилган. Касбга йўналтириш ишларининг илмий-педагогик асосларини ишлаб чиқишга П.П.Блонский, А.С.Макаренко каби атоқли рус олимлари ўз ҳиссаларини қўшганлар. Улар ўқувчиларни касбга йўналтириш ишлари-нинг психологик-педагогик асосларини яратиб бердилар.

Ўтган асрнинг 30-йиллари бошида Россияда касбий маслаҳат ва касбга йўналтириш Марказий лабораторияси фаол ташкил этилишига қарамай, 1932 йилга келиб бу турдаги бюролар сони 54 тага етказилди. Касбга йўналтириш ишлари тараққиётига ўқитувчиларнинг меҳнат таълимига бўлган эътиборининг сусайиб бориши салбий таъсир кўрсатди. Натижада таълим тизимида 1937 йилда меҳнат таълимининг бекор қилиниши касбга йўналтириш ишларининг тўхтаб қолишига олиб келди. Кейинчалик бу хато тузатилди. Чунки меҳнат ва касбий тайёргарлик тизими ёшларга бевосита меҳнат ва касб таълими-тарбиясини, касбий ахборотларни бериш орқали уларни касб танлашга ва касб эгаллашга йўналтириш амалга ошириладиган улкан ишлардан бири бўлиб, тараққиёт йўлига эгадир.

Халқимизни миллат ва халқ бўлиб шаклланишини меҳнатсиз, касб-ҳунар-сиз тасаввур этиб бўлмайди. Одамзод пайдо бўлишидан бошлаб, меҳнат билан шуғулланган, турмуш буюмлари ясаган, юмушлар бажарган. Дастлаб фақат кун кечириш учун қилинган меҳнат кейинчалик, каттароқ мақсадларни кўзлаган, ишлаб чиқариш соҳалари даражасигача тараққий этди.

Республикамиз ҳудудида ўтказилган археологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳунармандчилик бу ерларда икки минг йиллар олдин ривожланган. Бу даврда синфий жамият пайдо бўлиб, йирик меҳнат тақсимоти негизида ҳунармандчилик мустақил соҳа бўлиб ажралиб чиққан.

IX-XV асрларда ҳунармандчилик кенг ривожланиб, халқимизнинг ҳорижий давлатлар билан иқтисодий-маданий алоқалари авж олган. Айрим манбаларга асосланиб шуни айтиши мумкинки, 32 хил ҳунармандчилик тури мавжуд бўлган аҳоли яшайдиган жой шаҳар деб аталган. 1897 йилда аҳолини илк бор рўйхатга олиш вақтида катта шаҳарларда аҳолининг кўпчилик қисмини ҳунармандлар ташкил этиши аниқланган. Масалан, Наманганда 64, Чустда 54, Қўқонда 53, Марғилонда 50, Андижонда 45, Тошкент, Самарқандда эса 29 фоиз аҳоли мустақил касб-ҳунар эгалари бўлган [3].

Қадимий даврларда ҳунармандчиликнинг энг кўп тарқалган тури темирчи-лик, заргарлик, мисгарлик ва тунукасозлик бўлган. Ҳозиргача кенг тарқалган қадимий касблардан бири ёғочдан буюмлар ясаш ҳунармандчилигидир. XX аср бошларида дастлабки тикув машиналарининг пайдо бўлиши билан янги ҳунармандчилик касби – машиначилик юзага келади. Ўзбекларнинг энг кенг тарқалган уй касбларидан бири дўппидўзликдир. Булардан ташқари теридан ҳар хил буюмларни ҳам тайёрлаганлар, косиблар ўз маҳсулотларини шаҳар ва қишлоқларда юриб, аҳолига сотганлар, новвойлик, қандолатчилик ва қассоблик ҳам ҳурматли касблардан бўлиб, уларнинг дўконлари ҳар қадамда учраган. Катта тўй-маъракалар ўтказиш одати махсус ошпазлик касбини юзага келтирган.

Ҳунармандлари қадимдан “Устоз-шогирд” тизими бўйича фаолият кўрсатган. Бунда ҳунар ўргатувчи усталар учун ҳам, ҳунар ўрганувчи шогирдлар учун ҳам, ҳатто шогирдларнинг ота-оналари учун ҳам белгиланган қоидалар, одоб-ахлоқ меъёрлари бўлган. Бу қоидаларга ҳар уччала томоннинг қатъий риоя қилиши мажбурий бўлган.

Қадимда усталар шогирдларни танлашда, уларга ҳунар ўргатишда ва синов ўтказишда қуйидаги усулларни қўллаганлар:

1. Уста индамасдан, тушунтирмасдан бирор буюмни тайёрлайди, шогирд эса буни кузатиб туради ва устанинг ишини такрорлаб, ўзи ҳам ўша буюмни тайёрлашга ҳаракат қилади.
2. Уста буюмни қандай тайёрлашни оғзаки тушунтиради, лекин амалда тайёрлаб кўрсатмайди. Шогирд эса мана шу тушунтириш орқали буюмни муста-қил тайёрлайди.
3. Уста буюмни тайёрлаш усулларини, бажариладиган иш амалларини, ишлатиладиган асбоб-ускуналар ва улардан фойдаланиш йўлларини, фойдаланиладиган материаллар ва уларнинг хусусиятларини аввал тушунтиради, кейин эса буюмни қандай тайёрлашни амалда кўрсатади.

Усталарни шогирдлар тайёрлашда бу усуллардан фойдаланишлари бежиз эмас. Яъни бу усулларни қўллашдан кўзланган аниқ мақсадлар бор. Масалан 1-2-усулда шогирднинг хотираси, зеҳни, топшириқларни мустақил ҳолда бажара олиш-олмаслик қобилиятлари синаб кўрилади. Шундан сўнг уста шогирдларидаги ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда уларга ҳунар ўргатишга киришади. Бундан ташқари юқоридаги икки усулдан шогирдларнинг ҳунарни қандай ўрганаётганлигини ёки ўрганганлигини, улар-нинг маҳоратини синаб кўришда ҳам фойдаланилган.

Ҳар бир устанинг ҳунармандчилик ишларига оид ўзига хос сирлари бўлган ва улар махфий тутилган. Усталар ўз сирларини энг ишонган шогирд-ларигагина ўргатганлар (булар кўпинча усталарнинг фарзандлари бўлган). Агар устанинг шогирди бўлмаса – бу сирлар сирлигича қолиб кетган [4].

Тарихий шароитларининг ўзгариши борасида тўпланган тажрибаларни ёшлар онгига етказиш шакл-лари ҳам ўзгариб бормоқда. Мустақиллик шарофати туфайли устоз-шогирд анъаналарини янада ривожлан-тиришнинг асосий вазифалардан бири мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришга асос бўладиган янги

таълим тизимининг ташкил этилишидир.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 ийлги “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши бу соҳадаги ишларни янада юқори поғонага кўтарди. Эндиликда ёшларимиз махсус жиҳозланган замонавий ўқув ишлаб чиқариш корхоналари ёки касб-ҳунар мактаблари ёки бевосита мактабларда икки-уч ҳунарни ўрганиш имкониятига эгадирлар.

Хулоса қилиб айтганимизда ёш авлодни ҳалол меҳнат қилишга, турли касб-ҳунарларни эгаллашга ўргатиб бориш халқимизнинг бутун ижтимоий-тарихий тараққиёти жараёнида муқаддас анъанага айланган. Аҳли донишлар, назоратчи ва амалиётчи олимлар томонидан бу соҳада кенг кўламли тадқиқот ишлари олиб борилган ва олиб борилмоқда. Бу ишлар ҳозирги кунда республикамизда касб-ҳунар таълими тизимини ривожлантиришда катта аҳамиятга эгадир.

**Адабиётлар**

1. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. -Тошкент: “Ўқитувчи”. 1994.
2. Хашимов К., Нишонова С., Иномова М. Педагогика тарихи. Ўқув қулланма. –Тошкент: «Ўқитувчи». 1996. 488-б.
3. Хашимов К., Нишонова С. Педагогика тарихи. Дарслик. –Тошкент: Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхоноси нашриоти. 2005. 304-б.
4. Ғуломов К. Амалий санъат. Олий ўкув юртлари учун ўкув кўлланма. -Тошкент: «IQTISOD-MOLIYA». 2007. 96-б.
5. Шомирзаев М.Х. Мактаб технология таълимида миллий каштачиликни ўрганиш. Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: “Tafakkur”, 2020. 58-б.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада ўқувчиларни жисмоний томондан тўғри ривожлантириш, меҳнат олами ва кишилари, меҳнат қуроллари ва амаллари, асосий ишлаб чиқариш соҳалари ва касблар билан таништириш, иш қуролларидан фойдаланиш, оддий буюмларни ясашга оид меҳнат малакаларини ҳосил қилиш ва онгли равишда касб танлашга йўналтиришнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти ёритилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье подчеркивается образовательная и педагогическая важность развития физической подготовки студентов, знакомство их с миром и людьми труда, инструментами и методами, ключевыми отраслями и профессиями, использованием инструментов, развитием рабочих навыков в изготовлении простых предметов и осознанным выбором карьеры.

**SUMMARY**

The article emphasizes the educational and pedagogical importance of the development of physical preparation of students, their acquaintance with the world and people of labor, tools and methods, key industries and professions, the use of tools, the development of working skills in the manufacture of simple objects and a conscious choice of career.

## БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ЎҚУВ – БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР

**М.Е.Пазылова –** *педагогика фанлари номзоди, доцент*
*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** ўқув-билиш фаолияти, субъектив омиллар, қизиқувчанлик, қатъийлик, иродалилик, мотивация, объектив омиллар: шарт-шароитлар, педагогнинг шахсияти, ўқитиш усуллари.

**Ключевые слова:** учебно-познавательная деятельность, субъективные факторы, любознательность, целеустремленность, сила воли, мотивация, объективные факторы: условия, личность учителя, методы обучения.

**Key words:** educational and cognitive activity, subjective factors: curiosity, purposefulness, willpower, motivation, objective factors: conditions, teacher's personality, teaching methods.

Бўлажак ўқитувчиларнинг мотивлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш ўқув-билиш жараёнида педагогиканинг ҳар бир бўлими бўйича ўқитиш шакллари, воситалари, усул ва методларини танлаш имконини беради. Бу эса ўз навбатида бўлажак ўқитувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш имконини беради. Уларда машғулотларнинг мазмунига нисбатан қизиқиш уйғотади. Натижада бўлажак ўқитувчилар аждодлар томонидан яратилган педагогик қарашлар, таълимотлар, ёндашувларни ўзлаштирадилар, бунинг натижасида эса уларнинг ўқув-билиш фаолиятлари ривожланади. Улар ўзлаштирган педагогик билимларини истиқболдаги касбий фаолиятларида самарали қўллаш компетенциясига эга бўладилар.

Ўқув-билиш майлларига эга бўлиш, уларнинг такомиллашуви талабаларда касбий фаолият моҳиятини аниқ тасаввур қилиш ва билимларни тезкор ўзлаштириш ҳамда истиқболдаги касбий фаолиятида улардан фойдаланиш компетенциясини ҳосил қилади.

Шу тариқа мутафаккир аждодларимиз томонидан яратилган педагогик таълимотлар бўлажак ўқитувчиларда касбий майлларни хосил қилиб, уларда ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш имконини беради. Мазкур ўқув-билиш ҳаракатлари эса бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятидаги сифат ва самарадорликни таъминлашга кўмаклашади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда тарихий тажрибалар билан бир қаторда инновацион методлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки улар ўзида халқнинг кўп асрлик тарихий тажрибасини мужассамлаштирган бўлади.

Олий таълимни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси бўлажак мутахассисларни нафақат билимлар билан қуроллантириш, балки уларни ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш, тарихий тафаккурларни ривожлантириш, педагогик қадриятлар ёрдамида шахсий, касбий сифатларини шакллантиришни ҳам назарда тутади. Ўқув жараёни талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантирувчи жараён сифатида ташкил этилиб, унда бўлажак мутахассиснинг лойиҳалаштириш, бошқаришга оид компетенциялари шакллантирилади.

Биз талабаларнинг билиш фаолиятларини ривожлантириш масаласи кўплаб мутафаккир, файласуф ва педагог олимларнинг ишларида баён этилганлигини юқорида таъкидлаб ўтдик. Шахснинг билиш фаоллиги тарихий-маданий бойликлар, халқнинг кўп асрлик қадриятлари негизида ривожланиши мутахассислар томонидан асослаб берилган. Талабаларнинг ўқув фаоллиги уларнинг ўқув жараёнига бўлган муносабатида намоён бўлади. Шу билан бир қаторда ўқув-билиш фаоллиги ўқув жараёнининг муҳим натижаси ҳисобланади. Фаоллик натижасида таълим олувчиларнинг барча қирралари намоён бўлади. Бу эса янги ходисаларни ўрганишга бўлган қизиқишни ифодалайди. Талаба ўз ютуқларидан завқланиш, ўқув жараёнига алоҳида қизиқиш билан ёндашиш, касбий қоидалар ва установкаларни ўрганиш натижасида фаоллашади. Мазкур жараённинг сифат кўрсаткичи сифатида бўлажак ўқитувчининг ўқув-билиш фаоллиги эхтиёж даражасига кўтарилади. Бундай даражага интилиш алломалар ҳаётида асосий жиҳатни ташкил этган.

Бўлажак ўқитувчиларнинг қизиқишлари муайян педагогик ходисаларни ўрганишга бўлган интилишнинг маҳсули ҳисобланади. Бунда талабанинг мустақил билим олиш ва ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган интилиши муҳим аҳамиятга эга. Бўлажак ўқитувчилар касбий фаолиятни ўрганиш жараёнида ўз мавқеларини ва ҳаётий фаолиятлари кўламини аниқлашга муваффақ бўладилар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қизиқишлар фаолиятга интилиш натижасида вужудга келса, эҳтиёжлар мустақил фаолиятга кўрсатишга бўлган қизиқиш натижасида шаклланади.

Талабалар ўз фаолиятларида илк бор намоён бўладиган билимларни алоҳида қизиқиш билан ўрганадилар. Шу билан бир қаторда мазкур билимлар талабаларнинг тадрижий тарзда ривожланишини таъминлаб, уларда билиш фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилади. Шунга кўра талабанинг билиш фаолияти предмети ҳамда натижаси сифатида намоён бўлади.

Билиш фаолиятларини ривожлантиришнинг кўп қирралилигини ҳисобга олган ҳолда унга хос бўлган иккита белгини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Билиш фаоллигининг фаолият ифодаси сифатида намоён бўлиши;
- Билиш фаоллиги шахснинг ўзига хос жиҳати ва сифати тарзида намоён бўлади.

Билиш фаоллигини чуқур таҳлил қилган мутахассислардан бири Л.П.Аристова шахснинг билиш фаоллигини атроф-муҳит ва ундаги ходисаларга нисбатан яратувчилик муносабати сифатида баҳолайди. Бундай муносабатсиз талабаларнинг ҳаракатлари фаоллашмайди. Эҳтиёжлар эса фаолият жараёнида вужудга келади. Фаоллик уни қондириш жараёнида амалга ошади. Бу қуйидаги таркибий қисмлардан иборат: эҳтиёж – фаолият – фаоллик.

Билиш фаоллиги тушунчаси доирасида шахснинг мақсадга йўналтирилган шаклланиш ва ривожланиш жараёни назарда тутилади. Бундай фаоллик турли-туман омиллар таъсирида ўзлаштирилади, мустаҳкамланади ва ривожланади. Бу омилларни субъектив ва объектив омилларга бўлиш мумкин. Субъектив омиллар сирасига қизиқувчанлик, қатъийлик, иродалилик, мотивация кабиларни киритиш мумкин. Объектив омилларга эса инсоннинг ўзини ўраб турган шарт-шароитлар, педагогнинг шахсияти, ўқитиш усуллари ва методлари киради.

Инсоннинг билиш фаоллиги 2 ҳолатнинг уйғунлашуви маҳсули ҳисобланади: табиий, бунда шахс ўз иқтидорининг ижодкори сифатида намоён бўлади. Маданий, таълим жараёнида шахснинг барча сифатлари мақсадга йўналтирилган тарзда ривожлантирилади. Шахснинг маданий ривожланишида мутафаккир аждодларимизнинг педагогик таълимотлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятлари мазкур таълимот ёрдамида муайян мақсадга эришиш йўлида ривожлантирилади. Шу билан бир қаторда билиш фаоллиги инсоннинг бутун ҳаёти давомида ривожланиб, унинг режалари фаолият йўналиши ўзгариши натижасида янгича траекторияга эга бўлади. Ушбу ривожланиш бўлажак ўқитувчиларни тарихий, маданий тажрибалар негизида инновацион фаолиятга ривожланиш имконини беради.

Биз талабалардаги ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг қуйидаги босқичларини ажратиб кўрсатишга ҳаракат қилдик:

- талабаларни муаммоли вазиятларга олиб кириш;
- талабаларни вазият билан таништириш, уни таҳлил қилиш ва муаммоли масалаларни қўйишга ўргатиш;
- муаммоли вазиятларга ечим топиш моделини яратиш ва уни асослаш;
- талабаларда мавжуд бўлган ижтимоий-маданий тажрибага таянган ҳолда ечимини кутаётган назарий муаммолар моделини яратиш;
- яратилган моделни амалиётга тадбиқ қилиш;
- муаммонинг ечимини таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- амалий фаолиятларини англаш, рефлекциялаш.

Талабаларнинг билиш фаолиятларини ривожлантириш методлари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Мультимедиали воситалардан фойдаланиш. Ушбу воситалар ўрганилаётган масалаларга нисбатан талабаларнинг хиссий муносабатларини шакллантириш имконини беради. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тафаккурини шакллантириш тусун қулай имконият яратади. Видеокейслар таълим жараёни иштирокчиларини реал ҳаётий воқелик билан таништириш орқали янги билимлар билан қуроллантириш имконини беради. Бундай кўникмалар уларнинг истиқболдаги педагогик фаолиятлари учун зарур бўлиб, касбий ривожланишларини таъминлайди. Ўқитишнинг фаол методлари ёрдамида ўрганилаётган ўқув материалларининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу билан бир қаторда муаммоли вазиятларни визуаллаштириш ҳам бўлажак ўқитувчиларнинг билиш фаолиятларини ривожлантиришга хизмат қилади. Педагогик жараён иштирокчиларининг аждодларимиз меросини ўзлаштиришга бўлган қизиқишларини орттиришга ушбу методлар алоҳида аҳамиятга эга. Видеокейсларнинг аниқлиги ва қисқалиги талабаларнинг муаммоли вазиятларни тушуниш, таҳлил қилиш рефлексиф фаолиятларини ривожлантириш имкониятларини беради. Натижада талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятлари ривожланишнинг янги босқичига кўтарилади. Бевосита ўқув жараёнида шакллантирилган амалий кўникмалар билимларни компетенцияларга айланишини жадаллаштиради. Бундай ёндашув талабаларнинг ўқув жараёнидаги мавқеини мустаҳкамлаб, машғулотларнинг қизиқарли, жонли бўлишини таъминлайди. Натижада бўлажак ўқитувчиларнинг ижодкорлик сифатларини намоён этишлари учун қулай муҳит яратилади.

2. Кейс методидан фойдаланиш. Ушбу метод ўқитишнинг интерфаол методи ҳисобланиб, ўқув материаллари сифатида маданий меросни талабаларга тақдим этишни осонлаштиради. Ушбу жараён ижобий муносабатни шакллантириб, уларда ташаббускорлик сифатларини намоён қилиш имкониятини яратади. Бунинг натижасида бўлажак ўқитувчилар педагогика тарихига оид назарий билимлар ва амалий тажрибаларни осонгина ўзлаштиришга муваффақ бўладилар. Шу билан бир қаторда ушбу методдан тарбиявий ишлар методикаси, дидактика, педагогик инноватика каби ўқув курсларини ўзлаштириш жараёнида ҳам кенг фойдаланиш мумкин. Кейснинг муаммоли вазиятлардан фарқи шундаки, ундан фойдаланиш жараёнида талабаларга муаммолар очиқ тарзда тақдим этилмайди. Натижада талабалар ундаги ахборотларни қисмларга ажратишга муваффақ бўладилар.

Кейс технологиясидан фойдаланиш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

- талабаларнинг кейс материаллари билан индивидуал, мустақил ишлашларини ташкил этиш;
- таянч муаммоларни киритиш ва унинг ечимлари устида кичик гуруҳларда ишлаш;
- умумий мунозаралар жараёнида кичик гуруҳлар эришган натижаларни муҳокама қилиш;

Кейс технологияси ёрдамида талабаларда қуйидаги кўникмалар ривожлантирилади:

- таҳлилий кўникмалар – мавжуд ва мавжуд бўлмаган ахборотларни фарқлаш, уларни таҳлил қилиш, излаш ва тақдим этиш;

- амалий кўникмалар – амалий ишлар жараёнида аждодларимиз томонидан қўлланилган назариялар, методлар ва принциплардан фойдаланиш;

- ижодий кўникмалар – аждодларимиз томонидан яратилган бадиий ва илмий асарлардан фойдаланган ҳолда ижодий фаолиятни амалга ошириш, импровизация қилиш, педагогик ёндашувларни мустақил баҳолаш;

- коммуникатив ҳамда ижтимоий кўникмалар – мунозаралар ташкил этиш, атрофдагиларни ишонтириш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш, кичик ҳажмли, педагогик характердаги ижодий матнлар яратиш;

- ўз-ўзини таҳлил қилиш – бошқалар ва ўзининг шахсий фикрини таҳлил қилиш.

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш мақсадида тақдим этилган методлар уларга қуйидаги имкониятларни беради:

- тақдим этилган ўқув материалларини фаол ўзлаштириш;

- шахсий рефлексияни ривожлантириш;

- аждодларимиз мероси ёрдамида бағрикенгликни ривожлантириш;

- ўқув ҳамкорлигининг янги шаклларини ўзлаштириш кабилар.

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш имконини берадиган методларни мақсадга мувофиқ тарзда қўллаш ўқув фаолияти мотивлари ва талабанинг эҳтиёжларига сезиларли таъсир кўрсатади. Фаол тарздаги билиш фаолияти бўлажак ўқитувчиларнинг янги имкониятларини намоён этишга кўмаклашади. Уларда касбий компетентликнинг шаклланишига етарлича асос яратади.

**Адабиётлар**

1. Коджаспирова Г.М. История образования и педагогической мысли: Таблицы, схемы, опорные конспекты. Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. –М.: «ВЛАДОС» Пресс. 2003. –С. 224.
2. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар – соғлом авлодни тарбиялаш воситаси. -Т.: 1995.
3. Салаева М.С. Ўзбек педагогикаси тарихини даврлаштиришнинг назарий-методологик асосларини такомиллаштириш. Пед.фан.докт.(DSc) диссертацияси. -Нукус: 2019. 288- б.

**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада мутафаккир аждодларимиз томонидан яратилган педагогик таълимотлар бўлажак ўқитувчиларда касбий майлларни хосил қилиб, уларда ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш имконини бериши, ўқув-билиш ҳаракатлари эса бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятидаги сифат ва самарадорликни таъминлашга кўмаклашиши ёритиб берилади.

**РЕЗЮМЕ**

В этой статье педагогические учения, созданные предками наших мыслителей, дадут будущим учителям возможность развивать свои профессиональные навыки и развивать свою учебно-познавательную деятельность, а учебное движение сможет обеспечить эффективную и профессиональную подготовку будущих учителей.

**SUMMARY**

In this article, the pedagogical teachings created by our thinker-ancestors will give future teachers the opportunity to develop their professional skills and develop their educational and cognitive activities, and the learning movement can provide effective and professional training for future teachers.

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА СПОРТ ВА СОҒЛОМЛАШТИРИШ ТУРИЗМИ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

**В.Ш.Рахимов** – *педагогика фанлари номзоди, доцент*
*Ўзбекистон миллий университети*

**Таянч сўзлар:** туристик-спорт маҳсулоти, оперейтинг, туристик-спорт, спорт туризми, рекреацион мажмуа, туроператор.
**Ключевые слова:** туристико-спортивный продукт, опереттинг, туристико-спортивный, спортивный туризм, оздоровительный комплекс, туроператор.
**Key words:** tourist-sports product, operetting, tourist-sports, sports tourism, recreational complex, tour operator.

Ҳозирги вақтда туризмнинг оммавий ривожланиши даврларида бу иш билан туроператорлар деб аталувчи фирмалар ва мутахассислар шуғуллана бошлади. Туроператор дифференциаллашган туристик маҳсулотларни ишлаб чиқаради, бунда у бу маҳсулотларни мижозларнинг эҳтиёжлари, талаблари, истаклари ва қизиқишлари билан мос ҳолда турли хил хизматлардан жамлаб ҳосил қилади.

Кўплаб туристик фирмаларнинг мавжуд иш тажрибасига қарамай, спортчиларни тайёрлашнинг ва тадбирларни ўтказишнинг ҳозирги замондаги шарт-шароитлари янги авлод мутахассислари – туристик-спорт оперейтинги менежерларининг пайдо бўлишини белгилаб беради. Туристик-спорт ҳаракати оператори фаолиятининг бош йўналиши – бу мухлисларга, иштирокчиларнинг ўзларига, тадбирларга хизмат кўрсатадиган мутахассислар учун хизматларни тайёрлаш ва уларни амалга оширишдир.

“Туристик-спорт маҳсулоти” деб номланадиган хизматларнинг потенциал манбалари бўлиб хизмат кўрсатиш инфратузилмаси хизматларининг мажмуаси ҳисобланади:

- спортнинг бир тури сифатида спорт туризми;

- турли хилдаги спорт-туризм саёҳатлари ва тадбирлари билан боғлиқ бўладиган ҳаваскорлик, соғломлаштириш туризми;

- спортчилар, спорт жамоалари ва улар мухлисларининг кўчиб юришлари билан боғлиқ бўладиган билишга доир-таълимий туризм.

Туристик-спорт маҳсулотини шакллантириш хизмат кўрсатиш дастурларини ишлаб чиқиш ва хизматлар мажжмуасини амалга оширишдан иборат бўладиган маълум бир ташкилий ишларни кўзда тутади.

Яқин ўтимшда туризм, саёҳат индивидуал хусусиятларга эга эди, шунинг учун бундай тадбирлари режалаштириш саёҳатчининг ўзи томонидан ёки унинг топшириғи бўйича саёҳатлар бюроси томонидан амалга оширилар эди.

Оммавий туризм туристик хизматларни стандартлаштириш, уларни тизимлаштириш, олдиндан тайёрланган, режалаштирилган “хизматлар пакети”ни яратиш кабиларни шартлайди. Буларга транспорт хизматлари, меҳмонхоналар, ресторанлар, саёҳат дастурлари, маълум бир спорт мусобақаларини ва тадбирларини томоша қилиш, дам олиш-кўнгилочар корхоналар (шоу, кино, видеобизнес), спорт ва курорт ташкилотлари, яъни, зарурий хизматларни кўрсата оладиган барча ташкилот, муассаса ва корхоналар киради.

Оперейтинг – бу маълум бир якуний маҳсулот (конкрет тур)ни яратиш жараёнларини бошқаришдир. Туроператорлар ва туроперейтинг тизимининг асосий вазифаси бўлиб нафақат туризм маҳсулотини шакллантириш, балки унинг амалга оширилиши, яъни, турли хил жараёнларнинг ягона тизимга келтирилишини кўзда тутади. Оперейтинг қуйидагиларни назарда тутади: туристик

индустриянинг турли хил таклифларидан бир нечта ихтисослаштирилган таклифлар танлаб олинади, уларни комбинациялаштириш ва шахсий дастурни шакллантириш амалга оширилиб, бу кейин воситачилар орқали ёки тўғридан-тўғри мижозларга етказилади.

Туристик-спорт оперейтинги айрим ўзига хосликлар билан ажралиб туради. Бу туристик тадбиркорликнинг бир тури бўлиб, у спорт ҳаракати иштирокчилари (спортчилар, ҳаваскорлар, мухлислар)нинг талаб-эҳтиёжлари билан мос ҳолда зарур бўладиган ихтисослаштирилган туристик-спорт дастурлари ва хизматлар мажмуалариниг комплектацияланиши билан боғлиқ бўлади.

Туристик-спорт оперейтингининг ўзига хосликлари спорт туризми мазмунидан келиб чиқади.

Спорт туризми фаолиятнинг ҳаваскорлик тури бўлиб ҳисобланади, у билан иш ёки ўқишдан бўш вақтларда шуғулланадилар. Лекин ўз тадқиқотимизда биз (олдин кўрсатиб ўтганимиздек) фаолиятнинг бу турини анча кенг маънода олиб қараймиз. Бунга туризм ҳам спортнинг бир тури сифатида, ҳам ҳаваскорлик спорт-туризм фаолияти сифатида, мухлислар ва спортчиларнинг бир-жойдан бошқа жойга кўчиб ўтишлари сифатида киритилади. Лекин у ёки бу ҳолда ҳам спорт туризмининг бош вазифаси кишиларнинг маънавий, психик ва жисмоний соғликларини сақлаш ҳамда мустаҳкамлашдан иборат бўлиб қолаверади.

Туристик-спорт оперейтинги менежментнинг маълум бир тизими билан ҳам боғлангнадир.

Туризм соҳасидаги олий касбий таълим сифати янг малакавий стандартлар асосида ишлаб чиқилган таълимнинг кўп бўғинли тизиминиривожлантириш шароитларидаги замонавий талабларга мос келиши лозимдир. Европа олий таълимининг ютуқларига асосланган ҳолда туризм (шу жумладан, спорт туризми бўйича ҳам) замонавий таълим стандартларини ва дастурларини тайёрлаш қуйидагиларни кўзда тутади:

- олий касбий таълимнинг илғор ғоялари ва технологияларини акс эттириш;
- халқаро даражада қабул қилинган туризмнинг тушунчали-атамашунослик аппаратидан фойдаланиш;
- туризм бўйича олий касбий таълимдаги асосий тенденцияларни (кўп вариантлилик, стандартлаштириш, диверсификация, гунманизация, экологизация), таълим дастурларини тузиб чиқишга замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш;
- туризм турлари рўйхатини ҳисобга олиш;
- туризмнинг касбий майдонини малакавий тавсифлаш учун схемани лойиҳавий амалга оширилишини ҳисобга олиш.

Санаб ўтилган тенденцияларни ҳисобга олиш туризм соҳасида банд бўладиган профессионал, юқори малакали мутахассислар тайёрланишини таъминлашга имкон беради. Ўзбекистон туризмидаги аҳвол шундайки, бунда ҳам ташқи, ҳам ички туризмда оперейтинг соҳасидаги ўз кадрларини тайёрлаш зарурдир. Мутахассисларнинг тайёрланган отряди миллий туризм бизнесининг имкониятларини ва истиқболларини кенгайтиради. Таъкидлаб ўтиш лозимки, туристик-спорт оперейтинги ҳали лозим даражада ривожлана олгани йўқ ва мустақил тизим ҳолига ўтмагандир, бунга боғлиқ ҳолда туристик-спорт оперейтингининг тузилмасини ва ўзига хосликларини белгилаш зарурати пайдо бўлди.

Туристик-спорт оперейтинги туризм индустриясида махсус ролни ўйнайди: бунда у туристик-спорт йўналишидаги хизматлар пакетини шакллантиради ва амалга оширади ҳамда бу ўз ичига (анъанавий равишда белгиланадиган функциялардан ташқари) қуйидагиларни олади:

- спорт мусобақаларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш;
- спорт кўпкураши бўйича мусобақаларни ўтказиш;
- спорт саёҳатларини ташкил этиш;
- спортчиларнинг спорт мусобақаларини ва тадбирларини ўтказиш жойларига етиб боришларига кўмаклашиш;
- спортчиларнинг бўш вақтларини ташкил этиш;
- мухлислар учун кўнгил очар ўйинларни ташкил этиш;
- мусобақаларни тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ жамоалар турларини амалга ошириш;
- спортчилар ва мухлислар учун рекреация тизимини яратиш;
- саёҳатлар ташкил этиш;
- мусобақаларни ўтказиш жойи ва спорт хусусиятларидаги тадбирлардан репортажларни амалга ошириш;
- кўргазмаларни ташкил қилиш ва сувенирлар, спорт символикаси ва атрибутикасини тарқатиш;
- туристик-спорт ресурслари экспортини амалга ошириш;
- эксклюзив спорт-саргузашт турларини ташкил этиш.

Туристик-спорт оперейтингининг асосий вазифаси бўлиб мос ҳолдаги хизмат кўрсатиш дастури билан мустаҳкамланган турни яратиш саналади. Бу маҳсулот бозорга чиқариладиган асосий туристик-спорт маҳсулоти бўлиб ҳисобланади. Туристик-спорт оперейтинги хизматларининг ўзига хослиги асосий ва қўшимча туристик-спорт хизматларини танлаб олиш ва комбинациялаштиришдан, уларни олдиндан режалаштириш ва стандартлаштиришдан, яъни, ўз ичига туристик-спорт саёҳатларининг зарурий элементларини оладиган хизматларнинг дастурий пакетини шакллантиришдан иборат бўлади.

Туристик-спорт маркетингининг ўзига хослиги биринчи навбатда туристик-спорт маҳсулотининг ўзига хосликлари билан, шунингдек, хизматларнинг мазкур турини ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг ўзига хос қирралари билан белгиланади. Шундай қилиб, туристик-спорт оперейтингига маркетинг талаблари қуйидагилардан ибоарт бўлади:

- бозор эҳтиёжлари ва талабларига мос келадиган хизматларни таклиф қилиш;
- мижозларни таклиф этилаётган хизматлар ҳақида улар турни сотиб олгунларигача объектив ва атрофлича хабардор қилиш;
- ўз таклифи сифтаини мунтазам равишда назорат қилиб бориш ва ўз вақтида тузатишлар киритиш;
- маҳсулотнинг юқори сифатлилиги ёрдамида мижозларнинг зарурий қондирилганлик даражасига эришиш.

Соғломлаштириш ва билишга доир-таълим фаолияти масалаларида спорт туризми функцияларининг кенгайиши туристик фаолиятнинг тор ихтисолаштирилган йўналиши сифатида тушунилиши ўзгаришини шартлади. Бизнинг талқинимизда спорт туризми худди туристик-спорт ҳаракатининг синоними сифатида бугунги кунларда функцияларнинг янада кўпроқ тўплами билан намоён бўлади. Айнан аҳолининг бўш вақтини ташкилий соҳаси учун юқори ижтимоий аҳамиятлилик, шунингдек, туризмнинг бу соҳасидаги сезиларли молиявий айланмалар бу фаолиятни ўз меъёрий-ҳуқуқий асосига, хизмат кўрсатиш инфратузилмасига, дастурий-методик ассога ва мутахасси-кадрларга эга бўлган институционал жиҳатдан расмийлаштириш заруратини шартлади.

Туристларни хорижга жўнатаётганда ташаббускор туроператор туристлар борадиган мамлакатларда фаолият кўрсатувчи рецептив туроператорларнинг хизматлари мажмуасидан, транспорт, виза, суғурта ва бошқа бир нечта хизматлардан ўз туристик-спорт маҳсулотини шакллантиради.

Турли хилдаги асосий ва қўшимча хизматлар билан тиғизлаштирилган жозибадор туристик маҳсулотни яратиш

туристик-спорт оперейтингининг энг биринчи ва муҳим вазифаси бўлиб ҳисобланади.

Бу вазифани бажариш туристик-спорт оперейтингининг самарали менежментига боғлиқ бўлиб, у ўз ичига қуйидагиларни олади:

- спорт туризмининг моддий-техник воситалари менежменти;
- туристик-спорт марказлари менежменти;
- спорт оламидаги ахборот ва жамоатчилик ташкилотлари билан алоқалар менежменти;
- конгрессли ва кўргазмали менежмент;
- хизматлар сифати менежменти;
- спорт туризми турлари менежменти;
- спорт туризмидаги хавфсизлик хизмати менежменти;
- спорт туризмининг экологик менежменти;
Сўнгги ўн йилликларда дунёда рўй бераётган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий туб ўзгаришлар турли мамлакатлар, халқлар ва маданиятларнинг ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро боғлиқлигининг кенгайишига олиб келди. Ўзгаришлар ижтимоий ҳаётнинг деярли барча шаклларини қамраб олади ва у ижтимоий ва илмий билимларда ноаниқ, баъзан зиддиятли баҳо олмоқда. Бунинг сабаби шундаки, глобаллашув жараёнлари XXI асрда ижтимоий жараёнларнинг йўналтирувчиси бўлишга мўлжалланган янги шакл ва институтларни шакллантиришни назарда тутади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқадиган кўпгина назарий ва методологик муаммоларни қайта кўриб чиқишни талаб қилади [1].

Идентиклик муаммоси кўп қирралидир. Бу нафақат ҳар бир шахс ва ҳар бир маданият учун маъно шаклантиришда «Биз ким?» деган саволни ўз ичига олади, шу билан бирга унинг якуний асоси сифатида чуқур метафизик савол бор: «Инсон бу нима?». Глобаллашув жараёни инсоннинг ҳақиқий мавжудлигининг чуқур асослари масаласини долзарблаштиради, яъни глобаллашувда миллий-этник ва давлат идентиклигининг роли ўзгариши билан боғлиқ бўлган глобал идентификация масаласини кўтаради.

Идентиклик ва идентификация муаммоларининг ривожланиши ХХ аср ўрталаридан бошлаб кучайди. Бу, асосан, «идентиклик» тушунчаси илмий билимларнинг турли соҳаларида кенг тарқалганлиги билан боғлиқ бўлиб, уларда ижтимоий тадқиқотларнинг классик бўлмаган парадигмасини тасдиқлаш билан боғлиқ.

Ўзбекистонда миллий менталитет ва ўзликни англашнинг социологик масалаларини М.Бекмуродов, Р.А.Убайдуллаева, О.Ата-Мирзаев, М.Ганиева, Н.Алиқориев, Т.Матибаевалар ва бошқаларнинг ишларида тадқиқ этилган. Ўзбекистон шароитида идентикликнинг антропологик омиллари алоҳида илмий-тадқиқот объекти сифатида Ш.Мадаеванинг изланишларида тадқиқ этилган.

Қорақалпоғистон шароитида миллий идентиклик хусусиятлари қорақалпоқ олимлари Я.Абдуллаева, Ж.Базарбаев, М.Давлетияров, С.Камалов, Х.Камалова, Б.Кощанов, З.Қурбанова, Г.Сапароваларнинг илмий асарларида ўрганилган.

МДҲда турли хил идентикликларни (ижтимоий, шахсий, маданий, ҳудудий, минтақавий, этник, геосиёсий ва бошқалар.) тадқиқ этилган. Бу ерда А.О.Бороноева, П.И.Гнатенко, М.В.Заковоротной, В.С.Малахова, П.И.Смирнов ва бошқаларнинг ишларини таъкидлаш даркор.

Глобаллашув шароитида миллий идентиклик муаммоларига доир масалалар В.Н.Бадмаев, П.К.Гречко, К.Н.Делокаров ва бошқалар тадқиқотларида кўриб чиқилган.

Хорижий илмий тадқиқотларда умумийлик ва миллий идентиклик муаммоси, хусусан, муайян тадқиқот анъанасига эга.

Бу мавзуга бўлган қизиқишнинг ортиб бориши миллий идентиклик муаммоларини таҳлил қилишда замонавий дунёнинг янги ижтимоий воқеликларини ҳисобга олиш зарурлиги билан изоҳланади.

Миллий идентиклик – бу мураккаб кўп ўлчовли, кўп қиррали ҳодиса бўлиб, уни ўрганиш ижтимоий, ижтимоий-фалсафий, психологик, маданий ва этник жиҳатларни ўз ичига олади. Ижтимоий ҳодиса сифатида у юқори сифат, нисбийлик, динамизм билан тавсифланади. Глобалашув давридаги идентиклик мослашувчанлик, ҳаракатчанлик, нотўлиқлик ва контекстуаллиги билан ажралиб туради.

Тил миллий идентикликнинг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади. В.М.Бим-Бад «тил - бу ўтган авлодларни тирик ва келажак авлодлар билан бир бутунликка боғлайдиган энг жонли, энг кўп ва кучли алоқадир. Она тилини ўрганар экан, бола нафақат сўзларни, уларнинг бирикмасини ва парадигматикасини, балки қандай да бир предметларга нисбатан чексиз кўп тушунчалар, қарашлар, кўп фикрлар, ҳис-туйғулар, табиий образлар, эътиқодлар, шеърият, мантиқий тушунчалар ва фалсафий қарашларни ўрганади» - деб ёзади [4:177-178].

Маданиятга киришнинг дастлабки босқичида ўзлаштирилган идентификациянинг ташқи далиллари орасида Л.Г.Ионин қуйидагиларни кўрсатади:

- хулқ-атвор коди ва кийимнинг рамзларини ўзлаштириш;
- лингвистик компетентликни ривожлантириш;
- танланган маданий шакл тақдимоти бўлиб ўтадиган маконнинг ривожланиши.

Назария ва ахлоқий тарбия бериш шароитида идентикликни аниқлашнинг ташқи белгилари биринчи ўринга чиқади, уларнинг маълум вақт давомида ўзлаштирилиши муайян маданий шакл билан танишишнинг ягона воситасига айланади [5:646]. Шунинг учун ташқи сифатлар ёшлар учун жуда муҳимдир.

Идентикликнинг ривожи ҳозирги замоннинг ўзига хос хусусияти эканлигини ҳисобга олиш муҳимдир. Анъанавий жамиятларга қараганда сифат жиҳатидан фарқ қилувчи идентификация тури шаклланмоқда. Замонавий давр янгиликларини такомиллаштириш, лойиҳалаштириш ва эски тартибларни қайта ишлаш ғоясини вужудга келтирди. Бу идентикликнинг нотўлиқлигини бартараф этиш учун шахс ва шахс жавобгарлигининг нотўлиқлиги замонавийликнинг бошқа барча жиҳатлари билан узвий боғлиқдир [2:181]. Замонавий даврда шахснинг ўзини ўзи аниқлаши, мажбурий бўлади дейди З.Бауман. Шу билан бирга, идентикликнинг дискурси рақобатлашадиган маданий дискурсларнинг майдонида ёки оқимида жойлашган. Идентиклик маданий сиёсат объектлари бўлиб, жамиятга кирадиган институтлар ва дискурслар томонидан қурилади. Бу идентикликни бундай ҳисобга олиш ҳар доим ва ҳар қандай шарт-шароитда, фақат бу ерда ва ҳозир қурилган, дегани эмас. Биз яна бир нарса ҳақида гапирамиз – бу шарт-шароитларнинг ўзи ўтмишда муайян қурилишнинг натижасидир ва шунга кўра, мутлақо ўзгармас ва доимий нарса эмас. Шу билан бирга, янги ижтимоий назарияда шахс идентиклигини фақат ташқаридан қурилгандек ҳаддан ташқари қаттиқ талқин қилиш олиб ташланади ва шахсий рефлексивликнинг аҳамияти таъкидланади.

Миллий идентиклик муаммосининг мураккаблиги «миллат» атамасининг талқинларининг ноаниқлиги туфайли замонавий гуманитар фанлардаги жиддий концептуал ва категориал қийинчиликлари билан боғлиқ. Вазият «миллий ҳаракатлар, замонавий миллатлар ва миллий давлатларнинг пайдо бўлиши ҳамда фаолият юритиши учун ягона алгоритмнинг йўқлиги эмас, балки мавжуд бўлган меъёрлар глобаллашув шароитида «иш»ни тўхтата бошлагани билан янада мураккаблашади» [3:17].

Муайян этник гуруҳга мансубликни англаш, одамлар инсоннинг ўз-ўзини англашининг энг доимий хусусияти эмас. Инсон ўзини маълум бир халқнинг вакили каби ҳис қилади, улар билан ўзини аниқлайди, белгилайди. Немис файласуфи К.Хюбнернинг фикрига кўра, «миллатнинг идентиклиги инсон жамоасининг амалий постулатини алоҳида шахснинг идентиклиги сифатида тадқиқ этишни талаб қилади. Бу уларнинг оддий ҳаракатлари, нутқ, фикрлаш, ҳис–туйғулар ва истаклари-қисман онгли, қисман онгсиз вақт ичида маълум нуқталарда, бу миллатга тегишли субъектлар томонидан бошқарилади, тарихий тартибга солиш тизимлари ва мажмуи билан белгиланади. Бу тизимлар яқин ва таниш бевосита боғлиқ уфқни ташкил этади» [6:293].

Идентикликнинг умумий тушунчаси авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъаналар, қадриятлар ва хатти-ҳаракатлар шаклида намоён бўлган турмуш тарзини тавсифловчи, катта ижтимоий гуруҳнинг ажралмас характеристикаси сифатида умумий тушуниш бу катта гуруҳлар фарқ қиладиган асослар масаласини кўтаришга имкон беради.

Шундай қилиб, тадқиқотимиз глобаллашув даврида миллий идентикликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга имкон берувчи ижтимоий ҳодисаларни билишнинг умумий илмий тамойиллари, диалектик, тизимли ва предметли ёндашувларга асосланади. Фанлараро ёндашувни қўллаш «идентиклик» тушунчасининг табиатига боғлиқ бўлиб, унинг шаклланиши турли фанлар – фалсафа, социология, психология, тарих ва ҳоказоларнинг фаол иштироки билан бирга кечди.

**Адабиётлар**

1. XXII World Congress of Philosophy. Rethinking Philosophy today. Abstracts. July 30 – August 5. 2008. Seoul National University. Seoul, Korea.
2. Бауман З. Индивидуализированное общества / Пер. с англ. Под ред. В.Л.Иноземцева. –М.: «Логос», 2005, -С.309.

3. Бадмаев В.Н. Феномен национальной идентичности (социально-философский анализ). -Волгоград-Элиста: 2005. -С. 17.
4. Бим-Бад Б.М. Педагогическая антропология. -М.: Изд-во УРАО, 1998. –С. 177-178.
5. Ионин Л.Г. Идентификация и инсценировка. // Соц. исследования. 1995. №3. Цит.по: Психология самосознания: хрестоматия. –Самара: 2000. -С. 645-648.
6. Хюбнер К. Нация: от забвения к возрастанию. / Курт Хюбнер; Рос. акад. наук. Ин-т философии. Центр по изучению нем. философии и социологии. - М.: Канон+: Реабилитация, 2001. –С. 399.

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада қиёсий таҳлил методининг ўзига хос тарихий шарт-шароитлардан келиб чиқиб, ижтимоий-фалсафий тафаккурда миллий идентиклик ҳодисасини тушунишга доир маълумотлар берилган.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье описывается применение метода сравнительного анализа к пониманию феномена национальной идентичности в общественно-философической мысли, обусловленный конкретно-историческими условиями.

**SUMMARY**

This article describes the application of the method of comparative analysis to understanding the phenomenon of national identity in social and philosophical thought, conditioned by specific historical conditions.

УДК 37.016:82

## ÁDEBIYAT PÁNIN OQÍTÍWDA OQÍTÍWSHÍ HÁM OQÍWSHÍLARDÍŃ KOMPETENTLILIGIN JETILISTIRIW

**S.P.Uzakova –** *tayanısh doktorant*
*Berdaq atındaǵı Qaraqalpaq mámleketlik universiteti*

**Tayanch so'zlar:** adabiyot oqituvchisi, kompetensiya, kompetentlik, kasbiy kompetentlilik, shaxs kompetentliligi, bilim, ko'nikma, malaka, tajriba, dars jarayoni, adabiy ta'lim, shoir, badiiy matn, she'r, she'rxon, lirik qahromon, tahlil, obraz.

**Ключевые слова:** учитель литературы, компетенция, компетентность, профессиональная компетентность, личностная компетентность, знание, умение, квалификация, опыт, учебный процесс, литературное образование, поэт, художественный текст, стихотворение, поэт, лирический герой, анализ, образ.

**Key words:** teacher of literature, competence, professional competence, personal competence, knowledge, skills, qualification, experience, teaching process, literary education, poet, literary text, poem, poet, lyrical hero, analysis, image.

Ádebiyat sabaqları kewil tárbiyalaw hám keleshek áwlad sanasın jetilistiriwdi eń aldı menen birinshi basqıshqa qoyatuǵın eń zárúr bolǵan bilim derekleri esaplanadı. Insan qálbine tek bilim menen kirip bolmaydı. Sonlıqtan da, ádebiyat páni oqıtıwshısı óziniń jeke pazıyletleri, ruwxıy jetikligi hám hár tárepleme bilimliligi menen oqıwshılar itibarına túsip, olardı tásirlendirip sabaq ótiwge úlken juwapkershilik penen qatnasta bolıwı barıwı kerek. Sabaq procesin nátiyjeli alıp barıwda oqıtıwshınıń kompetentligi oǵada úlken áhmiyetke iye boladı. Biz bul maqalamızda sabaqtıń nátiyjeli alıp barılıwında oqıtıwshı hám oqıwshılardıń kompetentliliginiń baylanıslılıǵına toqtalıp ótpekshimiz.

Dáslep kompetenciya hám kompetentlilik terminleriniń tálimge kirip keliwi hám onıń mánisi jóninde sóz etemiz. “Kompetenciya” ataması eń dáslep N.Xomskiy degen alım tárepinen qollanılǵan. Ol bul túsinikti til sisteması haqqındaǵı bilimlerge iye bolıwdı yaǵnıy kompetentlilikti kórsetiwshi “lingvistikalıq kompetenciya” mánisinde paydalana baslaǵan [1]. Sonday-aq, bir neshe metodikalıq ádebiyatlarda kompetenciya ataması boyınsha kóplegen pikirler hám olardıń túrleri de keltirilgen. “Kompetenciya” sózi “jarısıw, bellesiw básekilesiw” degen mánilerdi bildiredi. Bul atama latın tilinen awdarmalanǵanda “cometens” – múnásip, say, kerekli, ılayıqlı biletuǵın degen mánilerdi ańlatadı. Ulıwma aytqanda, shaxs tárepinen belgili bir tarmaqlarda nátiyjeli is júritiw ushın zárúr bolatuǵın bilim, kónlikpe, tájiriybe bar ekenligin ańlatatuǵın túsinik [2]. Ózbekstan xalıq bilimlendiriw ministrligi tárepinen 2017-jıl 6-aprel sánesinde mámleketlik bilimlendiriw standartları hám oqıw dástúrlerine qayta ózgerisler kiritiwde oǵan kompetenciyanıń túrlerin de engizdi. Kompetenciyanıń tayanısh kompetenciya hám pánge baylanıslı kompetenciya sıyaqlı túrleri bar. Ádebiy tálimde ádebiyatqa baylanıslı kompetenciyanıń ádebiy sóylew kompetenciyası hám kórkem shıǵarmanı analizlew kompetenciyası qollanıladı. Bunday kompetenciyalar oqıw baǵdarlama dástúrine say qollanıladı hám oqıwshılardıń bilim iyelew dárejesiniń nátiyjeliligin támiyinleydi.

“Kompetentlilik” túsinigi “kompetenciyaǵa iyelik” degen mánini bildiredi. Insannıń belgili bir tarawlarda nátiyjeli is kórsetiwi ushın zárúr bolǵan bilim, kónlikpe hám tájiriybege iye ekenligi menen onıń jeke sıpatları ortasındaǵı baylanıslılıqtı ańlatadı [2]. Kompetentlilik ataması bilimlendiriw tarawına psixologiyalıq izlenisler nátiyjesinde kirip kelgen. Bul túsinik psixologlar názerinde hár qanday qániygeniń dástúriy emes jaǵdaylar, kútilmegende payda bolatuǵın halatlarǵa tán sáwbet jolların taba biliw, qarsılaslar menen óz ara múnásibetlerde jańa usıllardı qollay alıwı, qıyın tapsırmalardı orınlawda zárúr maǵlıwmatlardan bilgishlik penen paydalanıwı, úzliksiz ráwishte óz ústinde islewi, óz bilim, kónlikpe hám tájiriybelerin izshil dawamlap barıwdı ańlatadı. Kompetentliliktiń ishinde kásiplik kompetentlilik túsinigi de bar bolıp, ol qánige tárepinen kásiplik iskerligin ámelge asırıw ushın zárúr bolǵan bilim, kónlikpe hám tájiriybelerdiń iyeleniwi hám olardı ámelde joqarı dárejede qollay alıwın ańlatadı. Kásiplik kompetentlilik qánige tárepinen tek ayrıqsha bilim, kónlikpe, tájiriybe hám jeke sıpatlardıń iyelengenligi ǵana emes, bálki ózine zárúr baǵdarlar boyınsha integrativ bilimler hám háreketlerdiń ózlestiriliwin de óz ishine aladı.

Kompetenciya qánigelik bilimlerdi hár dayım bayıtıp barıwdı, jańa informaciyalardı úyreniwdi, áhmiyetli sociallıq talaplardı ańlap alıwdı, jańa maǵlıwmatlardı izlep tabıw, olardı qayta islew hám óz iskerliginde qollana biliwdi de talap etedi. Ózbek ádebiyatın oqıtıw boyınsha metodikalıq miynet jazǵan ilimpazlar Q.Husanboyeva hám R.Niyozmetovalardıń miynetinde kásiplik kompetentlilik dárejesiniń tómendegi jaǵdayda kórinetuǵınlıǵı atap ótilgen [3]:

- Quramalı, qıyın jaǵdaylar júzege kelgende;
- ayırıqsha wazıypalardı orınlaǵanda;
- bir-birine qarama-qarsı maǵlıwmatlardan ornı menen paydalanǵanda.

Sonday-aq, kásiplik kompetenciyaǵa iye qánige óz bilimlerin izbe-iz bayıtıp baradı, jańa informaciyalardı ózlestiredi, dáwir talapların tereń ańlaydı, jańa bilimlerdi izlep tabadı hám olardı qayta islep, óz ámeliy iskerliginde nátiyjeli qollanadı.

Házirgi dáwirde jáhán bilimlendiriw ámeliyatında oqıwshılardı kompetentli qılıp tárbiyalaw tiykarǵı wazıypaǵa aylanǵan. Sebebi kompetentlilik, joqarıda aytıp ótkenimizdey, bilimlendiriwdiń intellektual hám ámeliy tárepin baylanıstıradı, oqıtıw barısında tálim mazmunın ózlestiriwdiń standart boyınsha qanday nátiyjelerge alıp keliwin bildiriwshi kórsetkishlerdi sáwlelendiredi. Kóp ǵana izertlewlerden hám ilimiy miynetlerden de kóriwimizge boladı, búgingi dáwirde dúnyanıń globallasıwı hárbir taraw qánigeleriniń tek ǵana bir mámleket aymaǵında emes, bálki dúnyanıń qálegen mámleketinde jasap, is kórsetiwi, qarsılas bolıwı ushın hár tárepleme

kompetentli bolıwdı talap etpekte. Usı kózqarastan kompetentliliktiń jeke shaxs hám belgili bir qánige iyesine tán bolǵan sıpatların hám tarmaqların atap ótiwimiz orınlı boladı. Jeke adam kompetentliligi onıń kúndelikli tirishilik qılıwı, kásibi boyınsha is kórsetiwi yamasa sociallıq turmısta óz ornına iye bolıwǵa baylanıslı turmıslıq mashqalalardı sheshiwge tiyisli bilim, kónlikpe hám tájiriybege iye ekenlik halatın bildiredi hám ol tómendegi tarmaqlardı óz ishine aladı:

- Erkin is júritiw kompetentliligi. Bunda qánigeniń túrli jollar menen, tiykarınan, tálim orınlarınan tısqarı dereklerden bilim alıw tájiriybesin iyelewi;
- Sociallıq-puqaralıq kompetentliligi. Shaxstıń puqaralıq, saylawshılıq hám basqa da bir qatar wazıypaların orınlawǵa qaratılǵan iskerligi;
- Sociallıq miynet kompetentliligi. Adamnıń óz kásibine baylanıslı miynet bazarı maǵlıwmatlarınan xabardar bolıwı, ondaǵı jaǵdaydı analiz qıla alıwı, óziniń professional imkaniyatların durıs bahalay biliwi, ózara múnásibetlerdegi ádep-ikramlılıq qaǵıydaların esapqa alıwı hám ámel etiwi;
- Shańaraqlıq kompetentlilik. Shaxstıń ózi hám shańaraq aǵzalarınıń salamatlıǵı, shańaraqtaǵı turmıs tárizi, minnet hám wazıypaları, basqa da shańaraqlıq máselelerdi biliwi;
- Mádeniy hám dem alıw kompetentliligi. Adamnıń bos waqıttan durıs paydalanıw, óz shaxsın mádeniy hám ruwxıy jaqtan rawajlandırıwǵa baylanıslı iskerligi názerde tutıladı [3].

Búgingi oqıtıw sisteması óz iskerligin hárbir oqıwshınıń mektep dáwirinen-aq joqarıda sanap ótilgen kompetentlilik belgilerine iye bolıwdı kózde tutqan halda is kórsetiwdi shólkemlestiriwi maqsetke muwapıq boladı. Joqarıda atap ótkenimizdey, kompetentlilikke kiriwshi bilim, kónlikpe hám tájiriybege iye bolǵan oqıtıwshı sabaq ótiw procesinde oqıwshıları menen birge belgili bir nátiyjelerge erisip baradı. Ádebiyat oqıtıwshısınıń kompetentliligi oqıw dástúrinde úyreniw ushın berilgen kórkem shıǵarmalardaǵı oqıwshılar sanasına unamlı tásir kórsete alatuǵın, olardı ruwxıy jetiklikke tárbiyalaytuǵın, sezimlerin oyata alatuǵın táreplerin ańlay alıwı hám olardan sabaq procesinde hárbir oqıwshıǵa say ráwishte paydalana alıwın názerde tutadı. Sonlıqtan biz, oqıtıwshınıń kásiplik kompetentliligin anıqlawda 9-klass qaraqalpaq ádebiyatı sabaqlıǵında berilgen T.Mátmuratovtıń “Súyenedi adamǵa adam” qosıǵı mısalında talqılawdı maqul taptıq.

Qapalanıp tartqanda jábir,
Súyenedi adamǵa adam.
Quwanısh ta jalǵızǵa awır,
Súyenedi adamǵa adam.
Diywal súyenedi diywalǵa,
Tawlar súyenedi tawlarǵa,
Hárkim gezek-gezek miymanda,
Súyenedi adamǵa-adam.
Ǵayrı demey milletin, ultın,
Alıs demey mákanın jurtın,
Áne sóytip biyǵárez, biypul,
Súyenedi adamǵa adam...
Jalǵız adam ǵárip, biyshara,
Birleskende kúshi qanshama,
Jerdi ózi súyep tursa da,
Súyenedi adamǵa adam [4].

Shayır qáleminen dórelgen bul qosıq qatarlarınan hár qanday oqıwshı hám oqıtıwshı da óziniń sanasına, ruwxıy álemine jaǵatuǵın qatarlardı ańlap seze biledi. Oqıwshı qosıqtı oqıy otırıp, shayır menen ózi arasındaǵı uqsas sezilgen qatarlardan kewili toladı hám jańa sezimler oyatadı. Qosıqta keltirilgen barlıq qatarlar kewilden shıq-qanlıǵı ushın kewilge jetip baradı, qosıqta bayan etilgenin-dey, adam adamǵa súyenip, kewil-kewilden suw ishedi.

Kompetentli ádebiyat oqıtıwshısı qosıqtıń mazmunın analizlew waqtında kewilden ótken sezimlerdi hár tárepleme túsindiriwge urınadı yaki soraw-tapsırmalarǵa aylandıra biledi. Usı tárepleri menen oqıwshılarǵa itibarın jumsap, olardı óz kewillerinen keshken sezimlerge at tabıwǵa baǵdarlay aladı. Máselen: “1. Ne sebepten shayır qosıq atamasın usılay ataǵan hám qosıqta siz lirikalıq qaharman sıpatında kimdi ańladıńız? 2. Qosıqtıń birinshi shuwmaǵında berilgen “Quwanıshta jalǵızǵa awır” degen qatarlardı oqıǵanıńızda qálbińizden neler ótti? 3. Bul qosıqta tiykarǵı obrazǵa obiyektiv jantasqan qatarlar arqalı nelerdi ańladıńız? 4. Shayır adamgershilikke tán sıpatlardı sáwlelendiriwde qosıqta tiykarǵı máseleni nege qaratadı? ”. Mine kórip turǵanımızday, ápiwayı sózler menen boyalǵan bul qosıq shuwmaqlarınıń mánisin tereń ashıwda oqıtıwshı hám oqıwshıdan aqılıy hám ruwxıy jaqtan oy júritiw talap etiledi. Kórkem tekstler ústinde usılayınsha is júritiw qábiletine iye bolǵan oqıtıwshı oqıwshılarınıń ruwxıy jetikligi jolında durıs hám nátiyjeli is alıp barıp atırǵanlıǵın kórsetedi. Joqarıda kórip ótken qosıq qatarlarında oqıwshılar kewline unamlı tásir qaldıratuǵın hám jańasha oylar payda etetuǵın sezimler jámlengen. Bul qosıq mazmunın úyreniwde oqıtıwshı kórkem shıǵarmanı analizlew kompetenciyasın basshılıqqa alıp, óziniń bilim, kónlikpe hám tájiriybesine súyengen halda oqıwshılar menen óz kompetentliligin baylanıstıradı. Oqıwshını qosıq shuwmaqlarına baylap turǵan tiykarǵı ideya hám mazmun adamnıń adamǵa súyenish bolıwı, hár qanday jaǵdayda da insanıylıq birinshi orında turatuǵınlıǵı, ásirese, insan kewliniń gilti de oǵan súyenish bolatuǵın insan ekenligi, bul dúnyada mazmunlı ómir keshiriwde de adamnıń adamǵa súyenish bolıp iz qaldırıwı ápiwayı qatarlar menen ıqsham sáwlelengenliginen kórinip turadı. Juwmaqlastırıp aytatuǵın bolsaq, oqıwshılardı mine usılay etip birge islesiwge, kórkem sózdiń mánisin tereń ańlawǵa, qosıq shuwmaqlarında jámlengen sóz mánisin sezip, onnan tásirleniwge hám sezimlerin oyata alǵan jerlerin aytıp, túsindire alıwǵa úyrete alǵan oqıtıwshınıń ózi de, ol tárbiyalap atırǵan oqıwshıları da kompetentli shaxslar bolıp esaplanadı. Bunda tiykarǵı itibar joqarıda kórip ótkenimizdey, oqıtıwshı hám oqıwshılardıń bilim, kónlikpe hám tájiriybesiniń sabaq procesinde nátiyjeli alıp barılıwında ayqın kózge taslanadı.

## Ádebiyatlar


1. Кудряшова О.В. Компоненты коммуникативной компетенции при обучении письменной речи. «Вестник ЮУрГУ», 2007, №15.
2. https//ru.wikipedia.org/wiki. Svobodnaya ensiklopediya.
3. Husanboyeva Q., Niyozmetova R. Adabiyot o'qitish metodikasi. –Toshkent: «Barkamol fayz media», 2018, 34-b.
4. Mámbetniyazov T., Bekbergenova Z., Mámbetniyazova Z. Ádebiyat. 9-klaslar ushın sabaqlıq. –Nókis: «Bilim», 2019, 117-118-b.



**REZYUME**

Maqolada adabiyot fanini o'qitishda o'qituvchi va o'quvchilarning kompetentliligini rivojlantirish haqida so'z boradi va qoraqalpoq adabiyotining taniqli vakili T.Matmurodovning ijodi namuna qilinib, dars jarayonidagi o'qituvchi va o'quvchilarning kompetentliligi o'rganiladi. Dars jarayonlarida bunday unsurlarni samarali qo'llash tavsiya etiladi.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматривается развитие компетентности учителей и учащихся в преподавании литературы, моделируется работа известного представителя каракалпакской литературы Т.Матмуродова, а также изучается компетентность учителей и учеников в учебном процессе. Рекомендуется эффективно использовать такие элементы в учебном процессе.

**SUMMARY**

The article deals with the development of of teachers and students competence in the teaching of literature, and modeled the work of a well-known representative of Karakalpak literature T.Matmurodov and also the competence of teachers and students in the teaching process is studied. It is recommended to use such elements effectively in teaching process.

# SIRTQI (MAXSUS SIRTQI) BO'LIM TALABALARINING SESSIYA ORALIG'I VAZIFALARI MAZMUNINI TAKOMILLASHTIRISH (chizma geometriya fani misolida)

**A.N.Valiyev –** *katta o'qituvchi, dotsent*
*Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti*
**X.Q.Amirqulov** *– o'qituvchi*
*Toshkent shahar, TIQXMI*
**B.Esbog'anova –** *katta o'qituvchi*
*Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti*

**Tayanch so'zlar:** maxsus sirtqi, semester, sessiya oralig'i vazifasi, kompleks, bilim, baho, grafik masala, grafik savodxonlik, grafik ish, idrok, tafakkur, xayol, tasavvur, test, mashq va masala, sirt, ko'pyoqlik, mustaqil ish, ijodiy ish, elektron platforma, chizma geometriya.

**Ключевые слова:** специальное заочное, семестр, задания промежуточного котроля, комплекс, знания, оценка, графические задачи, графическая грамотность, графическая работа, сознание, мышление, мысль, представление, тест, упражнение и задание, поверхность, многосторонник, самостоятельная работа, творческая работа, электронная платформа, начертательная геометрия.

**Key words:** extra mural students, term, tasks of continuous assessment complex, knowledge, assessment, graphic tasks, graphic literacy, graphic work, graphic task, consciousness, thinking, thought, special extra mural courses, imagination, test, exercise and task, surface, multilateral, independent work, creative work, electronic platform, descriptive geometry.

Xalq ta'limi tizimidagi ta'lim muassasalarining maktabgacha, boshlang'ich, musiqa, tasviriy san'at, chet tillari, mehnat ta'limi, jismoniy tarbiya yo'nalishlari va boshqa fanlar bo'yicha oliy ma'lumotli pedagog kadrlarga bo'lgan ehtiyojlarini qondirish, tumanlar va qishloq joylardagi ta'lim muassasalarini yuqori malakali pedagog kadrlar bilan ta'minlash hamda ularni tayyorlash tizimini joylarda tashkil etishni yanada takomillashtirish orqali ta'lim sifatini yaxshilash maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017- yil 9- avgustdagi "Oliy ta'lim muassasalarida pedagogika yo'nalishida maxsus sirtqi bo'limlarni tashkil etish to'g'risida"gi PQ-3183-sonli qarori qabul qilindi [1].

Mazkur qarorning ijrosi sifatida pedagogika oliy o'quv yurtlarida oliy ma'lumotli kadrlarni tayyorlash maqsadida ko'plab ta'lim yo'nalishlarida sirtqi (maxsus sirtqi) bo'limga talabalar qabul qilindi. Shu jumladan pedagogika oliy o'quv yurtlarida ko'plab ta'lim yo'nalishlari qatori 5110800 – Tasviriy san'at va muhandislik grafikasi ta'lim yo'nalishi bo'yicha sirtqi (maxsus sirtqi) bo'limga talabalar o'qishga qabul qilindi.

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti maxsus sirtqi bo'lim ta'lim yo'nalishlari bo'yicha malaka talablari, o'quv rejalari va dasturlari hamda o'quv va o'quv-metodik adabiyotlarni yaratish bo'yicha tayanch oliy ta'lim muassasasi etib belgilandi va uning huzurida pedagogika yo'nalishlari bo'yicha maxsus sirtqi bo'limlar tashkil etilgan oliy ta'lim muassasalarining o'quv-metodik faoliyatini Muvofiqlashtiruvchi Kengash tashkil qilindi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Oliy ta'lim muassasalarida pedagogika yo'nalishida maxsus sirtqi bo'limlarni tashkil etish to'g'risida"gi Qarorining qabul qilinishi umumta'lim maktablari, maktabgacha va maktabdan tashqari ta'lim muassasalarining yuqori malakali pedagog kadrlarga bo'lgan ehtiyojini ta'minlash bilan bir qatorda pedagogik faoliyat olib borayotgan o'rta maxsus ma'lumotli yoshlarning oliy ma'lumot olish imkoniyatlarini kengaytirmoqda. Bu, o'z navbatida, pedagoglik kasbining jamiyatdagi o'rni va nufuzini oshirish, jumladan yoshlarni tizimli asosda o'qituvchilik kasbiga yo'naltirishga xizmat qilmoqda [1].

Sirtqi (sirtqi) ta'lim turida tahsil olayotgan talabalarning o'ziga xos tomoni ular fan bo'yicha materiallarni asosan masofadan turib mustaqil ravishda o'zlashtiradi. Ularning fanni qay darajada o'zlashtirganini bilish, baholash va bilimini mustahkamlash uchun *sessiya oralig'i vazifalari* deb nomlanuvchi topshiriqlar to'plami turi qabul qilingan. Bunda talaba semestrlar (sessiya) oralig'ida har bir fan yuzasidan o'zlashtirgan bilimlarining darajasini ko'rsatib beruvchi vazifalar bajaradi va ularni ma'ruzachi professor-o'qituvchiga topshiradi. Har bir fandan talabaga individual tarzda vazifa variantlari, adabiyotlar manbai va metodik ko'rsatmalar avvaldan beriladi.

Dastlab, oliy ta'limdagi semestr va sessiya tushunchasi nima ekanligini tahlil qilib olaylik. Bizga ma'lumki, OTMlarida har bir o'quv yili ikkita semestrga ajratilgan. Talabalar har bir semestr davomida o'qib-o'zlashtirgan fanlaridan yakuniy nazorat topshiradi va baholanadi. Mana shu jarayon sessiya deb yuritiladi. MSBda esa aynan "*sessiya oralig'i vazifalari*" jumlasidan foydalaniladi. Ya'ni ikki semestr oralig'idagi muddat davomida har bir fandan berilgan topshiriqlarning yechimlarini aniqlaydi va mas'ul professor-o'qituvchiga semestrdagi o'qishlar boshlanguncha elektron tarzda yuboradi (yoki belgilangan tartibda topshiradi).

Sirtqi (maxsus sirtqi) bo'limning o'quvi jarayonida talabaning sessiya oraliq vazifalari mazmuni, uni bajarish tartiblari to'g'risida har bir fan bo'yicha tayyorlangan fan ishchi dasturida ma'lumot beriladi. Sessiya oralig'i vazifalari mazmuni fanning ishchi dasturida aks etgan barcha mavzularga oid materiallarni o'z ichiga qamrab olishi lozim. Talabaga professor-o'qituvchi tomonidan maslahat, metodik tavsiyalar, foydalaniladigan adabiyotlar ro'yxati va boshqa metodik yordamlar berilishi kerak. Shunday didaktik ta'minot asosida har bir talaba mustaqil ravishda sessiya oralig'i vazifalarini bajaradi.

Sessiya oraliq vazifalari mazmunidan quyidagi mustaqil ish turlari o'rin oladi: *ma'lum mavzu bo'yicha referat tayyorlash; hisob-kitob va grafik ishlarini bajarish; maket, model va badiiy asarlar ustida ishlash; amaliyotdagi mavjud muammoning yechimini topish, munozarali savollar va topshiriqlar tayyorlash; ilmiy maqola, tezislar va ma'ruza tayyorlash; amaliy mazmundagi nostandart masalalarni yechish va ijodiy ishlash; test-sinov savollariga javob berish; mashqlar, misol va masalalar yechish; tajriba natijalarini tahlil qilish; metodik ishlanmalar, tavsiyanomalar tayyorlash; grafik ishlar chizish; uy vazifalarini bajarish va boshqalar* [1].

Sessiya oraliq vazifalarni bajarganidan so'ng talaba uni tegishli kafedrada qayddan o'tkazadi va u mutaxassislar tomonidan tekshirilib tegishli tartibda baholanadi. Talabalar bilimini tekshirish va baholashdan maqsad DTSda belgilangan talablarni bajarish, ular bilimining sifatini, rivojlantirish darajasini ta'minlash, ularni rag'batlantirish, bilim olishga qiziqishi va mas'uliyatini oshirishdan iborat.

Hozirgi kunda maxsus sirtqi bo'limda tahsil olayotgan talabalarga barcha fanlardan elektron platformalar tayyorlandi va uzluksiz takomillashtirib borilmoqda. Mazkur elektron platformadan fan dasturlari, har bir ma'ruzaning videotasviri, taqdimoti, sessiya oralig'i topshiriqlarining mazmuni, uni bajarishga oid metodik tavsiyanomalar, har bir talaba uchun individual variantlar banki o'rin olgan. Ammo bu materiallarni to'laqonli darajada sifatli deyishga va elektron platformadan talaba va professor-o'qituvchi talab darajasida foydalmoqda deb xulosa qilishga hali erta.

Nizomiy nomidagi TDPUning sirtqi (maxsus sirtqi) bo'limida tahsil olayotgan talaba elektron platformadan foydalanish uchun dastlab, www.tdpu.uz saytidan ilova

qilingan talaba.tdpu.uz manzili orqali shaxsiy kabinetiga login va paroli yordamida kiradi. Keyin fanning elektron platformasidan foydalanadi va sessiya oralig‘i vazifalarining variantlarini yuklab oladi. Talaba vazifani bajarib bo‘lgach uni platformadagi maxsus – “*bajarilgan vazifani yuklash*” bandiga joylashtiradi. So‘ngra fan o‘qituvchisi www.tdpu.uz saytidagi shaxsiy rejasiga kiradi va talabaning bajargan ishlarini tekshiradi hamda uni baholaydi. Talaba yo‘l qo‘ygan kamchilik va xatoliklarni yoki yutuqlarni unga yetkazish uchun o‘qituvchi va talaba o‘rtasida qaytadan virtual (masofaviy) aloqa o‘rnatiladi. Natijada o‘qituvchining talabaga qo‘ygan bahosi va ko‘rsatgan kamchiliklarini talaba www.tdpu.uz saytida aks etadi.

Bizning tadqiqotimizda chizma geometriya fani bo‘yicha sessiya oralig‘i vazifalari mazmunini kompleks yondashuv asosida takomillashtirish masalalari ko‘rib chiqilgan. *Kompleks - lotincha so‘zdan olingan bo‘lib, aloqa, bog‘lanish, qo‘shib qamrab olish ma’nosini beradi. Ya’ni bir butunni tashkil qiluvchi narsalar, hodisalar, belgi-xususiyatlar majmui, yig‘indisidir* [1]. Yoki chizmachilik faniga oid o‘quv adabiyotlarida kompleks termini quyidagicha talqin qilinadi: *kompleks – ikki va undan ortiq ixtisoslashtirilgan buyumlar tayyorlovchi korxonada yig‘ish vositasi bilan birlashtirilmagan, ammo o‘zaro bir-biriga bog‘liq ekspluatatsion vazifalarni bajarish ko‘zda tutilgan buyumdir* [2]. Yuqorida *kompleks* terminining mazmunini badiiy va texnika tili nuqtayi nazaridan ko‘rganimizda ham yaxlit bir butunning tarkibidagi qismlar majmui ekanligini ko‘rdik. Endi buni pedagogika, aniqrog‘i didaktikaga moslashtirsak, talabaning fanni sifatli o‘zlashtirishi uchun amalga oshiriladigan o‘qitish, bilimni mustahkamlash, tekshirish va baholash kabi pedagogik jarayonlar bir butunning qismlari deb qarashimiz mumkin.

Chizma geometriya fani 5110800 – Tasviriy san’at va muhandislik grafikasi bakalavriat ta’lim yo‘nalishining MSB o‘quv rejasida mutaxassislik fani sifatida o‘rin olgan. Kunduzgi bo‘limda mazkur fanga jami 246 soat (shundan, 56 soat ma’ruza, 86 soat amaliy mashg‘ulot va 104 soat mustaqil ta’lim) ajratilgan. Shu ta’lim yo‘nalishining MSBda 246 soat (shundan, 20 soat ma’ruza, 20 soat amaliy mashg‘ulot va 206 soat mustaqil ta’lim) ajratilgan. Sirtqi bo‘limda esa 254 soat (shundan, 24 soat ma’ruza, 48 soat amaliy mashg‘ulot va 182 soat mustaqil ta’lim) ajratilgan [2]. Ko‘rinib turibdiki, kunduzgi bo‘limda auditoriya va mustaqil ta’limdagi soatlar nisbati 68%:32%, sirtqi (maxsus sirtqi)da esa 16%:84% nisbatda. Demak, sirtqi (maxsus sirtqi) bo‘limda tahsil olayotgan talaba har bir fan bo‘yicha o‘zi mustaqil tarzda o‘quv adabiyotlari ustida ishlashi, o‘zlashtirishi va berilgan vazifalarni bajarishi kerak bo‘ladi.

Chizma geometriya fanida uch o‘lchamli fazoda joylashgan buyumlarning ikki o‘lchamli tekislik yoki sirt ustida tasvirlash usullari tadqiq qilinadi. Shuningdek, unda geometrik shakl va sirtlarning chizmalarini tuzish va uni o‘qishning nazariy qoidalari o‘rganiladi. Ta’lim yo‘nalishining DTSda bo‘lajak chizmachilik o‘qituvchisi bu fandan o‘zlashtirishi shart bo‘lgan talablarda mustaqil tarzda geometrik shakllar va sirtlarning ortogonal, aksonometrik va markaziy proyeksiyalarini qura olishi, geometrik shakllar va sirtlar orasidagi pozitsion, metrik munosabatlarni tekshira olishi va gravik savodxonlikni egallashi belgilab qo‘yilgan.

Grafik savodxonlikka ega bo‘lgan inson har qanday chizmani bajara oladi va uni o‘qiy biladi. Shu sababli chizma geometriya va chizmachilik fanlarining o‘ziga xos xususiyatidan kelib chiqib sessiya oralig‘i vazifalari mazmuni grafik ish bajarishdan, ya’ni chizma chizib topshirishdan iborat bo‘ladi. Chizma geometriya fani 1 va 2-semstrlarda o‘qitiladi va 2 semestr davomida talaba 11 ta grafik topshiriqni bajaradi. Talabaning egallagan bilimi uning mustaqil bajargan grafik ishlarini tekshirish va baholash orqali aniqlanadi.

Shu o‘rinda talaba bilimini tekshirish va baholashdan ko‘zlangan maqsadni to‘g‘ri belgilash va uni yo‘lga qo‘yish lozim. Bilimni tekshirish va uni baholashning o‘z yutuqlari bilan quyidagi kamchiliklari ham mavjud: *uning vazifalari (funksiyalari)ni noto‘g‘ri tushunish; ta’lim jarayonida uning rolini asossiz ko‘tarib yuborish; tekshirish va baholashning darsda asosiy maqsadga aylanib qolishi; bilimlarni tekshirish va baholashda bir xil texnologiyadan foydalanish; baholarni qo‘yishda subyektivizmga yo‘l qo‘yish va aniq, asoslangan mezonlarning yo‘qligi; o‘quvchilar bilimini tekshirish va baholashda bu jarayonni nazorat qiluvchi, ta’lim-tarbiya beruvchi muhim funksiyani bajarishni unutmaslik kerak* [3].

Yuqorida qayd etilgan “*bilimlarni tekshirish va baholashda bir xil texnologiyadan foydalanish*”, “*baholarni qo‘yishda subyektivizmga yo‘l qo‘yish va aniq, asoslangan mezonlarning yo‘qligi*” kamchiliklar ko‘zga tashlanmoqda. Ya’ni, sirtqi (maxsus sirtqi) bo‘limning o‘quv jarayoni xususiyatidan kelib chiqib, sessiya oralig‘i vazifalarida faqat bitta tekshirish va baholash turidan: *talabaga faqat grafik vazifa chizdirish* bilan cheklanib qolish holati mavjud. To‘g‘ri, fanning o‘ziga xos xususiyatiga ko‘ra texnik va grafik savodxonlik asosiy ko‘rsatkich hisoblanadi. Ammo sirtqi (maxsus sirtqi)da auditoriya dars soatlarining va professor-o‘qituvchining talaba bilan jonli tarzda kam muloqat qilishi kamligi hamda o‘zlashtirish asosan mustaqil tarzda amalga oshirilishini hisobga olsak bilimni tekshirish va baholashning boshqa usullaridan ham samarali foydalanish maqsadga muvofiq bo‘lar edi deb hisoblaymiz.

Bugungi kunda talaba bilimini tekshirish va baholashning joriy, oraliq va yakuniy turlari mavjud. Joriy tekshirishning hammaga ma’lum turlari quyidagilardir: og‘zaki so‘rashning har xil shakllari, yozma uy vazifalarini tekshirish, yozma nazorat (mustaqil) topshiriqlari. Biroq, bunday an’anaviy shakllar bilan bir qatorda, turli perfokartalar yordamida tekshirish, kompyuter yordamida topshiriq bajarishini tekshirish ham qo‘llanilyapti [3]. DTSda belgilangan minimum talabni to‘laqonli bajarish uchun bilimni tekshirish va baholashning boshqa turlaridan o‘rinli foydalanish o‘zining ijobiy samarasini beradi.

Chizma geometriya fanidan talaba bilimini og‘zaki savol-javob o‘tkazish, savollarga yozma ravishda javob olish, qisman yoki to‘liq ijodiy izlanish talab qiladigan masalalar yechish, keyslar tuzish va ishlash, grafik vazifalar chizish, test savollariga javob berish orqali tekshirish va baholash ijobiy samara beradi deb hisoblaymiz. Ko‘plab o‘quv adabiyotlarini o‘rganish, ularni tahlil qilish va zamon talabidan kelib chiqqan holda “Chizma geometriya” fani bo‘yicha sirtqi (maxsus sirtqi) bo‘lim talabalarining sessiya oralig‘i vazifalari mazmunini kompleks yondashuv asosida takomillashtirishni quyidagi tartibda tuzishni ma’qul bo‘ladi deb topdik va uni amaliyotda tajriba-sinovdan o‘tkazmoqdamiz.

Bundan tashqari metodik tavsiyalarimizni umumlashtirgan holda sirtqi (maxsus sirtqi) bo‘limda chizma geometriya fanidan sessiya oralig‘i vazifalarining didaktik ta’minotining ma’lum ma’noda tarkibiy tuzilmasi – modelini shakllantirdik. Ushbu modeldan boshqa fanlarni o‘qitishda ham samarali foydalanish mumkin deb hisoblaymiz.

**Adabiyotlar**


1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017- yil 9- avgustdagi “Oliy ta’lim muassasalarida pedagogika yo‘nalishida maxsus sirtqi bo‘limlarni tashkil etish to‘g‘risida”gi PQ-3183-sonli qarori.
2. Valiyev A., Ashirboyev A., Tashimov N. Chizma geometriya fanidan talabalarining mustaqil ishini tashkil etish, nazorat qilish va baholash me’zonlari. TDPU, 2018.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2 жилд, 2006. 396-б.

4. Rahmonov I., Qirg'izboyeva N., Ashirboyev A., Valiyev A., Nigmanov B. Chizmachilik. –T.: "Voris-nashriyot", 2016. 303-b.
5. Mavlonova R., To'rayeva O., K.Xoliqberdiyev. Pedagogika. –T.: "O'qituvchi", 2010. 159-160-b.
6. Valiyev A.N., Rahmatova I.I. O'quvchilarda ijodiy fikrlashni rivojlantirishda loyihalash masalalarining o'rni. –T.: //"Xalq ta'limi" 2018, № 6. 38-b.
7. Valiyev A.N., Amirqulov X.Q., Valiyeva B.N. Maxsus sirtqi bo'lim talabalarini o'qitishda darajali testlardan foydalanish. –T.: «Fizika va zamonaviy astronomiya: innovatsion o'qitshning yangi modellarini yaratish» mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari. 2019. 245-247-b.
8. 5110800 – Tasviriy san'at va muhandislik grafikasi ta'lim yo'nalishining kunduzgi va maxsus sirtqi bo'limlar uchun 2018- yilda tasdiqlangan ishchi o'quv rejasi va fan ishchi dasturlari.
9. http://lex.uz/docs/3299721

**REZYUME**

Ushbu maqolada sirtqi (maxsus sirtqi) bo'lim talabalarining chizma geometriya fanidan sessiya oraliq vazifalari mazmunini takomillashtirishga oid masalalar yoritilgan. Buning natijasida talabalarning bilimini tekshirish, baholash va uni mustahkamlash imkoniyatlarining o'sishi ko'rsatib otilgan.

**РЕЗЮМЕ**

Данная статья посвящена вопросам по усовершенствованию содержания сессионных заданий промежуточного вопросов по начертательной геометрии для студентов заочного (специальной заочной) отделения. Как результат этого – повышение качества контроля и закрепления знаний студентов.

**SUMMARY**

This article is devoted to improving the content of the session tasks of the intermediate course on descriptive geometry for students of the correspondence course (special correspondence course) Department. As a result, the quality of control and consolidation of students ' knowledge is improved.

## BASLAWÍSH BILIMLENDIRIWDE ZAMANAGÓY PEDAGOGIKALÍO TEXNOLOGIYALARDÍ HÁM INNOVACIYALARDÍ QOLLANÍW MÁSELESI

**G.Zarımbetova** – *assistent oqıtıwshı*
*Ájiniyaz atındağı Nókis mámleketlik pedagogikalıq institutı*

**Tayanch so'zlar:** innovatsiya, pedagogik texnologiya, kognetivlik, evristika, kreativlik, pedagogik aksiologiya, pedagogik neologiya.
**Ключевы слова:** инновации, педагогические технологии, познание, эвристика, творчество, педагогическая аксиология, педагогическая неология.
**Key words:** innovations, pedagogical technologies, cognition, heuristics, creativity, pedagogical axiology, pedagogical neology.

Mektepte baslawısh klaslarda zamanagóy pedagogikalıq texnologiyalardı, innovaciyalardı qollanıw máselesi hár qashanǵıdan da áhmiyetli tús alıp barmaqta. Birinshi Prezidentimizdiń júdá orınlı uqtırıp ótkenindey, «zamanagóy baslawısh bilimlendiriwdiń ózi neden ibarat bolıwı kerek. Bala 1-4 klasslarda qanday bilimge iye bolıwı lazım. Olardıń tárbiyası qanday bolıwı kerek. Usı máselege juwap tabıwımız zárúr» [1:13].

Mine usıǵan muwapıq, búgingi kúnde pedagogika tarawında dáwir talabı tiykarında oqıw processlerine innovaciyalardı endiriw islerinde pedagoglar bellesiwi tiyis.

Házirgi kúnde dúnya júzi pedagogikasında hár túrli pedagogikalıq texnologiyalar qollanılıp atır. Máselen: kognitivlik, evristikalıq, dóretiwshilik (kreativlik) pedagogikalıq texnologiyalardı atap ótsek boladı.

Kognativlik pedagogikalıq texnologiya-oqıwshını adamzat jámiyeti tárepinen toplaǵan bilim, tájiriybeler menen qurallandırıw hám olardı óziniń keleshektegi xızmetinde qollanıwǵa úyretiwdi maqset etip qoyadı.

Evristikalıq pedagogikalıq texnologiya-lekciya, seminar, laboratoriyalıq hám ámeliy jumıslardı mashqalalı jaǵdayda tereń izertlew jáne izlep tabıw arqalı oqıtıwǵa baǵdarlanǵan boladı [2:16].

Kreativlik texnologiya-dóretiwshilik, oylaw hám uqıplılıqtı rawajlandırıw hám onı qáliplestiriwge qaratıladı. Oqıtıw procesinde pánlerdi oqıtıwda zamanagóy oqıtıw metodı bolǵan interaktiv hám innovaciyalıq texnologiyalardıń ornı ullı. Dúnya júzi pedagogikalıq leksikası qatarınan «innovaciya» túsinigi álle qashan-aq orın alǵan. Bul túsinik «jańa», «reforma» túsiniklerin ańlatadı. Innovaciya sózi-bilim beriw barısında jańalıq kirgiziw (novoobrazovanie), jańalanıw degen mánisti de bildiredi. Keń mánide qaraǵanımızda, tálim sistemasındaǵı hár qanday ózgerisler bul pedagogikalıq innovaciya bolıp esaplanadı. Dáslep bul túsinikler social- ekonomikalıq hám texnologiyalıq processlerge baylanıslı qollanılatuǵın edi, keyin ala tálim sistemasındaǵı hár qanday jańalıqlarǵa baylanıslı qollanılatuǵın boldı. Pedagogikalıq jańalıqlardıń texnologiyası dep atalıwınıń sebebi de usında [3:21].

Innovaciya túsinigi islep shıǵarıw hám de mádeniyat tarawlarınan kirip kelgen túsinik. 30-jıllarda AQShta «firma innovaciyalıq siyasatı», «innovaciyalıq process» atamaları payda bolıp, 60-70-jıllarda firmalar menen basqa da kárxanalarda ámelge asırılatuǵın jańalıqlardı empirikalıq tekseriw isleri ámelge asırılıp, usı dáwirlerden baslap innovaciya túsinigi ámeliyatqa kirip kelip, soń ol pedagogika páninide de qollanıla basladı. Mánisine qaray innovaciyalar múnásiybet yamasa processke jańalıq kiritiwdiń dinamikalıq sisteması bolıp esaplanadı. Ózliginen bul sistema sıpatında jańalıq kiritiw múnásibet yamasa processtiń, birinshiden, logikalıq jaqtan ishi, ekinshiden kirgizilip atırǵan jańalıqtıń qanday da bir waqıt aralıǵında izbe-iz rawajlanıwı hám de dógerek átirapqa kórsetetuǵın óz ara tásirin bildiredi.

«Ózbekstan milliy enciklopediyası»nda kórsetiliwi boyınsha tómendegi mánis hám mazmunǵa iye: «İnnovaciya (angl «innovationas»-kirgizilgen jańalıq, oylap tabılǵan). 1) texnika hám texnologiya áwladların almastırıwdı támiyinlew ushın jumsalǵan qárejetler; 2) ilim-texnika jetiskenliklerin hám joqarı tájiriybelerge tiykarlanǵan texnika, texnologiya, basqarıw hám miynetti shólkemlestiriw sıyaqlı tarawlardaǵı jańalıqlar, sonday-aq olardıń hár túrli tarawları hám jumıs sheńberinde qollanılıwı [3:169].

R.N.Yusufbekova innovaciyalardı pedagogikalıq kózqarastan úyrenip shıǵıwǵa itibar qaratadı. Tiykarınan, pedagogikalıq innovaciyalar avtor tárepinen tálim-tárbiya procesinde aldın belgili bolmaǵan, hesh jerde jazılmaǵan jaǵday yamasa nátiyjege alıp barıwshı pedagogikalıq hádiyseniń ózgerip turıwı múmkin bolǵan mazmunı ekenligin atap ótedi. Rossiya alımları A.İ.Prigojin, B.V.Sazonov, V.S.Tolstoy, N.P.Stepanov hám t.b bolsa innovaciyalıq proces hám de onıń quramlı bólimlerin úyreniwge bar itibarın qaratqan. Usı orında olar innovaciyalıq procestiń shólkemlestiriliwine qaray tómendegi eki jantasıw bar ekenligin atap ótedi:

1. jańalıqtıń individual mikro dárejesin (bunda qanday da bir ideyanı ámelde qollanıw).
2. bólek kiritilgen jańalıqlardıń óz ara tásirin bildiriwshi mikro dáreje (bunda bólek kirgizilgen jańalıqlardıń óz-ara

tásirleniw birligi, onıń básekesi hám biriniń ornın ekinshisi tárepinen iyeleniwi áhmiyetli bolıp sanaladı).

A.İ.Prigojin, B.V.Sazonov, V.S.Tolstoylar óz izlenislerinde jańalıq kirgiziwdiń sistemalı koncepciyasın tiykarlawǵa urınǵan. Bunda avtorlar innovatsiyalıq proceslerdiń tómendegi eki zárúr basqıshın bir-birinen ajıratıp kórsetedi.

1. Jańalıq sıpatında payda bolatuǵın ideyalardı islep shıǵıw kárxana, shólkem tárepinen anıq bir túrdegi ónimdi islep shıǵıwdıń rejelestiriliwi.

2. Jańalıq (belgili bir ónimdi) keń kólemde islep shıǵıw.

Joqarı oqıw orınlarında innovaciyalıq proceslerdi shólkemlestiriwde ózine say jantasıwlardı kóremiz. Olar:

1. Gnostikalıq-dinamikalıq qantas (bunda pedagoglar, pedagogikalıq innovaciyalar, olardıń túrleri, jaratılıwı, ámelde en jaydırılıwı, shet ellerde jaratılǵan aldıńǵı pedagogikalıq (ilimiy) innovaciyalar hám olardı úyreniw, jergilikli shárt-shárayatlardı esapqa alǵan halda ámelde olardan paydalanıwǵa tiyisli, bilim, kónlikpe, tájriybelerdi izbe-iz ózlestiriw, óz xızmetlerinde pedagogikalıq innovaciyalardı belsene qollanıw barısındaǵı tájiriybelerdi ózlestiriw).

2. Xızmetke individual qantas (bunda pedagoglar ózleriniń individual imkaniyatları, qábiletleri, tájiriybelerine súyengen halda ámeliy xızmette pedagogikalıq innovaciyalardı qollanıwda anıq izbe-izlikke erisedi).

3. Kóp subyektli (dialoglı) jantasıw (bul qantas pedagogikalıq processte innovaciyalardı kásiplesleriniń óz ara, tiykarınan, kóp jıllıq is tájiriybesi, kásiplik sheberligi hám tájiriybesine iye pedagoglardıń xızmetleri menen tanısıw, olardıń bilimlendiriw innovaciyaların nátiyjeli, maqsetli hám úzliksiz qollanıwǵa baylanıslı usınıs hám de kórsetpelerden paydalanıwın bildiredi).

4. İnsanıylıq jaqtan qantas (bull qantas pedagogikalıq processte innovaciyalardı qollanıwǵa bilim alıwshılardıń imkaniyatları, qálewleri, qızıǵıwshılıqları, bilim, kónlikpe hám tájiriybeleri dárejesin esapqa alıw maqsetke muwapıqlıǵın jarıtıwǵa xızmet etedi).

5. İndividual-dóretiwsheńlik qantas (bunda hár bir pedagog xızmetinde úyrenilip atırǵan tema, oqıw materialınıń mazmunı, sonday-aq, ózleriniń imkaniyatları, qábileti, sheberligi, is tájiriybesinen kelip shıqqan halda tálim-tárbiya proceslerin dóretiwsheńlik islenbeler tiykarında shólkemlestiredi).

İnnovaciyalıq xızmet-jańa sociallıq talaplardıń dásturiy normalarǵa say kelmewi yamasa jańadan jetilisip atırǵan ideyalardıń belgili ideyalardı inkar etiwi nátiyjesinde júzege keletuǵın keń kólemli mashqalalardı sheshiwge qaratılǵan xızmet.

Mánisine qaray innovaciyalıq xızmet ilimiy izlenisler, qollanbalar jaratıw, tájiriybe-sınaw jumısların alıp barıw, ilim-texnika jetiskenliklerinen únemli paydalanıw tiykarında jańadan jetilistirilgen ónimlerdi jaratıwdan ibarat.

Pedagogtıń innovaciyalıq xızmeti tómendegiler menen belgilenedi.

jańalıqta qollanıwǵa tayarlıq dárejesi.

-pedagogikalıq jańalıqlardı qabıl etiwi.

-novatorlıq dárejesi.

-kommunikativlik qábiletiniń rawajlanǵanlıǵı.

-dóretiwsheńligi.

İnnovaciyalıq xızmet pedagogtıń ruwxıy, aqılıy, fizikalıq kúshin belgili bir maqsetke baǵdarlawı tiykarında BKM nı iyelewi, ámeliy xızmetti teoriyalıq bilimler menen toltırıp barıwı, biliw, jobalastırıw, kommunnikativ sóylew hám shólkemlestiriwshilik qábiletin rawajlandırıwın talap etedi.

Ádette, pedagogikalıq innovaciyalardıń ámeliyatqa en jaydırıwı eki túrde keshedi.

1. Pedagogikalıq innovaciyalardıń ámeliyatta en jayılıwı stixiyalı bolıp keshedi, yaǵnıy, innovaciyalıq process pedagogikalıq jańalıqlarǵa bolǵan talapları esapqa alınbaydı, olardı ámeliyatqa en jaydırıwda belgili shárt-shárayatlar, usıl hám jollarǵa aqılıy jaqtan múnásibet bildirilmeydi.

2. Pedagogikalıq innovaciyalardıń ámeliyatqa en jaydırılıwı stixiyalı keshedi, yaǵnıy pedagogikalıq jańalıqlar innovaciyalıq proceste aqlıy maqsetke muwapıq, ilimiy jaqtan tastıyıqlanǵan xızmet jemisi sıpatında ámeliyatqa en jaydırıladı

Demek, ilim-pán, texnika, islep shıǵarıw hám texnologiyanıń rawajlanıwı, oqıw sistemasında da túpten ózgerislerdiń payda bolıwına alıp keledi. Oqıw sistemasınıń modernizaciyası mámleket hám jámiyet tájiriybeli kadrlarǵa, shaxstıń bolsa sapalı bilim alıwına bolǵan talaplarınan kelip shıqqan halda júz beredi.

Házirgi dáwirge kelip pedagogikalıq innovatıka páni qáliplesti. Pedagogikalıq innovatıka - pedagogikalıq jańalıqlar, olardı bahalaw hám pedagogikalıq jámáát tárepinen ózlestiriw, onı ámelde qollanıw haqqındaǵı táliymat sıpatında qaraladı.

Yaǵnıy, pedagogikalıq innovatıka - bul mekteplerdi rawajlandırıw processleri, jańa texnologiyalar hám tálim ámeliyatındaǵı jańalıqlardı úyreniw haqqındaǵı pedagogika pániniń ayrıqsha tarawı sanaladı.

Bul táliymat úsh baǵdardı óz ishine aladı.

Birinshisi, pedagogikalıq neologiya (grekshe «neo»- «jańa» hám «logos»- «tálim», yaǵnıy jańalıq haqqındaǵı táliymat) dep atalıp, bunda pedagogika tarawındaǵı hár qanday jańalıqlar úyreniledi hám de ulıwmalastırıladı.

Ekinshisi, pedagogikalıq aksiologiya (grek tilinen alınǵan bolıp, «aksioma»- dáliyillenbeytuǵın táliymat» mánisin ańlatadı) dep atalıp, bunda pedagogikalıq jańalıqlar ishinen eń nátiyjelileri tańlap alınadı.

Úshinshisi, pedagogikalıq praksiologiya (grekshe «praks»-»háreket» hám «logos»- «tálim», yaǵnıy «ámeliyatta qollaw haqqındaǵı táliymat» mánisin ańlatadı) dep atalıp, bunda tańlap alınǵan pedagogikalıq jańalıqlardı ámeliyatta qollanıw, birden bir nátiyjege erisiw máseleleri túsiniledi.

Innovaciyalıq pedagogika procesi tiykarınan, shaxstıń ózin-ózi basqarıwı hám ózin-ózi qadaǵalawı menen xarakterlenedi. Oqıwshılardıń biliw iskerligin rawajlandırıw onıń áhmiyetli baǵdarlarınan biri sanaladı.

Yaǵnıy, pedagogikalıq innovaciya - oqıwshılardı oqıtıw, tárbiyalaw hám rawajlandırıwǵa qaratılǵan jańalıqlar sanaladı.

Innovaciyalıq pedagogika - bul bilimler sisteması bolıp, tómendegilerge jańalıqlar kiritiwdi názerde tutadı:

- tálimniń maqseti,
- tálimniń mazmunı,
- tálim metodları hám texnologiyaları,
- tálimdi shólkemlestiriw formaları, (4.96)
- tálim sistemasın basqarıw,
- pedagogikalıq xızmetti alıp barıw stili hám oqıw-biliw processlerin shólkemlestiriw,
- bilimlilik dárejelerin bahalaw hám baqlaw sisteması,
- tálimdi finanslaw sisteması,
- oqıw-metodikalıq jaqtan támiyinlew,
- tárbiya isler sisteması,
- tálim beriwshi ham tálim alıwshılardıń iskerligi.

Mektep, licey, kolledj, institut hám universitet sıyaqlı oqıw orınların rawajlandırıwdıń perspektiv jolların tabıw innovaciyalardıń kórsetkishleri bolıp tabıladı. Sonıń menen bir qatarda, bir mektep ushın jańalıq sanalǵan innovaciyalar basqa mektep ushın jańalıq bolmawı múmkin.

Pedagogikalıq ideya, koncepciyalar hám de texnologiyalar arasında da jańalıqlar bolıwı múmkin. Olardıń jańa dáwir hám waqıt boyınsha xarakterlenedi.

Ulıwma aytqanda, jańalıq - bul jańa metodika, jańa texnologiya, jańa qurallar bolsa, innovaciya bolsa -belgili bir basqıshlar boyınsha rawajlanatuǵın process bolıp

tabıladı.

Juwmaqlap aytqanda, pedagogika tarawında ilimiy-izertlew jumısların alıp barıwshı ilimpazlar, usı tarawda xızmet etip kiyatırǵan pedagoglar tárepinen sabaq hám tárbiya processlerine endirilip atırǵan jańalıqlar oqıwshılardı dóretiwshilik oylawǵa baǵdarlawdı maqset etip qoyadı hám bunday usılda ótilgen hár bir sabaq ámelde óziniń jemisli nátiyjelerin beredi.

## Ádebiyatlar


1. Barkamol avlod orzusi. -T.: «Sharq», 1999, 13-b.
2. Boshlanģich tálim koncepciyasi. (Q. Abdullaeva, R. Safarova va boshqalar) //Boshlanģich tálim. -T.: 1998. № 6, 16-b.
3. Ўзбекистон миллий энциклопеияси. Зебунисо-Конигил / 4-том. Бош таҳрир ҳайъати аъзолари: М.Аминов ва б. -Т.: “Ўзбекистан миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2002. 169-б.
4. Xujaev F. Tálimda pedmahoratning uziga xos xususiyatlari. -T.: «Yangi asr avlodi», 2011, 58-b.
5. Angelovskiy K. Óqituvchilar va innovaciya. -M.: «Prosveshenie», 1991. –S. 96.
6. Karimov İ.A. Yuksak mánaviyat – engilmas kuch. -T.: «Manaviyat», 2008, 63-b.



**REZYUME**

Maqolada Uzluksiz talim jarayonida boshlanģich sinflarda zamonaviy pedagogik texologiyalardan foydalanish va kognetivlik, evristik, kreativlik texnologiyalar tushunchalariga ega bo’lish.

**РЕЗЮМЕ**

Статья посвящена использованию современных педагогических технологий в процессе непрерывного образования в начальной школе и концепции когнитивных, эвристических, творческих технологий.

**SYMMARY**

The article is devoted to the use of modern pedagogical technologies in the process of lifelong education in primary school and the concept of cognitive, heuristic, creative technologies.


# ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ИЛМИЙ ЛОЙИҲАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ


**О.Ў.Соибжонов** – *стажёр-тадқиқотчи*

*Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети*



**Таянч сўзлар:** жисмоний тарбия, спорт, инсон, капитал, лойиҳалаштириш, кўникма, малака, инновация, саломатлик, жараён, тараққиёт.

**Ключевые слова:** физическое воспитание, спорт, человек, капитал, проектирование, навыки, квалификация, инновация, здоровье, процесс, развитие.

**Key words:** physical education, sport, person, capital, project, skills, qualification, innovation, health, process, development.


Мамлакатимиз ва жаҳонда ислоҳотларнинг мазмуни инсон омилини ривожлантиришга қаратилмоқда. Чунки инсон барча бойликларни ривожлантирувчи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам инсон ва у фаолият юритаётган соҳалар, айниқса, унинг саломатлигини таъминлашга қаратилган ишларни ривожлантириш ҳар қачонгидан ҳам долзарблашиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрсида”ги ПФ-5544-сонли фармонида мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш – Стратегиянинг бош мақсадидир деб алоҳида таъкидланди [1].

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасида жисмоний тарбия ва спортга қуйидаги таъриф берилган: жисмоний тарбия — маданиятнинг инсонни жисмоний тарбиялаш, жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёргарлик орқали жисмоний ҳамда интеллектуал жиҳатдан камол топтириш, унинг қобилиятини ва ҳаракат фаоллигини такомиллаштириш, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, ижтимоий мослаштириш мақсадида жамият томонидан яратиладиган ҳамда фойдаланиладиган қадриятлар, нормалар ва билимлар йиғиндисидан иборат бўлган қисми” ҳамда “спорт — одамларнинг муайян қоидалар бўйича ташкил этилган, уларнинг жисмоний ва интеллектуал қобилиятини таққослашдан иборат бўлган ҳаваскорлик асосидаги ва профессионал асосдаги фаолияти, шунингдек, ушбу фаолиятга тайёргарлик кўриш ҳамда бу фаолият жараёнида одамлар ўртасида юзага келадиган муносабатлар” дейилган [2:2-3]. Яъни, инсон камолотидаги асоий воситалардани бири эканлиги таъкидланади. Жисмоний тарбия ва спорт ҳам инсон камолотида муҳим тутар экан ундан оқилона ва самарали фойдаланиш йўлларини ривожлантириш керак бўлади. Инсон камолотини таъминлаш орқали ривожланишга эришиш инсоният олдидаги бир-бир имконият ҳисобланади.

БМТ Тараққиёт дастури томонидан “Кейинги чегара – инсон камолоти ва антропоцен” деб номланган, 2020 йилги инсон камолоти ҳисоботининг навбатдаги нашри тақдим этилди. Ҳисоботнинг инсон камолоти индекси инсон тараққиёти йўлида 3 та асосий омил – узоқ ва соғлом ҳаёт кечириш, билим олиш ҳамда муносиб турмуш даражаси бўйича эълон қилинадиган статистик маълумотлар тўплами ҳисобланади. Ўзбекистон жорий ҳисоботда дунёнинг 189 мамлакати ичида индекс қиймати 0,720 (максимал индекс қиймати 1,000) билан 106-ўринни эгаллаб, 2019 йилдаги ҳисобот натижаларига нисбатан икки ўринга кўтарилди. “Инсон капитали – бу муаяан одамдаги билим, тажриба, кўникма ва қобилиятларининг иқтисодий самарадорлигидир. Инсон капиталидан тўғри фойдаланиш фақат бир томонлама яъни, шахсий манфаат йўлида эмас, балки жамият манфаатлари йўлида фойдаланиш зарурати кун тартибига қўйила бошланди”[3].

Дунё ҳамжамияти тараққиёт суръати тезлашган сари инсон саломатлиги масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунки табиатнинг инсон таъсири натижасида тобора ишдан чиқиб бориши инсон мавжудлигини таъминловчи вазифаларини йуқолиб боришига олиб келмоқда. Натижада инсон ўз физиологик имкониятларини ривожлантириш билан бирга ўз саломатлигига ғамхўрлик қилишга мажбур бўлмоқда.

Бундай жараён ўз навбатида инсон саломатлигини ўрганишга қаратилган фан ва соҳаларни янада ривожлантириш заруриятини юзага келтирмоқда. Хусусан, жисмоний тарбия ва спорт соҳасига инновацион технологияларни жорий қилиш, аҳолининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш даражасини ошириш ҳамда илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш негизида малакали илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш ишларини ривожлантириш соҳа тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Бу борада амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилиш, бошқа бир мамлакатнинг илмий-тадқиқот ишлари тизими

билан ўзаро таққослаш, ютуқ ва камчиликларни аниқлаш ҳамда соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилашда, истиқболли режаларни ишлаб чиқишда зарур ҳисобланади.

Умуман олганда соҳада мутахассисларни тайёрлашда назария ва амалиёт уйғунлигида ёндошиш, дастлаб муассасаларнинг муаммолари ечимини ўрганишга қаратилган лойиҳаларни ташкил қилиш ҳамда ўзаро бирдамликни шакллантиришга қаратилган қадриятларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш ўзаро муносабатларнинг кейинги ҳолатини белгилаб беради.

Глобал интернет асрида доимий пайдо бўлиб бораётган янги маълумотлар инсон томонидан уни ўзлаштиришдаги имкониятларидан кўпроқни ташкил этмоқда. Илмий тараққиёт инсон юкламасининг оғирлик марказини жисмоний соҳадан унинг психик ва ақлий томонига тобора суриб бормоқда. Бунда эса, жисмоний маданиятнинг инсон ҳаёт фаолиятини таъминлашдаги аҳамияти ҳар доимгидагидан ҳам ортмоқда. Лекин, шу ўринда шуни ҳам таъкидлаш керакки, “жисмоний тарбия” предмети остидаги таълим жараёнига бевосита тааллуқли бўлган асосий фигура – педагог фаолиятини замон талабларига мослиги таъминлаш масалалари, ҳозирги кунда ҳам долзарблигича қолмоқда. Соҳа бўйича кадрларни билим, кўникма ва малакаларини замонавий талабларга мос даражадаги ҳолатини таъминлаш, педагогларни ижодкор сифатидаги фаолиятини шакллантириш, бу борада тегишли илмий асосланган ишларни давом эттириш, мазкур масалани ечимини топишдаги асосий омиллар сифатида қаралиши юзага келаётган муаммоларнинг моҳиятини англашда ёрдам беради.




*1.расм. Инсон омилининг жараёнлар ривожида тутган ўрни.*

Бугунги глоабаллшув жараёнлари ривожланиб бораётган бир шароитда инсоннинг мазкур жараёнда ўрнини ҳамда унинг қарашларини таҳлил қилиш орқали жараёнларни табиат фойдасига ҳал қилиш йўлларини излаб топиш ва шу мақсад атрофида барчани бирлаштирш орқали “инсон – жамият ва табиат уйғунлиги”ни сақлаб қолиш масаласи долзарблашиб бормоқда. Инсоннинг жараёнларни тўғри тушуниши ва қабул қилиш ҳолати ҳам кўпгина жараёнларни ривожланишига сабаб бўлмоқда. Бу эса ҳар бир соҳада инсон капиталини ривожлантиришга қаратиш, униниг билим ва малакасини ошириш ҳисобига тараққиётга эришиш мумкин эканлигини тушунтириш масаласини зарур қилиб қўймоқда.

Шунинг учун ҳам жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам мутахассислар тайёрлаш ишларида янги ғояларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни жорий қилиш орқали самарадорлигини кўрсатиш соҳада инновацион муҳитнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидан унумли фойдаланишда инсонларнинг билим ва кўникмаларини ўрганиш, кичик, қисқа муддатли лойиҳаларни ташкил қилиш ўз самарасини беради. Айникса, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт бўйича билимларини ошириб бориш саломатлигини тиклаш билан бирга иш қобилиятининг ошишига, вақтдан унумли фойдаланиш бўйича кўникмаларининг шаклланишига олиб келади. Бу эса соҳа ривожида мазкур жараёнларни ўрганиш зарурияатини кўрсатади.

Биз ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт бўйича билимларини баҳолаш мақсадида илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилдик. Тадқиқотимизда 50 нафар ёш мутахассислар иштирок этди. “Жамиятимизда инсонларнинг жисмоний тарбия ва спорт ҳақидаги билимларини “етарли” деб ҳисоблайсизми?” деган саволимизга 37,2% -“етарли, деб ҳисоблайман” деб жавоб беришган бўлса, 62,8% - “етарли эмас” деб жавоб беришган.




*2-расм. Жамиятимизда инсонларнинг жисмоний тарбия ва спорт ҳақидаги билимларини "етарли" деб ҳисоблайсизми?*

Олий маълумотлиларнинг 87% -“Саломатликни таъминлашда жисмоний тарбия ва спорт муҳим аҳамият касб этади”, деб ҳисоблашган бўлса, 83% - “Жамиятда қамбағалликни қисқартиришда саломатликни таъминлаш зарур”, 67% - “Жамиятимизда саломатликни таъминлашда жисмоний тарбия ва спорт бирламчи омил ҳисобланади” деб ҳисоблашган.

Ўрта махсус маълумотлиларнинг 57% - “Саломатликни таъминлашда жисмоний тарбия ва спорт муҳим аҳамият касб этади”, деб ҳисоблашган бўлса, 52% - “Жамиятда қамбағалликни қисқартиришда саломатликни таъминлаш зарур”, 42% - “Жамиятимизда саломатликни таъминлашда жисмоний тарбия ва спорт бирламчи омил ҳисобланади” деб ҳисоблашган.

Ўрта маълумотлиларнинг 41% -“Саломатликни таъминлашда жисмоний тарбия ва спорт муҳим аҳамият касб этади”, деб ҳисоблашган бўлса, .34% - “Жамиятда қамбағалликни қисқартиришда саломатликни таъминлаш зарур”, 25% - “Жамиятимизда саломатликни таъминлашда жисмоний тарбия ва спорт бирламчи омил ҳисобланади” деб ҳисоблашган.




*3-расм. Ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт бўйича билимлари.*

Ўтказилган тадқиқот натижалари аҳолининг жисмоний тарбия ва спорт бўйича билимларини ошириш билан бирга жамиятда ахлоқий муносабатларни ривожлантиришда ҳамда меҳнат унумдорлигини оширишда фойдаланиш бўйича билимларини ривожлантириш кераклигини кўрсатмоқда. Хусусан, мазкур муаммоларни ўрганиш ҳамда самарали инновацион восита ва методларни

ишлаб чиқиш бўйича ишларни лойиҳалаштириш соҳани ривожлантириш учун зарур бўлган чора-тадбиларни қўллаш имкониятларини яратиб беради.

Умуман олганда юқоридаги фикрлар ҳамда ўтказилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларни бериш мумкин:

Биринчидан, жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари самарадорлигини аниқлашда уларнинг илмий-тадқиқот ишлари бўйича олиб бораётган ишлари ҳолатини ўрганиш;

Иккинчидан, мураббийларнинг илмий салоҳиятига эътибор қаратиш. Жумладан, ўз спортида охирги илмий янгиликлардан хабардорлиги, етук олимларнинг илмий изланишларини ўрганиб боришини аниқлаш асосида мураббийлар фаолиятига баҳо бериш;

Учинчидан, мураббийларнинг илмий-тадқиқот ишларида иштирок этишини аниқлаш. Хусусан, мураббийнинг ўз спорт туридаги тажрибаларда иштирок этиши ёки ишлаётган муассасасида илмий изланувчилар билан ҳамкорликда спорт турини ривожлантириш муаммолари юзасидан илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилганлигини баҳолаш;

Мазкур хулосалар доирасида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малакали кадрлар тайёрлашга йўналтирилган ислоҳотларни ташкил қилиш илм-фанга асосланган ёндашувни шаклланишига олиб келади. Бу эса жисмоний тарбия ва спорт соҳасини замонавий талабалар асосида ривожланишига хизмат қилади.

**Адабиётлар**


1. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонуни. 29-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрсида”ги ПФ-5544-сонли фармони
3. Бекмуродов М."Замонавий бошқарув социологияси" - Т.: Академ. нашр, 2019.
4. Керимов Ф.А. Спорт соҳасида илмий тадқиқотлар. - Тошкент. Зар қалам, 2004. 334-б.
5. Курамшин Ю.Ф. Теория и методика физической культуры: учебник. - М.: Советский спорт, 2004. –С. 464.
6. Лях В.И. Физическая культура. 10-11 классы: учеб. для общеоброзоват. учреждений. -М: «Просвещение», 2012. –С.237.
7. Матвеев Л.П. Теория и методика физической культуры. - Л.: “Омега”, 2004. –С. 159.
8. Salamov R.S. Jismoniy tarbiya nazariyasi va uslubiyati. //Darslik.T: ITA-PRESS, 2015.
9. Платонов В.Н. Система подготовки спортсменов в олимпийском спорте. –М.: Советский спорт, 2005. –С. 820.
10. Столов И.И. Спортивный резерв: состояние, проблемы, пути решения. /монография/-М.: Советский спорт, 2008. –С. 132.
11. Шопулатов А.Н. Бўлажак мураббийларда жисмоний тарбия ва спорт асосида маънавий қадриятларни ривожлантириш йўллари. //Фан-спортга. 2019. № 1. 67-72-б.
12. Гонашвили А.С., Васильев И.А., Шопулатов А.Н., Тевари С., Иван Е. Спортда ҳалоллик ва ахлоқийликни таъминлаш масалалари.//Фан-спортга. 2021.№ 1. 3-5-б.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада жамиятда жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши инсон саломатлигини тиклаш билан бирга ақлий салоҳиятининг ўсиб боришига хизмат қилиши асослаб берилган. Шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт соҳасини инсон капиталини ривожлантиришга йўналтириш бўйича инновацион ғоялар илгари сурилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье обосновывается, что развитие физической культуры и спорта в обществе, наряду с восстановлением здоровья человека, способствует росту умственных способностей. Также выдвинуты инновационные идеи по направлению возможностей физической культуры и спорта на развитие человеческого капитала.

**SUMMARY**

The article proves that the development of physical culture and sports in society, along with the restoration of human health, contributes to the growth of mental abilities. Innovative ideas for directing the opportunities of physical culture and sports to the development of human capital have also been absorbed.


## БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ ВА ФИЗИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ


**З.Ш.Юсупова –** *таянч докторант*

*Бухоро давлат университети*



**Таянч сўзлар:** бошланғич синф, ўқувчи, жисмоний тарбия, физиологик хусусият, ҳаракат, организм.

**Ключевые слова:** начальный класс, ученик, физическая культура, физиологические особенности, движение, организм.

**Key words:** primary class, student, physical culture, physiological characteristics, movement, organism.


Бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тарбияси жисмоний маданият тизимининг асосий бўғинларидан бири ҳисобланади. Жисмоний тарбия мактаб ўқув-тарбиявий ишининг ажралмас қисми сифатида ўқувчиларни ҳаётга, ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлашда етакчи рол ўйнаши лозим [6].

Жисмоний машқлар одам организмига чуқур ва ҳар томонлама таъсир кўрсатади. Мўлжалланган мақсадда улардан маълум ижтимоий ва биологик муҳитда фойдаланилади. Шунинг учун ҳам **к**ичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг жисмоний машқлар машғулотларининг оптимал самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги факторларни эътиборга олиш керак:

А) Машғулотда қатнашувчиларнинг индивидуал ҳолатлари: ёши, жинси, саломатлик, жисмоний ривожланиш, тайёргарлик даражаси, ақлий, жисмоний, ҳиссий, эмоционал ҳолат ва бошқа хусусиятлари;

Б) Жисмоний машқларнинг хусусиятлари мураккаблиги, янгилиги, техник характеристикаси;

В) Ташқи шароитлар: ўқиш, ишлаш, яшаш, дам олиш тартиби, ҳаракат фаолиятининг конкрет шароитлари жойнинг метериологик шароитлари, жиҳозларнинг сифати, машғулот ўтказиладиган жойнинг гигиенаси, жамоатда ўзаро муносабат характери, атрофдаги шахсларнинг таъсири ва бошқалар.

Тарихий ривожланиш жараёнида жисмоний трабия усулларининг муҳим томонлари ташкил этувчи жисмоний машқлар турли мажмуаси ва тартиби яратилиб борилди.

Жисмоний машқларнинг организмга таъсири кўп қирралидир, лекин асосийлари қуйидагилардан иборат:

а) Организмни физиологик функциясига

б) Соғломлаштириш аҳамиятига

в) Киши психикасига

г) Тана шаклига

д) Тарбиявий таъсири.

Масалан, эрталабки гигиеник гимнастика: кўп вақт шуғулланиб борса тана шаклининг ўзгариши, организмда физиологик функцияларнинг ўзгариши, соғломлаштириш аҳамияти ва киши психикасига таъсирини кўришимиз мумкин.

Табиий ва педагогик фанлар соҳасидаги илмий билимларни кенгайтириб бориши натижасида жисмоний қоби-

лиятни ривожлантиришга ҳар томонлама таъсир этувчи жисмоний машқлар тизими яратилди. Тарихий ривожланиш давомида бир қанча турдаги жисмоний машқлардан мақсадга яқинроқларини танлаб олинди ва тартибга туширилди.

Жисмоний машқларни бутун организмга ва унинг айрим орган ва тизимларига таъсир этиш қонуниятларини билиш машқлардан, шунингдек, қўйилган масалаларни ҳал этишда ёрдам берувчи тўғри методик жиҳатдан ишлаб чиқилган мажмуалардан маълум мақсадларда фойдаланишда йўл келади.

У ёки бу жисмоний машқлардан фойдаланиш мақсади уларнинг бир ёки бир нечта асосий белгилар бўйича аниқланади. Бунда машқларнинг бутун организмга таъсирлар йиғиндиси ҳисобга олинади.

Жисмоний ривожланишга йўналтирилган жисмоний машқларни танлаш ва қўллашга илмий ёндашишни уларнинг инсон организмига таъсирини қатъий ҳисобга олиб бориш ҳамда машқлар самарадорлигини таъминловчи керакли шартларни яратишни талаб этади.

Жисмоний тарбия билан шуғулланишда болалар организмининг ёши ва жинси биринчи навбатда ҳисобга олиниши керак. Шунда бундай шуғулланиш ижобий таъсир қилади. Бунга асосий бола организмининг ўсиш ва ривожланишида бир қатор морфологик, жисмоний, физиологик ўзгаришлар содир бўлиб туришидир. Бу ўзгаришларнинг намоён бўлишида, биринчидан, ирсий хусусият, иккинчидан, муҳит омиллари муҳим рол ўйнайди. Бола организмида ўсиш ва улғайиш туфайли содир бўладиган, қайд қилинган ўзгаришлар бир текисда бормасдан, балки гитерохрон (нотекис) характерга эга бўлади. Масалан, ўсиш боланинг бир ёшлиги ва жинсий етишиш даврида (13-14 ёш) энг тез бўлади. Бундан ташқари, ҳар хил аъзолар турли вақтда вояга етади. Масалан, ҳаракат сенсор тизими 13-14 ёшларда ниҳоясига етади, мускуллар тизими анча кечикиб вояга етади.

Шунинг учун ҳам юқоридагиларни ҳисобга олиб, болаларнинг жисмоний – физиологик ўсиш ва ривожланишида қуйидаги асосий даврлар фарқланади [3]:

1. Энди туғилган давр- 1-10 кунлик.
2. Эмизикли давр- 10 кунликдан 1 ёшгача.
3. Илк болалик даври – 1-3 ёш.
4. Бирламчи болалик даври – 4-7 ёшлар.
5. Иккиламчи болалик даври – 8-12 ёшлар ўғил болалар учун ва 8-11 ёшлар қиз болалар учун.
6. Ўспиринлик даври – 13-16 ёшлар ўғил болалар учун ва 12-15 ёшлар қиз болалар учун.
7. Вояга етиш даври - 17-21 ёш ўғил болалар учун ва 16-20 ёш қиз болалар учун.

Юқоридаги даврлар шартли бўлиб, бундан ташқари, ёшнинг биологик даврлари ҳам мавжуд. Бунда одатда жисмоний тараққиёт (тананинг бўйи ва массаси), ички секреция безларининг ҳолати ва жинсий етилганлик аниқланиб фарқланади. Кейинги йилларда болалар ҳаётида акселерация (лотинча акселецио – тезлашув), кузатилмоқда, масалан кейинги 50 йил ичида Москвадаги болаларнинг бўйи 10-13 см, тана массаси эса 9-11 кг га ўсади.

Жинсий етишиш. Маълум ёшга бориб болаларда жинсий етишиш бошланади ва бу даврга келиб организмда биологик вояга етишиш содир бўлади. Жинсий етишишнинг бошланиши ўғил болаларда 11-13 ёш бўлса, қиз болаларда 9-11 ёш. Лекин жинсий етишишга ирсият, муҳит шароити ва мускул фаолияти фаол таъсир қилади. Жинсий етишиш бошланиши билан организмдаги барча аъзо ва тизимларнинг тузилиш ва функциясида бир қатор ўзгаришлар содир бўлади. Биринчи навбатда нерв тизимида қўзғалувчанлик ошади. Иккинчидан, айрим эндокрин безлар (гипофиз, буйрак усти безлари, жинсий безлар) ўз фаолиятини тезлаштиради.

Марказий нерв тизими. Мактаб ёшигача бўлган даврда болаларда олий нерв фаолияти шаклланди. Бу даврда нутқ, фикрлаш ва ҳар хил ҳаракат малакаларининг ривожланиши муҳим ўрин тутади. Бола 5-7 ёшга кирганда ундаги дефференцировкали тормозланиш (қитиқлагичлар фарқига бориш) 3-5 ёшдагига қараганда 2 баробар тезроқ ҳосил бўлади. Болаларда иккинчи сигнал тизими биринчи сигнал тизимидан ўсиб ривожланиб боради, унда фикрлаш, идрок қилиш бошланади. 7 ёшли болаларда бош мия пўстлоғининг пешона қисми ривожланиб, унда ҳаракат фаоллигининг ўсиши, сўзлар заҳирасининг кўпайиши ва тушунчанинг кенгайишига олиб келади. Бошланғич мактаб ёшида мия ярим шартлари пўстлоғининг пўстлоғ остки ядролари фаолиятининг бошқарувчилик функцияси унчалик ривожланмаган бўлади. Шунинг учун ҳам бу ёшдаги болаларда диққат барқарор бўлмайди.

Моддалар ва энергия алмашинуви. Ёш организмнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ассимиляция жараёнининг устун бўлиб, оксидланиш жараёнида ҳосил бўлган энергиянинг асосий қисми унинг ўсиш ва ривожланишига сарфланишидир.

Ўсувчи организмга кўп "қурилиш" материали, яъни оқсил керак. Масалан, 4-7 ёшли болаларда суткасига 3,0-3,5 г/кг, 12 ёшдан катта болаларда эса бу кўрсаткич 2,0-2,5 г,кг га тўғри келади, чунки 4-7 ёш боланинг ўсиши 11-12 ёшли болаларникидан кучлироқ.

Оқсил молекулаларининг алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталардан ташкил қилиниши ўсувчи организм учун жуда муҳим, чунки янги ҳужайра ва тўқималар фақат ана шу аминокислоталардангина ҳосил бўлади. Жисмоний тарбия билан батафсил шуғулланадиган болаларда оқсилга талаб шуғулланмайдиганларга қараганда 1,5-2,0 баравар зиёд бўлади.

Ёғлар ҳам ўсувчи организмга зарур, ундан ҳужайра мембранаси ташкил топади ва у энергия берувчи асосий моддадир, 4-7 ёшли болаларда ёғга талаб суткасига 2,5-3,0 г/кг, 10-12 ёшлиларда эса 1,0-1,5 г/кг.

Карбонсувлар ҳам ҳужайра шаклланиши учун ва энергия манбаи сифатида керак. Болаларда карбонсувларнинг оқсил ва ёғлар алмашинувидан ҳосил бўлиши чекланган. Унга талаб ўсиш секинлашган сари камайиб боради, 8-13 ёшли болаларда суткасига 1 кг тана массасига 10-11 г углевод керак бўлади.

Болалар организмининг 80% сув, катта одамларда эса унинг миқдори 68-72%. Бола қанча кичик бўлса, унинг сувга бўлган талаби шунча катта бўлади. 6 ёшли болаларда 1 сутка давомида ҳар 1 кг тана массасига 100-110 г сув керак. 13 ёшда бу кўрсаткич 70-78 г, 18 ёшда эса 40-50 г. га тушади. Минерал моддалар ҳам ўсувчи организмга зарур, айниқса Ca, P, Na, K, Cl етарли қабул қилиниши керак.

Асосий алмашинув бола ёши ошиб борган сари камайиб боради боланинг 1 ёшида у соатига 5,3 ккал/м2, 10 ёшида 4,6 ккал/м2, 15 ёшида 42 ккал/м2 га тенг бўлади. Фойдали коэффициенти 6-10 ёшли болаларда 12-13%, катта одамларда 16-25%, демак, ёш ошиб борган сари мускул қисқариб иш бажарилиши тежамлироқ бўлади.

Қон ва қон айланиш. Болаларда қон миқдори тана оғирлигига нисбатан катталарга қараганда кўп бўлади, 1 ёшгача бу кўрсаткич 11%, 14 ёшлиларда эса 7-10 % ташкил қилади (катталарда 5%). Қон шаклли элементлари ҳам кўп, масалан, эритроцитларнинг сони 1 мм3 қонда 6,0-6,5 млн (1 ёшгача). Шунга қараб гемоглобин ҳам кўп бўлади. Энди туғилган болалар қонида лейкоцитлар 10000-15000 (1 мм3), **7-10** ёшларга келиб катталарникига тенглашади. Тромбоцитлар эса 1 ёшли болаларда ҳам катталарникидан фарқ қилмайди (1 мм3 – 200-300минг).

Ёш ошиб борган сари юракнинг абсолют массаси кўпайиб боради, 1 ёшли болаларда юрак 41,2 г, 8 ёшга келиб 96 г, 15 ёшга кирганда 200 г. ни ташкил қилади.

Жисмоний машқлар билан шуғулланиш болаларда юрак гипертофиясига олиб келади (асосан чап юрак қоринчаси гипертрофияланади). Юракнинг ҳаддан ташқари катталашиб кетиши ҳавфли. Юрак гипертрофиясига велоспорт, сузиш, чанғи спорти, ўрта масофаларга югуриш бошқа спорт турларига қараганда тезроқ олиб келади.

Юрак уриш частотаси ҳам аста-секин ошиб боради, энди туғилган болаларда у минутига 70-78 га тушади.

Ёш болаларда систолик артериал қон босими аста-секин ошиб боради, энди туғилган болаларда 67-70 мм симоб устунига тенг, 1 ёшлиларда – 95, 15 ёшлиларда – 109 мм симоб устунига тенг, диастолик босим 1 ёшлиларда 34 мм симоб устунига тенг, 11-13 ёшлиларда эса 88 мм симоб устунига тенг, 13-16 ёшли болаларда баъзан систолик қон босимининг кўтарилиши кузатилади (130-140 мм сим. уст.), бу ёшларда кузатиладиган гипертония дейилади ва у нейрогуморал ўзгаришлар туфайли келиб чиқади [2].

Нафас олиш. Ёш ошиб борган сари нафас олиш сони, нафас олиш цикли, нафас олиш билан нафас чиқаришнинг бир-бирига нисбати, нафас олиш чуқурлиги ўзгариб боради. 7-8 ёшли болаларда нафас олиш частотаси 1 минутига 20-25 марта бўлади. Боланинг ёши ошиб борган сари унда ўпка вентиляцияси, ўпканинг тириклик сиғими ҳам ошиб боради. Ушбу жадвалда болалар ва ўспиринларнинг нафас олишни ихтиёрий тўхтатиб туриш имкониятлари келтирилган.

| Кўрсаткичлар | **9-12 ёш** | 13-14 ёш | 15-16 ёш | 18-20 ёш |
|---|---|---|---|---|
| Нафас олишнинг ихтиёрий тўхтатиб турилиши (секундлар) | **50,1** | 64,4 | 64,2 | 92,0 |

Бола туғилгандан кейин унинг қиладиган ҳаракталари дастлаб координация қилинмайди. Туғилишдан 1,0-1,5 ой ўтиши билан унда бошни вертикал ҳолда ушлаб туриш ҳолати шаклланади. 6-8 ойдан бошлаб ўрмалаб юриш белгилари ҳосил бўлади. 11-12 ойлик болада тик туришни ўзлаштириб олиш кузатилади. Икки ёшида у қадамлаб юришни бошлайди.

Чопиш тезлиги 9-11 ёшли болаларда 5,37 м/сек, 14-15 ёшлиларда 6,07 м/сек, 17-18 ёшда эса – 8,08 м/сек. Болада 3 ёшидан бошлаб сакраш элементлари ҳосил бўлади. Куйидаги жадвалда жисмоний тарбия билан шуғулланадиган турли ёшидаги спортчиларнинг сакраш натижалари келтирилган:

| Бола ёши | Бир жойдан юқорига сакраш, (см) | Бир жойдан узунликка сакраш, (см) | Бир жойдан учламчи сакраш,(см) |
|---|---|---|---|
| **9-12** | **45,13** | **183,93** | **550,8** |
| 13-14 | 46,09 | 189,16 | 590,7 |
| 15-16 | 50,86 | 229,63 | 711,2 |
| 17-18 | 52,56 | 239,36 | 746,0 |

Жисмоний тарбия билан шуғулланишда болалар организмининг ёши ва жинси биринчи навбатда ҳисобга олиниши керак. Шунда бундай шуғулланиш ижобий таъсир қилади. Бунга асосий бола организмининг ўсиш ва ривожланишида бир қатор морфологик, жисмоний, физиологик ўзгаришлар содир туришидир. Бу ўзгаришларнинг намоён бўлишида, биринчидан, ирсий хусусият, иккинчидан, муҳит омиллари муҳим рол ўйнайди. Бола организмида ўсиш ва улғайиш туфайли содир бўладиган қайд қилинган ўзгаришлар бир текисда бормасдан, балки гитерохрон (нотекис) характерга эга бўлади.

Бошланғич синф ўқувчиларини жисмоний тарбия дарсларида тезда уюштириб турли ҳаракатларни бажаришга ўргатиш учун уларни ҳар хил ўаракатларга, машқлар ва терминларга одатлантириш лозим. Биринчи синфда болалар тезда биттадан сафланишни, кетма-кет сафланишни, оёқ учи ва энсани тўғри тутиб туришни, буйруқ бўйича ҳаракатни бошлаш ва тугатишни, қўлни ёнга узатиш ва букишни, қайта сафланишни билишлари зарур.

Алоҳида машқларни танлаш ва умумривожлантирувчи машқлар мажмуасини тузишдан олдин бу машқлар кимларга мўлжалланганлигини ва қандай мақсадда қўлланилиши аниқ билиш зарур. Чунки танланадиган машқларнинг мазмуни, уларнинг бу мажмуада белгиланадиган ўрни, ўтиш усули ва машғулот шаклига боғлиқ.

Бошланғич синф ўқувчиларининг кун тартибини ва ўқув юкламасини ўрганишда организмдаги физиологик мувозанатни ҳар хил фаолият турлари-дам олиш, овқатланиш, уйқу ва ҳоказоларни тўғри қўшиб олиб бориш таъсирида тезроқ тиклаш ҳақидаги масала долзарб масала бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, жисмоний сифатлар инсонда туғилганидан бошлаб шаклланa боради. Лекин болада шу сифатларнинг қай даражада шаклланиши, оддий ёки мураккаб ҳаракатларни ўзлаштириб олиши фақатгина у яшаб келаётган муҳитга эмас, балки болада муайян жисмоний кўникмаларни қандай воситалар ёрдамида ривожлантиришга ҳам боғлиқдир.

Сўнгги йилларда оммавий ахборот воситалари саломатлик учун уй шароитида гимнастика билан шуғулланишни тарғиб қилишга катта эътибор бериш. Унда ўқувчилар нафақат соғлом бўлибгина қолмай, балки чиройли ҳаракатланишни ўрганади ва машқларни бажариш сифатига ҳам эътибор беради.

Ўқувчиларнинг югуриши ва сакраши вақтида асосийси – ҳаракат тезлигини сақлаш ва ўзини қандай ҳис қилишини назорат қилиб борилади. Югуришни бажарганда, оёқларни баландроқ кўтариш керак. Барча юкламалар биринчи машғулотдек бажарилмайди. Юкламаларни машғулотдан машғулотга секин-аста ошириб бориш керак.

Бошланғич синф ўқувчиларининг кун тартибини ва ўқув юкламасини ўрганишда организмдаги физиологик мувозанатни ҳар хил фаолият турлари-дам олиш, овқатланиш, уйқу ва ҳоказоларни тўғри қўшиб олиб бориш таъсирида тезроқ тиклаш ҳақидаги масала долзарб масала бўлиб ҳисобланади. Ташқи муҳитнинг қулай шароит таъсирида бола ва ўсмирлар соғлом ўсиб, улғая боради.

**Адабиётлар**

1. Абрамова Г.С. Возрастная психология. - М.: Академический Проект; -Екатеринбург: деловая книга, 2010.
2. Аминжонов Ш.А., Нуритдинов Э.Н.. Ёш физиологияси ва гигиенаси. –Самарқанд: 2003.
3. Бальсевич В.К. Концепция альтернативных форм организации физического воспитания детей и молодежи // Физическая культура: воспитание, образование, тренировка. 2006.
4. Валлон А. "Психическое развитие ребёнка". -М.: «Просвещение», 2017.
5. Ильин Е.П. Психофизиология физического воспитания. (Факторы, обуславливающие эффективность спортивной деятельности) ч.1. -М.: «Просвещение», 2008.
6. Хўжаев Ф., Усмонхўжаев Т.. Бошланғич синфларда жисмоний тарбия дарслари. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1996.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний ва физиологик хусусиятлари илмий жиҳатдан тадқиқ этилган. Бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний ва физиологик жиҳатдан ривожланганлик даражасини аниқлаш орқали жисмоний юкламаларни белгилаш муҳимлиги қайд этилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье научно исследуются физико-физиологические особенности учащихся младших классов. Отмечена важность определения физических нагрузок путем определения уровня физического и физиологического развития младших школьников.

**SUMMARY**

The article scientifically examines the physical and physiological characteristics of primary school students. The importance of determining physical loads by determining the level of physical and physiological development of primary school students was noted.

## Tálim - tárbiya teoriyası hám metodikası

# PISA XALQARO BAHOLASH DASTURI VA DASTUR DOIRASIDA O'QUVCHILARNING KREATIV FIKRLASHINI BAHOLASH

**A.S.Abdusamotov –** *o'qituvchi*
**X.Sh.Ibragimova –** *talaba*
*Termiz davlat universiteti*

**Tayanch so'zlar:** PISA, kreativ fikrlash, bilim, ko'nikma, malaka, kompetensiya, konvergent fikrlash, divergent fikrlash, kreativ ifoda, og'zaki va og'zaki bo'lmagan ifoda.

**Ключевые слова:** PISA, креативное мышление, образавание, умение, квалификация, компетенция, конвегентное мышление, дивергентное мышление, креативное выражение, вербальъное и невербальъное выражение.

**Key words:** PISA, creative thinking, education, skill, experience, competence, convergent thinking, divergent thinking, creative expression, verbal and non-verbal expression.

Globallashuv sharoitida shiddat bilan rivojlanib borayotgan davr davlat va jamiyat oldiga dolzarbligi va qamrovi kun sayin ortib borayotgan zamonaviy talablarni qo'ymoqda. Olamshumul strategik maqsadlarga erishish, yangi marralarni zabt etish, rivojlangan davlatlar qatoridan o'rin olish uchun mamlakatda bilimli, tajribali va zamonaviy fikrlaydigan yuksak salohiyatli kadrlar, mutaxassislarning o'rni beqiyos. Bunday raqobatbardosh kadrlarga bo'lgan ehtiyojni qondirish zamirida inson kapitali, sodda qilib aytganda, inson va uning salohiyatini kashf etish hamda uni buyuk maqsadlarga erishishga safarbar qilish kabi ulug'vor vazifalar turadi.

1961-yilda ish boshlagan Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti (Organisation for Economic Cooperation and Development – OECD) o'tgan davr mobaynida moliyaviy sohada yuzaga kelgan turli muammolarning yechimini topish ustida izlanishlar olib bormoqda. Ayniqsa, yangi asr ostonasida ushbu tashkilot negizida dunyo ta'limining asosiy bo'g'ini bo'lgan umumiy o'rta ta'limni rivojlantirish maqsadida PISA (The Programme for International Student Assessment) – O'quvchilarning savodxonligini baholash bo'yicha xalqaro dastur ishlab chiqildi [1].

PISA – o'quvchilarning ta'limiy yutuqlarini baholash bo'yicha xalqaro dastur bo'lib, turli davlatlarda 15 yoshli o'quvchilarning savodxonligini (o'qish, matematika, tabiiy fanlar) hamda bilimlarini amaliyotda qo'llash qobiliyatini baholovchi dastur. Bu dastur 3 yilda bir marotaba o'tkaziladi. Dastlab 1997-yilda ishlab chiqilgan va 2000-yilda birinchi marta qo'llangan. PISA bo'yicha bahoning 50 ballga oshishi har yillik Yalpi ichki mahsulot (YaIM) ning 1% ga o'sishini ta'minlaydi. PISA tadqiqotiga qatnashayotgan davlatlar soni yildan yilga ortib bormoqda. Misol uchun, 2000-yil 32 ta, 2003-yil 43 ta, 2006-yil 57 ta, 2009-yil 74 ta, 2012-yil 65 ta, 2015-yil 72 ta, 2018-yil 78 ta davlatlar ishtirok etgan.

PISA xalqaro tadqiqotlarining oldiga qo'ygan asosiy maqsadi o'quvchilarning ta'lim siyosati va pedagogikada yaqqol natija beradigan kreativ fikrlash ko'nikmasiga oid xalqaro miqyosdagi qiyosiy ma'lumotlar bilan ta'minlashdan iborat. Shuning uchun, nazarda tutilayotgan kreativ fikrlash ko'nikmasi ta'lim olish orqali shakillantirilishi, ta'lim jarayonida kreativ fikrlash ko'nikmasining turli imkoniyatlari aniq ko'rsatib berishi va baholovchi topshiriqlarda o'quvchilarning o'zlashtirishlari bilan bog'langan bo'lishi, baholashda qamrab olingan mazmun sohalari umumiy o'rta ta'lim maktablarida o'qitiladigan fanlar bilan chambarchas bog'langan bo'lishi, test topshiriqlari o'quvchilar tomonidan, ham sinfda ham sinfdan tashqarida bajariladigan mashg'ulotlarga yaqin bo'lishi bilan birga ijodiy yutuq va muvaffaqiyatni ta'minlaydigan darajada ishonchli bo'lishi kerak [2].

Xalqaro PISA dasturida o'quvchilarning kreativ fikrlash ko'nikmalarini baholash PISA 2022 da ilk marotaba o'tkazilayotgan bo'lib, PISA tadqiqotida kreativ fikrlash termini o'quvchilarning tasavvurini ta'sirchan tarzda ifodalash, bilim olishni rag'batlantirish, orginal va samarali yechim topishga yo'naltiruvchi g'oyalarni shakllantirish, baholash va takomillashtirishda faol ishtirok etish komptensiyasi sifatida ta'riflangan. Kreativ tushunchalar va yondashuvlar dunyoning turli mintaqalarida insoniyat madaniyatining ravnaq topishiga jumladan, ular tabiiy, falsafa, san'at va gumanitar fanlarning rivojlanishiga turtki bo'ldi. Shunday ekan, kreativ fikrlash shunchaki tasodifiy keladigan fikrlardan keskin farq qiladi. Bu bilim va tajribaga asoslangan haqiqiy komptensiya hisoblanib, insonlarning keskin va murakkab vaziyatlarda kutilgan natijalarga erishishlariga imkon beradi. Dunyo miqyosidagi tashkilotlar va jamiyatlar innovatsion g'oyalar va kreativ fikrlashga nisbatan umumiy tashabbuskorlik deb qarab, yuzaga kelayotgan murakkabliklarni yengishda innovatsion g'oyalar, bilim va ko'nikmalarni egallashga e'tibor qaratmoqda. Bilim, ko'nikma, malaka, kompetensiya o'zi nima degan savolga javob beraylik.

Bilim - o'rganilgan ma'lumotlarni eslab qolish va qayta tushuntirib berish. Ko'nikma- o'rganilgan bilimlarni tanish vaziyatlarda qo'llay olish qobiliyati. Malaka - o'rganilgan bilim va shakllangan ko'nikmalarni notanish vaziyatlarda qo'llay olish va yangi bilimlar hosil qilishdir.

Kompetensiya- mavjud bilim, ko'nikma va malakalarni kundalik faoliyatda qo'llay olish qobiliyati hisoblanadi [4].

Kreativ fikrlash jamiyat miqyosidagi ta'sir doirasiga ega bo'lgan o'ziga xos soha hisoblanishi bilan birgalikda, biror kim ishonishi mumkin bo'lganidanda universal va umumlashgan hodisadir. Ya'ni, keng yoki nisbatan tor ma'noda olib qaralganda, har bir inson kreativ fikrlash imkoniyatiga egadir. Bundan tashqari, psixologlar va o'qituvchilar orasida keng tarqalgan umumiy tushunchaga ko'ra, ijodkorlik bilan chambarchas bog'langan va fikrlash jarayonlarida ishtirok etish deb tushuniladigan kreativ fikrlash boshqa alohida bir qator fikrlash qobiliyatlarini takomillashtiradi. Jumladan, metakognitiv qobiliyatlarni o'zaro va shaxsiy muammoni yechish ko'nikmalarini, tenglik tushunchasini rivojlantirishini, fanlarning o'zlashtirishini, kelajakda kasbiy muvaffaqiyatlarga er-

ishishni va jamiyat bilan uyg'unlashuvini yaxshilaydi. Kreativ fikrlash o'quvchilarning tajribalar, hodisalar hamda vaziyatlarni yangicha va mazmunli tarzda talqin etishlarini qo'llab-quvvatlash orqali ularning bilim olishlariga ko'maklashadi.

PISA tadqiqotlarida butun dunyodagi 15 yoshli o'quvchilar uchun tegishli bo'lgan kreativ fikrlash ta'rifi mavjud. PISA 2022 tadqiqotlarida kreativ fikrlash termini yosh avlodning yaratuvchanlik kompetensiyasi bilan ishlash, bilim olishni rag'batlantiruvchi hamda haqiqiy va samarali yechim topishga yo'naltiruvchi g'oyalar shakillantirish, bilimda yoki ta'sirli tasavvur ifodalashda yuksalish sifatida izohlangan [3].

Kreativ fikrlashga berilgan bunday izoh kreativ fikrlash yo'nalishidagi strategik maslahatchi ekspertlar guruhi tomonidan berilgan ta'rifga mos tushadi. Bu ta'limning barcha turlarida va barcha fan sohalarida tahsil oluvchi o'quvchilarning g'oyalar yaratish jarayonida qay darajada ishtirok etishi, g'oyalarning ahamiyati va yangiligini inobatga olib, ularga nisbatan o'z munosabatlarini qay tartibda bildirishini va o'zlari kutgan natijaga erishmagunga qadar g'oyalarni yaratishda davom etishini nazarda tutadi. Shuningdek, bu fanlararo mutaxassislar rahbarligi va ijodga oid adabiyotlarni har tomonlama ko'rib chiqish orqali ma'lum qilingan. Kreativ natijaga erishish kreativ fikrlay olish qobiliyatini taqozo etadi, shu bilan bir qatorda u iqtidor, bilim sohasi yoki badiiy qobiliyat kabi bundan kengroq va ixtisoslashgan xususiyatlar va ko'nikmalarni talab etadi. Masalan, texnologik yangiliklar yaki san'at durdonalari bilan bog'langan "Katta K" kreativlik, muayyan iqtidor, yuqori darajadagi mutaxassislik, muayyan sohani chuqur egallaganlik hamda jamiyat e'tiborida bo'lish bilan uyg'unlashuvi anglatadi. Shunga qaramasdan, "Kichik K" yoki kundalik kreativlik (masalan, oilaviy rasmlarni ma'lum tartibda tuzib chiqish, qolgan mahsulotlardan mazali taom tayyorlash yoki ishdagi biror muammoga kreativlik bilan yechim topish) kreativ fikrlaydigan deyarli barcha odamlarning qo'lidan kelishi mumkin.

Umuman olganda, adabiyotlarda keltirishicha, bunday "Kichik K" mashq qilish yoki bilim olish bilan orttirilishi mumkin. PISA 2022 xalqaro dasturida kreativ fikrlashni baholash biror ishni amalga oshirish uchun kerakli bo'lgan tug'ma qobiliyatga ega bo'lishning ahamiyati kamaytiradigan "Kichik" kreativlikka oid berilgan topshiriqlarga qaratilgan bo'lib, o'quvchilarning kreativ fikrlashiga imkon beradigan o'zgaruvchan iqtidorlariga katta e'tibor qaratadi [3]. Bunday turdagi kreativ fikrlash nafaqat san'at yoki ijodiy bayon kabi o'quvchilarning ichki dunyolarini ifoda qilishlarini talab etadigan ilmiy kontekslarda, balki umumlashuvi keng miqyosdagi ijtimoiy muammolar va murakkabliklarni tahlil qilishga qaratilgan bo'lishi kerak.

Ijodkorlikning o'zaro bog'liqlik yondashuvlari ijodiy ish bilan muvaffaqiyatli shug'ullanish uchun turli xil ichki manbalarning ahamiyatini, shuningdek, ijodiy ish olib boradigan muhitning muhimligini ta'kidlaydi. Bunday yondashuvlar PISA tadqiqotlari doirasida kreativ fikrlashni baholashda muhim sxema bo'lib xizmat qiladi. Shunday bo'lsada, o'quvchilarning kreativ fikrlashlari haqida yanada yaxshiroq tushunchaga ega bo'lish uchun, ushbu yondashuvlarni o'quvchilarga kundalik maktab hayotiga tegishli bo'lgan tarzda kontekstualizatsiya qilish zarur. Bir qancha mualliflar insonning kreativ fikrlashi uchun kerakli bo'lgan kognitiv ko'nikmalarni aniqlagan.

Guilfordning konvergent fikrlash va divergent fikrlash borasidagi tushunchasi bu sohada olib borilgan tadqiqotlarga ta'sir o'tkazdi. Konvergent fikrlash odatda javob berishda an'anaviy va mantiqiy izlash, eslab qolish va to'plangan ma'lumotlarga nisbatan qaror qabul qilish strategiyasi qobiliyati sifatida izohlanadi. Buning aksi o'laroq, divergent fikrlash yangi yondashuvlardan foydalanish, mavjud ma'lumotlardan kutilmagan kombinatsiya hosil qilish, muloqot, g'oyalarni ilgari surish va ifoda qilish mazmundor hamda ravon tarzda amalga oshirish kabi qobiliyatlardan foydalanib, yangicha g'oyalarni ishlab chiqish sifatida izohlanadi. Shuningdek, bu turli yechimlarni qidirish, eng og'ir vaziyatlarda qandaydir kutilmagan yangilikka qo'l urish qobiliyatlari, muammolarga turli nuqtai nazardan va topshiriqlarga turlicha yondashish hamda tayyor an'anaviy usullardan ko'ra yangicha usullarni o'ylab topish qobiliyati sifatida ham izohlangan. Aslida, divergent fikrlash muammolarga avval taklif etilmagan, yangi, g'ayri oddiy yoki hayratlanarli javob topishdir [4].

Hozirgi kun tadqiqotlari kreativ fikrlashdan tashqari qobiliyatga nisbatan sof individual tushuncha deb qaramoqda. Shunga ko'ra, kreativ fikrlashga nisbatan yangi bilim va ko'nikmani hosil qilishda jamoaviy say-harakat, deb qaraladi. Kreativ fikrlashni bu tarzda tushunish shundan darak beradiki, ijodiy ish inson va uni o'rab turgan atrof-muhit hamda o'sha muhitdagi boshqa insonlar orasidagi o'zaro bog'liqlik natijasidir. Kreativ fikrlash va bandlik "bajarish" va " boshdan kechirish"ning doimiy sikli (bunda harakatlar muhitga qaratilgan) (muhit ta'siriga tushish), deb izohlanadi. O'quvchilarning kreativligi ularning ijodiy fikrlash qobiliyatlarida, ayniqsa ijodiy fikrlash jarayonining aksariyati "ko'rinmas" vazifalarni bajarishda namoyon bo'ladi. O'quvchining ijodiy barkamolligi uning kreativ fikrlash jarayonini muvaffaqiyatli amalga oshgan yoki oshmaganini ayniqsa katta ahamiyat kasb etadi. O'quvchilarda kreativ ifoda ham shakillantiriladi [6].

Kreativ ifoda insonlar o'zlarining ichki dunyosi va tasavvurlarini boshqalar bilan baham ko'radigan ham og'zaki ham og'zaki bo'lmagan yondashuvdan iborat. Og'zaki ifoda tildan foydalanishni, shu jumladan yozma va og'zaki muloqotni anglatadi. Og'zaki bo'lmagan tarzda ifodalash nafaqat chizmachilik, rasm chizish, model yaratish va musiqiy ifoda qilish bilan, balki raqs va drama kabi harakat hamda ijroni ifoda etishni ham o'z ichiga oladi. Nihoyat, kreativ yondashuvning ma'lum shakllari madaniy jihatdan bir-biridan farq qilsa, ta'lim sohasida va dunyo bo'ylab o'qitiladigan fanlarda ham shunday farqlar ko'zga tashlansa, mazkur faoliyat sohalari bo'yicha o'qituvchilarning o'zlashtirishlarida ham qaysidir ma'nodagi tafovutlar seziladi. O'quvchilarni birdan ortiq faoliyat sohasida ishlashga undash orqali kreativ fikrlash ko'nikmasini rivojlantirishdagi kamchilik va kuchli jihatlarini mamlakatlar miqyosida aniqlash imkoni tug'iladi. To'plangan ma'lumotlar kreativ fikrlash ko'nikmasi maktablarda turli sohalar bo'yicha qanday o'qitilishi kerakligi to'g'risidagi muhit xulosalar bilan birga o'quvchilarning o'z fikr-mulohazalarini ifodalash usullari va muayyan muammoga mustaqil yechim yo'naltirilishidagi tafovutlarni aniqlaydi [7].

Umuman olganda, tadqiqotlar ichki vazifa motivatsiyasining ijodiy rolini va tashqi vazifa motivatsiyasining kreativ ishlashga salbiy ta'sirini ta'kidladi. Shunday bo'lsada, bu borada bildirilgan ko'pgina fikr-mulohazalar tashqi rag'batlantiuvchi kuchlar (masalan, biror vazifani bajarishi uchun qo'yiladigan so'nggi muddat) yoki mukofotlar (misol uchun, rag'batlar va e'tibor) insonlarni kreativ harakat qilishlari uchun katta imkoniyat yaratishini ko'rsatadi.

Xulosa qilib aytganda, PISA tadqiqotida O'zbekistonning ham qatnashishi yurtimizda ta'lim sifatini oshirishga ko'maklashadi. Yana shuni ta'kidlash joizki, PISA 2022 dasturida kreativ fikrlashning nazariy asoslari, uning ta'limdagi ahamiyati, kreativ fikrlashni rivojlantirishga mo'ljallangan yondashuvlar, o'quvchilarning kreativ fikrlash ko'nikmalarini rivojlantirishga o'z hissasini qo'shadi.

**Adabiyotlar**

1. Ismoilov A.A, Daminov X.J, Karimov N.A, Ahmedov X.P., Tog'ayeva G.O, Kosimova Z.A. O'quvchilarni xalqaro tadqiqotlarga tayyorlashga mo'ljallangan axborotnoma 1-son. -Toshkent: 2020.

2. Ismoilov A.A, Daminov X.J, Kosimova. Z.A. G.A.Pirimov. G.A. Kreativ fikrlashni baholash. -Toshkent: 2021.
3. Aleksandrovna A.N. PISA xalqaro tadqiqoti kontekstida kreativ fikrlashni baholash va rivojlantirish. - Toshkent-Moskva: 2020.
4. Umumiy o'rta ta'lim davlat ta'lim standarti va o'quv dasturidan. Boshlang'ich ta'lim. -Toshkent: "Sharq", 2000.
5. Amabile T. (2012), "Componential theory of creativity", №12-096, Harvard Business School (accessed on 28 March 2018).
6. Amabile T. (1997), "Motivating creativity in organizations: on doing what you love and loving what you do", California Management Review, Vol. 40/1, pp. 39-58.
7. Abdusamatov A.S. The role of didactic and mathodological innovations in the implematation of primary mathematics education. ACADEMICIA: An Inter- national Multidisciplinary Research Journal https://saarj.com Impact Factor: 2020.

**REZYUME**

Ushbu maqolada PISA Xalqaro baholash dasturining kelib chiqish tarixi, dunyo hamjamiyatida tutgan o'rni, PISA dasturi doirasida qilinayotgan ishlar, erishilayotgan natijalar, hamda PISA tadqiqotida rivojlantirilayotgan kreativ fikrlash haqida keltirilgan.

**РЕЗЮМЕ**

В этой статъе рассказываетция об истарии возкинования Международной программы оценки PISA, ролъ в мировом сообществе, что далается в рамках программы PISA, достучнутые резулътаты, в нем также обсуждается вторческое мышление развивающееся в исследованиях PISA.

**SUMMARY**

This article deals with the origins of the origins of the PISA International Assessment Program, its role in the world community, works done through the PISA program, achieved results, and it also discusses about developing the creative thinking evolving in PISA research.

## ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР

**А.Д.Аллияров –** *ўқитувчи*
*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети*

**Таянч сўзлар:** қадрият, шахс, ёндашув, оила, миллий ва умуминсоний қадрият, шакллантириш, таълим.
**Ключевые слова:** ценность, личность, подход, семья, национальные и общечеловеческие ценности, формирование, воспитание.
**Key words:** value, personality, approach, family, national and universal values, formation, education.

Ўзбекистон умуминсоний ва миллий қадриятларга чуқур ҳурмат, маданиятда умуминсоний тамойилларнинг устиворлиги йўлини танлаганини бутун дунё жамоатчилигига билдирди. Мустақил Ўзбекистон қудратининг асосий манбаи халқимизнинг умуминсоний қадриятларига садоқатидир. У адолат, тенглик, яхши қўшничилик ҳамда инсонпарварлик каби нозик ғояларни асрлар бўйи асраб авайлаб, шу кунларга қадар олиб келди. Ўзбекистон янгиланишининг олий мақсади шу анъаналарни тиклаш, уларга янги мазмун бахш этиш, заминимизда тиничлик осойишталик, тўкин сочинлик, маданият, виждон эркинлиги ҳамда ҳар бир инсоннинг маънавий юксалиши учун зарур шарт-шароитлар яратишдан иборат.

Бугунги кунда таълим стандартларига асосан бакалавриат талабаларининг билимини, тафаккурини, илмий дунёқарашини оширишда ўқув фанлари бўйича бериладиган билимларни чуқур ва мустаҳкам эгаллаб олишлари ва улар дунёқарашининг шаклланганлиги даражасида тизимли билимларга эга бўлиши, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши, табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга эканлиги, умумкасбий билимларни эгаллашда ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва касбий фаолиятида фойдалана билиши, илмий тасаввур ва эътиқодга эга бўлиши, ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш усулларини эгаллай билиши, ўз касбий фаолиятида мустақил қарорлар қабул қила олиши, янги билимларни мустақил ҳолда эгаллай билиши, мустақил фикр юритиши, ўз фаолиятини ташкил эта олиши, Ватан тарихини билиши, маънавий, миллий ва умуминсоний қадриятлар юзасидан ўз фикрини баён қила олиши, таълимда ахборот технологияларини эгаллаб олиши каби талаблар қўйилган.

Ҳақиқатан ҳам аждодларимиз қолдирган бой маънавий мерос миллий қадриятларимизни замонавий илм-фан ютуқлари билан бойитиб, ёш авлоднинг тафаккури, дунёқарашини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида шакллантириш мустақилликни мустаҳкамлашнинг асосий манбаидир. Лекин мустақиллик давригача «миллий қадрият», «қадрият» тушунчалари ҳатто луғатларда ҳам ўз ифодасини топмаган. Гарчи қўлланилса ҳам «ценность» сўзининг тўртта маъноси алоҳида мақола тарзида берилиб, лекин «қадрият» тушунчасининг маъно-моҳияти талаб даражасида ифодаланмаган. Фақат истиқлол туфайли жуда кўп миллий тушунчалар билан бирга «Қадриятлар» тушунчаси ҳам ўзининг асл маъносига эга бўлди.

Одатда, қадрият деганда, моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг уйғунлиги назарда тутилади. Моддий қадрият (табиий бойлик, меҳнат маҳсулотларининг истеъмол нарҳи, замондошларимизнинг ўтмиш маданий мероси сифатида ўтган бойликлари, диний ва бошқа маросимларда қўлланиладиган турли ашёлар ва ҳакозо) ҳамда маънавий қадрият (жамият қонун-қоидалари, яхшилик ва ёмонлик, адолат, гўзаллик ва хўниклик, тарих ҳамда инсон моҳияти, ғоялар, ҳаракат шакли ва тамойиллар каби шартли тасаввурлардан юзага келган эркинлик ва чеклашлар) бир-биридан фарқ қилади. Мавжуд қадриятларни бир тизим сифатида «аксиология» фани ўрганади. Бу фан моддий, маънавий, ишлаб чиқариш, истеъмол, ижтимоий – сиёсий, илмий, аҳлоқий, эстетик, диний қадриятларни бир тизим сифатида бир-бири билан ўзвий боғлиқ ҳолда ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ҳозирги мустақиллик шароитида қадриятларга умуминсоний тамойиллар асосида ёндашилмоқда. Қадриятларга бундай ёндашиш уларнинг ижтимоий ва маънавий жиҳатдан янгиланиши, жамият аъзолари тафаккурининг ўзгариши, ёшлар тарбиясидаги ўрнига эътибор давлат аҳамиятига эга устувор соҳа сифатида қаралган. Шунинг учун ҳам қадриятларга эътибор ва улардан таълим-тарбияда фойдаланиш заруриятга айланди. Ҳозирги вақтда «қадрият» тушунчаси ўзининг асл маъносига эга бўлди. «Қадрият» тушунчаси ўта сермазмун ва кўпқиррали тушунча. Шунга кўра адабиётларда унга турлича баҳо берилади: файласуф олимлар Ж.Туленов, З.Ғофуров кабилар «Қадрият деганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган ва шу туфайли улар томонидан баҳоланиб қадрланадиган табиат ва жамият неъматлари, ҳодисалари мажмуини тушунмоғимиз лозим», – деб таъриф берадилар [1].

Бир қатор омиллар сабабли қадриятлар масаласи бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланди. Биринчидан, жамият тараққиёти ўхшаши йўқ фавқулодда ҳолларни юзага келтиради. Бу эса ўз навбатида қадрият йўналишларини қайта кўриб чиқиш

ёки тамоман ўзгартириш муаммосини яратди. Иккинчидан, қадрият йўналишларини фақатгина жамият онгига боғлаб қўйиб бўлмаслиги, илмий «объектив» ёндашув ҳеч қачон аксиологик ёндашувни инкор этмаслиги кераклиги аниқ бўлиб қолди. Инсон омили бурч, шахс масъулияти, шаъни, адолат каби хислатларнинг истеъмол категорияларидан бутунлай фарқли инсоний қадрият йўналишларини ишлаб чиқаришни тақоза этади. Инсон биологик – ижтимоий-мавжудот сифатида шахсиятини шаллантирадиган, у ёки бу нарса, ёҳуд ҳодисаларга бўлган муносабатини белгиловчи қадрият ёки мезонларсиз яшай олмайди. Мустаҳкам, барча томонидан қабул этилган қадриятларнинг йўқлиги жамиятдаги шахсларнинг инқирозига ҳамда меъёрдан ошган ҳатти-ҳаракат ва салбий оқибатларга (ичкиликбозлик, жиноятчилик ва ҳакозо) олиб келади. Қадрият йўналишлари тадқиқоти айтарлик даражада катта маблағ ва куч талаб этмайди. Бу йўналишларни осонликча белгилаб тадқиқ этиш мумкин [3].

Қадриятлар инсон фаолияти жараёнида шаклланади ва ривожланади. У ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, инсон учун фойда келтирадиган нарса ва ҳодисаларнинг мажмуи тарзида юзага келади ва унинг эҳтиёжлари учун хизмат қилади. Инсонга, унинг манфаатига мос келмайдиган табиат ва жамият ҳодисалари қадрият бўла олмайди. Масалан, табиатдаги ҳар бир нарса инсон эҳтиёжларига хизмат қила бошлагандан кейин қадриятга айланади.

Инсон қалбига ислом дини қадриятлари ва асосларини яхшилик, маънавий юксалиш ва руҳий поклик ғояларини сингдиришда, жамиятнинг маънавий тарбиясини оширишда дин арбобларининг саъй-ҳаракатлари ҳам аҳамиятга эга, деб ўйлаймиз.

Мустақил давлатимизни мустаҳкамлаш, яқин келгусида ҳар томонлама тараққий этган қудратли давлатга айлантириш учун ёшлар онгига янги сиёсий ва маънавий йўналишларни, халқимизнинг минг йиллик ўтмиши мобайнида тўплаган бой миллий қадриятларини қайта тиклаб, ўз ватанимиз, ўз халқимиз фаровонлиги учун астойдил илмга чанқоқлик ва меҳнат қилишдек янгича ҳаётий эътиқодни шаллантириш бугунги куннинг ўта долзарб масалаларидан бири деб ҳисобласак хато қилмаган бўламиз.

Хулоса қилиб айтганда, педагогикада миллий ва умуминсоний қадрият таълим жараёнини инсонпарварлаштириш ғоясининг асоси бўлиб, йирик фалсафий антропологик ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга. Уни ҳал этиш инсон ва цивилизация ривожланиши ёки унинг тараққиётига ёрдам бериши мумкин бўлган ижтимоий ҳаракатнинг стратегияси ана шунга боғлиқ. Бу эса таълим тизимини инсонга келажакда зарур бўладиган куч-қудрат ва унинг ижтимоий аҳамиятли дунёқараши ҳамда ахлоқий манфаатларини тиклашга олиб келади.

**Адабиётлар**


1. Туленов Ж., Қодиров Б., Ғофуров З . Маънавий юксалиш сари. –Т.: “Меҳнат”, 2000. 192- б.
2. Сластенин В.А. и др. Общая педагогика. / Под.Ред.Сластенина В.А.: в 2-х ч. –М.: Владос, 2003. Ч.1.гл. 33, -С. 65.
3. Туленова Г. Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий омилнинг роли (Ижтимоий-фалсафий таҳлил): Фал. фан. док. ...дисс. – Т.: 2006. 317-б.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада талабалар бой миллий маданий-тарихий анъаналар, урф-одатлар ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий-педагогик механизмлари ишлаб чиқиш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг методик тизимини ишлаб чиқишнинг долзарб аҳамияти ҳақида фикрлар билдирилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье дается обзор роли студентов в разработке эффективных организационно-педагогических механизмов, основанных на национальных культурно-исторических традициях, традициях и общечеловеческих ценностях, разработке методологической базы для углубления демократических реформ и развития гражданского общества.

**SUMMARY**

The article provides an overview of the role of students in the development of effective organizational and pedagogical mechanisms based on national cultural and historical traditions, traditions and universal values, and the development of a methodological basis for deepening democratic reforms and developing civil society.


## БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЁЗМА ВА ОҒЗАКИ НУТҚИНИ ЎСТИРИШ


**Г.Б.Бабашева –** *педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори*

*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*



**Таянч сўзлар:** мустақил иш, ижодий фикр, мотивация, қобилият, оғзаки, ёзма, нутқ, мустақил фикр, ижодий тафаккур, таққослаш, танқидийлик.

**Ключевые слова:** самостоятельная работа, творческое мышление, мотивация, способности, устное, письменное, речевое, независимое мышление, творческое мышление, сравнение, критическое мышление.

**Key words:** independent work, creative thinking, motivation, ability, oral, written, speech, independent thinking, creative thinking, comparison, critical thinking.


Бошланғич таълимда она тили дарслари самарадорлигини оширишда ўқувчиларни мустақил ишлашга, ижодий фикрлашга ўргатиш долзарб аҳамият касб этади. Мустақил иш бу ҳар бир ўқувчининг индивидуал иши ҳамдир. Мустақил иш дарснинг барча босқичларида ўтказилиши мумкин. Она тили фанидан мустаҳкамлаш дарслари ўтказилар экан, асосий эътиборни мустақил ишлар орқали ижодий тафаккурни ривожлантиришга қаратиш жоиз. Умуман, синфда ижодий вазият яратишда грамматик таъриф ва қоидалар учун танланадиган мисоллар ва дидактик материаллар муҳим ўрин тутади. Психологияда ижодий фикрлашни ривожлантиришнинг бир қанча омиллари тадқиқ қилинган. Улар таркибига мотивация, таҳлил, таққослаш, умумлаштириш, таснифлаш, режалаштириш, мавҳумлаштириш каби шакллантирувчи, шунингдек, танқидийлик, теранлик, мослашувчанлик, тасаввурни ривожлантириш ва билимларни ўзлаштириш каби тавсифларни мисол қилиш мумкин.

Педагогика ва психологияда ўқув-билув мотивациясини ривожлантиришга таъсир кўрсатишнинг объектив (вазиятли) ва субъектив (шахсий) шарт-шароитлари гуруҳлаштирилган. “Субъектив шароитлар бу инсон характерининг барқарор жиҳатлари, у ёки бу вазиятларда ҳолатга бутун қобилияти билан ёндашиш. Объектив муҳит шароитларига таълим жараёнини ташкил этишда ўқувчи ташаббусига таъсир ўтказмасдан, ўз кучи ва имкониятига ишончни шакллантириш, мустақиллигини рағбатлантириш, тасаввурни ривожлантириш кабилар киради” [1].

Р.Х.Джураевнинг фикрича, болалардаги ижодкорлик сифатларини ривожлантиришда инсонийлик, узлуксизлик, узвийлик, толерантлик, мустақиллик ва ўзига ишонч, шахсга йўналтирилган ёндашув, онглилик, фаоллик ҳамда таълимнинг илғор ривожланиш тамойиллари характерлидир [2].

Г.Амированинг таъкидлашича, тасвирий-бадиий фаолиятда ижоднинг намоён бўлиши боланинг мотивациясини ташкиллаштиришдир. Булар: атроф-олам ҳодисаларини кундалик кузатишни ташкиллаштиришда; санъат билан мулоқот; материал билан таъминлаш; боланинг индивидуал ўзига хослигини ҳисобга олиш; тасвирий фаолиятда ижодий муҳитни ташкиллаштириш; топшириқни асослаш кабилардан иборат [3].

М.Тоирова ижодий қобилиятлар ривожида маълум бир фаолиятни амалга ошириш мобайнида, ҳаракатлар кетма-кетлигини эркин танлай олиш, ривожлантиравчи муҳит, оила ва жамоадаги илиқ, дўстона муҳитнинг таъсирини эътироф этади. “Болани ижодкорликка узлуксиз руҳлантириб туриш, унинг муваффақиятсизликка чидамли бўлиши, ҳаттоки ҳаётда амалга ошириб бўлмайдиган ҳар қандай ғояларини ҳам сабр-тоқат билан қабул қилиши муҳимдир. Танбеҳ ҳамда қоралашга йўл қўймаслик даркор”[4].

К.Қосимова ўқувчиларда ўқув-билув мотивациясини шакллантириш ижодий характердаги саволлар тузишга ўргатиши, матнни сўз билан ёки график тасвирлашга йўналтириши нуқтаи назаридан тавсифлайди ҳамда унинг “асарда ёзувчи тасвирлаган ҳаётий манзараларни аниқ тасаввур қилишлари учун қулай имкониятлар яратиши”ни таъкидлайди [5].

Ўқув материаллари ўқувчиларнинг ёзма ва оғзаки нутқини ўстириш, ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш характерига эга. Ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришдаги турли машқлар, ёзма ишлар асар матнини ўрганишда, болаларнинг нутқини ўстиришда ёрдам беради. Ўтилган асар матнини қайта ҳикоялатиш, кичик сюжетли матн режасини тузиш, таълимий иншога материал тўплаш, тўпланган материални тартибга солиш, муҳокама, грамматик топшириқли, грамматик мавзуда иншо ёздириш, газета ва журнал материаллари асосида мақола ёзиш, муҳокама иншо ёзиш каби ишлар ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш қобилиятини ўстиради. Грамматик ўйинларни қуйидаги мавзулар асосида тайёрлаш мумкин:

Ижодий иншо ёзиш мусобақаси, “Ким фикрга бой?” ўйини, “Ким илғор?” ўйини, “Ажойиб хаёлпараст” ўйини, “Ким топқир?” ўйини, “Биринчилик учун кураш” ўйини, “Эпиграф танлаш” мусобақаси.

***“Ажойиб хаёлпараст”*** дидактик ўйини ўқувчиларнинг теварак-атроф, воқеа-ҳодисалар, уй ҳайвонлари ва ёввойи ҳайвонлар, улар ҳақидаги фильм таассуротлари, шунингдек, саёҳатга бориш, балиқ ови, турли меҳнат корхоналарига экскурсия таассуротлари асосида ўтказилади. Ўйиндан биринчи географик кашфиёт, мустақил ўқилган асар, кўрилган фильм, саёҳатлар бўйича иншо ёздиришда фойдаланилади. Ўқувчилар, айниқса, янгиликларга, учувчилар ҳаётига жуда қизиқадилар.

***Ўйинни ўтказиш тартиби:*** *синфдаги ўқувчилар икки гуруҳга бўлинади; уларнинг сардори сайланади; вақт белгиланади; олдиндан ёзилган иншо мавзулари қоғозча орқали аниқланади; маслаҳат учун вақт ажратилади.*

Белгиланган вақт тугагач, иншо матни 1-гуруҳ аъзолари томонидан тартиб билан баён этилади. Ҳикояни гуруҳ сардори бошлайди, кейингилари давом эттирадилар. Узилиш ҳолатлари алоҳида ҳисобга олинади.

2-гуруҳ ҳам ишни шу тарзда давом эттирадилар. Дарс давомида ғолиб гуруҳ аниқланади. “Ажойиб хаёлпараст” дидактик ўйини “Дам олиш куни”, “Анҳор бўйида”, “Дарёдаги воқеа”, Муғомбир тулки”, “Ажойиб ёз кунларининг бирида” каби мавзулардаги ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Бунда ўқувчиларга матн мавзуси ва уни ёритиш; мавзуга қараб матнда акс этадиган материаллар, далиллар, ҳодисаларнинг танланиши; матннинг тўлиқ ва тўғри бўлиши; мавзуни қандай шакллантириш зарурлиги ҳақида маълумот берилади. Масалан, 1-гуруҳнинг “Балиқ овида” мавзуси бўйича матн яратиши қуйидаги тартибда ташкил этилиши мумкин:

– биринчи гапда ўқувчилар синфдош дўстлар биргаликда балиқ овига боришни маслаҳатлашганлиги, бунинг учун пухта тайёргарлик кўрилгани ҳамда орзиқиб кутилган кун етиб келганлигини;

– иккинчи гапда улар (болаларга Дилшод, Баҳром деб исм қўйилади) тонг саҳарданоқ мактаб олдига тўпланиб, зарур ашёлар (челак, қармоқ ва чувалчанг солинган идиш)ни олишганини;

– болалар (Дилшод, Баҳром) ҳеч қачон балиқ овига чиқмаган бўлсалар-да, бу ҳақда кўп нарсаларни эшитганлигини (воқеалар ёзилади);

– ўзларининг тажрибасизлик қилиб,фақат қармоқ олишгани, дарёга етиб келгач, қирғоққа ўтириб қармоқ ва тўрларни сувга ташлаганлиги;

– тўрни йиғиб ола бошлаганлари, қармоқни сувдан тортмоқчи бўлган бола (Дилшод)нинг кучи етмаганлигини;

– нимадир қармоқни сув тагига тортганлиги, бола (Дилшод) қичқириб юборганлиги, болалар унга ёрдамга келганлиги ва биргалашиб қармоқни сувдан тортганлиги;

– қармоққа лаққа балиқ илинганлиги, бу эса бола (Дилшод)нинг биринчи ови эканлиги изчилликда баён этилади.

2-гуруҳ ўқувчиларининг “Ўрмондаги ҳодиса” мавзуси бўйича иншо матни қуйидагича тузилиши мумкин:

1) болалар баҳор кунларининг бирида ўрмонга борганлиги; қорлар эрий бошлаганлиги, тоғ чумчуқлариучиб кела бошлаган пайтлиги;

2) улар ўрмондаги сўқмоқ йўлдан кетаётганларида бирдан рўпараларидан кулранг, кичкина, олғир қирғий осмонга кўтарилгани; бола (Рашид) қирғий чангалида тоғ чумчуғини кўриб қолганлиги;

3) бола (Рашид) тоғ чумчуғини қандай қилиб қутқариш чорасини қидира бошлагани; афсуски, у сочма ўқ билан отиладиган ов милтиғини олмаганлиги;

4) бола (Рашид)иложсиз қолганлиги; вақт эса ўтиб бораётгани, нима қилиш кераклигини билмаганлиги;

5) тоғ чумчуғини қирғий чангалидан қутқариш чораси топилмади...

Иншо матнини тузишда узилиш бўлгани учун ўйин тугатилади. Гуруҳ имконияти қўлдан берилади.

“Ажойиб хаёлпараст” дидактик ўйини якунланади. Ғолиб гуруҳ аниқланади ва рағбатлантирилади. Иккинчи гуруҳ аъзоларида сўз бирикмаси, гап, матн тузиш, фикрни давом эттириш, ғояларини ижодий ифодалаш юзасидан билимларидаги бўшлиқлар аниқланиб, бартараф этиш чоралари белгиланади.

Демак, бола ўзига керакли билимни кўриб, эшитиб, ўқиб ўрганади. Бу эса тил воситасида амалга ошади. Агар тил бўлмай ҳар бир киши ўз тажрибасига асосланганда эди, бугунги моддий ва маънавий тараққиётга эришилмаган бўлар эди.Тил туфайли билим оғзаки ва ёзма тарзда авлоддан авлодга қолдирилади, натижада авлодларга қолдирилган мерос давом эттирилади ва тараққиёт таъминланади. Тил умумлаштириш хусусиятига эга бўлганидан инсон сўз ёрдамида борлиқни ўрганиб, умумий тушунчалар ҳосил қилади, ҳақиқатни идрок этишга ўрганади.

**Адабиётлар**

1. Ergasheva G. Talabalarda ijodiy fikrlashni rivojlantirishning asosiy komponentlari. // Xalq ta’limi. –Тошкент: 2017. № 5. 48-b.
2. Джураев Р.Х., Умарова Х.А. Иқтисодий таълим тизимида ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш. //”Uzluksiz ta’lim”. –Тошкент: 2013. № 4. 16-б.

3. Амирова Г., Джураев Б. Болалар ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг оптимал йўллари // “Uzluksiz ta’lim”. –Тошкент: 2015. № 5. 14-б.
4. Toirova M. Maktabgacha yoshdagi bolalarning ijodiy qobiliyatlarini shakllantirish texnologiyasi. // “Xalq ta’limi”. –Тошкент: 2019. №2. 85-б.
5. Qosimova K. va boshq. Ona tili oʻqitish metodikasi. –T.: “Noshir”, 2009. 98-b.

**РЕЗЮМЕ**

Бошланғич таълимда дарс самарадорлигини оширишда ўқувчиларни мустақил ишлашга, ижодий фикрлашга ўргатиш , синфда ижодий вазият яратишда грамматик таъриф ва қоидалар учун танланадиган мисоллар ва дидактик материаллар муҳим ўрин тутиши, грамматик ўйинларни тайёрлаш мавзулари борасида айтилади.

**РЕЗЮМЕ**

Говорят, что подобранные примеры и дидактические материалы по грамматическому определению и правилам играют важную роль в повышении эффективности уроков в начальном образовании, обучении учеников самостоятельной работе, творческому мышлению, создании творческой ситуации в классе, подготовке грамматики.

**SUMMARY**

They say that selected examples and didactic materials on grammatical definition and rules play an important role in increasing the effectiveness of lessons in primary education, teaching students to work independently, creative thinking, creating a creative situation in the classroom, and preparing grammar.

# ЎРТА МАКТАБЛАРДА ЁЗДИРИЛАДИГАН ИНШОЛАР ВА УЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

**М.Ҳазратқулов –** *доцент*
*Самарканд давлат университети*

**Таянч сузлар:** таълимий иншо, кўркам тасвир, гўзаллик, тасаввур ва хаёлот, *экспозиция, воқеа ривожи, кулминация,* адабий таълим.

**Ключевые слова:** учебное эссе, визуальный образ, красота, воображение и фантазия, экспозиция, сюжетная линия, кульминация, литературное образование.

**Key words:** educational essay, visual image, beauty, imagination and fantasy, exposition, storyline, culmination, literary education.

Таълимий иншолар она тили дарсларида, асосан, грамматик қоидаларни амалиётда қўллашга ўргатиш мақсад қилиб қўйилган ёзма ишлар ҳисобланади. “Тил ҳодисаларидан амалда фойдаланишга ўргатиш, ўзбек адабий тилининг бой имкониятларидан нутқда фойдаланиш каби зарур малакалар, асосан, таълимий иншолар орқали шакллантирилади”. Адабий таълимда эса “Адабиёт” дарсликларидан ўрин олган бадиий асарларнинг мазмун-моҳияти асосида ташкил этиладиган иншолар ўқувчиларда эзгу ахлоқий-маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган бўлади.

Таълимнинг юқори босқичига ўтган ўқувчилар билан унинг дастлабки синфларида – бошланғич адабий таълимда амалга оширилган ишлардан унча узоқлашмаган ҳолда фаолият юритилади. Яъни 5-, 6-синфлар “Адабиёт” дарсликларидан ўрин олган бадиий асарлар мисолида адабий ва адабий-ижодий мавзуларда иншолар ташкил этиш самарали иш турларидан ҳисобланади.

Иншолар моҳиятан ижод ва яратишга мойил, тасаввури ва хаёлоти даражаси юқори бўлган ҳамда маънавий баркамоллик сари юз бурган шахсни шакллантиришда, ўқувчиларни ижодга йўналтиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчилар тасаввури ва хаёлоти адабий таълимнинг бу босқичида назарий тушунчалар билан бойиб, ривожланиб боради. Унда бадиий матннинг бутунлиги, иншодаги барча унсурларнинг ажралмаслиги ҳамда мустаҳкамлигини кўриш қобилияти шаклланади. Бу билан ўқувчи бадиий асар яратиш жараёнига бевосита аралашгандай бўлади.

Бу ишнинг қандай амалга оширилишини дарсликдан ўрин олган асарлар мисолида кўриш мумкин. Масалан, 5-синфда “Уч оға-ини ботирлар” эртаги ўрганилганидан сўнг “Агар подшо уч оға-ини ботирлардан сир олмоқни бир вазирга топширмаганида…” мавзусида оғзаки иншо дарси ўтказилиши мумкин. Қайд этиш лозимки, сюжет чизиғи чизмасини тузиш топшириғининг амалда қандай бажарилишига тажриба-синов ишлари жараёнида алоҳида эътибор қаратилди. Бироқ ўқувчиларда бу кўникма шаклантирилмаган бўлса, ўқитувчи бундай топшириқни беришдан олдин сюжетнинг ҳар бир унсури ҳақида назарий маълумот бериши керак бўлади: *экспозиция* – асар воқеалари бошлангунига қадар ўрин-жой ва табиат тасвири; *тугун* – асарда тасвирланган воқеалар ривожланишининг бошланғич нуқтаси; *воқеа ривожи* – асарда воқеаларнинг кетма-кетликда ривожлана бориши; *кулминация* – асар воқеаларининг энг юқори, авж нуқтаси; *ечим* – бадиий асар воқеалари ривожланишининг якуний нуқтаси.

Сюжет унсурлари ҳақида тушунча берилгач, ўқувчилар “Уч оға-ини ботирлар” эртагининг сюжет чизиғи чизмасини (2.3-жадвалга қаранг) қуйидаги шаклда тузишлари мумкин.

2.3-жадвал

**“Уч оға-ини ботирлар” эртагининг сюжет чизиғи**

| Уч оға-ини ботирлар | |
|---|---|
| *Экспозиция* | *Бир чолнинг учта ўғли борлиги* |
| *Тугун* | *Чол ўғилларини чақириб, насиҳат қилиши, саёҳатга йўллаши* |
| *Воқеа ривожи* | *Ботирларнинг тунги навбатчиликдаги қаҳрамонлиги* |
| *Кульминация* | *Ботирларнинг меҳмондорчиликда* |
| *Воқеа ривожи* | *Подшонинг ботирларни куёв қилиши* |
| *Ечим* | *Ботирларнинг ўз келинчаклари билан ота уйига қайтиши* |

Бу иш тугаллангандан сўнг ўқитувчи ўқувчиларга сюжет чизиғидаги ҳалқаларнинг бирида ўзгариш қилишни тавсия этади. Масалан, чол ўғилларини сафарга йўллашдан олдин уларга аввалги насиҳатларининг айнан тескарисини қилсин. Буни ҳам болаларнинг ўзларидан сўраш уларнинг иш фаолиятида катта самара беради. Мазкур топшириқ дарҳол ўқувчилар тасаввурини қўзғатади, ўқитувчи ушбу савол билан масалани аниқлаштиради: «Уч оға-ини ботирлар қандай йўл тутишарди?» 5-синф ўқувчилари турли жавоб вариантларини берадилар:

– ботирлар қаҳрамонлик кўрсата олишмасди;

– қилган ишлари билан мақтаниб, мағрурликка йўл қўйишарди;

– подшони ўз ақллари билан лол қолдиролмасдилар ва ҳк.

Кейин ўқитувчи ўқувчиларга бу вариантлардан бирини танлаб олишларини таклиф қилади ва қуйидаги саволга жавоб ёзишларини сўрайди: “Энди сюжетнинг қолган қисмларида нима юз беради?”

5-синф ўқувчиларининг ишини енгиллаштириш мақсадида уларга қуйидаги саволлардан бирини намуна сифатида бериш мумкин: “Ботирларга ном қозонишларида ким (ёки нима) ёрдам берди? (Ўқувчилар ўзлари ўйлаб топган эртак қаҳрамони ёки сеҳрли буюмни жавоб сифатида беришлари мумкин). Эртакдаги қайси воқеа унинг авж нуқтаси саналади? (Ботирларнинг зиёфатда айтган гаплари, Кенжа ботирнинг тошга айланиши). Ҳасадгўй вазир ботирларга яна қандай зарар етказиши мумкин? (Яна бирор ҳодиса юз бериши мумкинми?) ”.

Тасаввур қилиш жараёни тугаганидан сўнг, ўқитувчи ўқувчилар диққатини ўзлари томонидан мустақил ўйлаб топилган эртак вариантининг асосий ғояси халқ эртагининг бош мавзусига қанчалар мос келишига қаратади: ботирлар қиёфасидаги яхшилик арслон, аждаҳо, қирқ қароқчи ва ҳасадгўй вазир тимсолидаги ёвузликларни енгишади. Бироқ ўқувчилар ўзлари ёзадиган иншо-эртакларининг деталларини ўйлаб топишлари зарур. Ўқувчилар ўзлари ўйлаб топганларига асосланиб иншонинг режасини тузадилар, у ўқитувчи томонидан таҳрир қилинади ва режа асосида ижодий иншо-эртак ёзилади.

5-синф адабиёт дарсларида Антуан де Сент-Экзюперининг “Кичкина Шаҳзода” эртаги ҳам ўрганилади. Эртак таҳлилига бағишланган дарс “Эзгулик менинг тасаввуримда” мавзусидаги ижодий иншога тайёрланиш мақсадида ташкил этилади. Эртак ўқитувчи томонидан ўқиб берилгандан сўнг иш унинг умумий ғоясини тушуниб олиш ва матндан ажратиб кўрсатиш усулларидан бошланади. Англашиладики, эртакнинг асосий ғояси – эзгуликнинг ёвузлик ва ёмонликка қарши кураши. Ёзувчи китобхонни ҳар бир шахс ўзидаги ҳасад, очкўзлик, жоҳиллик каби камчиликларини кузатиши ва уларга мустақил равишда қарши курашиши мумкин деган хулосага олиб келади. Шунингдек, ўқитувчи асарда ёвузликнинг аниқ тимсоли борлигини аниқлаштириб беради, бу – илон.

Кейинги босқичда асар қаҳрамонлари тушиб қолган вазият ва инсоннинг қандай фазилатлари илонни фош этишга хизмат қилиши ҳақида суҳбат қурилади. Эртакнинг муайян эпизодлари танланади ва таҳлил қилинади:

1) Кичкина Шаҳзоданинг якка-ёлғиз қирол, шуҳратпараст, пиёниста, корчалон ёзувчи чол, чироғбон, илон, тулки, гул, бекат назоратчиси, савдогар билан ўзаро муносабати. Илон ёвузлигига бориб, Кичкина Шаҳзодани чақиши;

2) рақамлар билан белгилаган астероидларнинг аслида одамларга хос бўлган фазилат ва нуқсонлар эканлиги. Кичкина Шаҳзоданинг пиёниста билан у яшайдиган сайёрада (шу иллатга мубтало бўлган инсонлар қалбида) кечган суҳбати.

Асосий эътибор ёзувчининг ўз қаҳрамонларига ёш бола нигоҳи билан фалсафий ҳамда юмористик ёндашувига, китобхонни мустақил мушоҳада юритишга чорлайдиган вазиятларга қаратилади. Ўқитувчи томонидан фалсафий мушоҳада ва юмор, яъни енгил кулгининг ўз камчиликларини енгиш усули эканлигига алоҳида урғу берилади.

Дарснинг кейинги босқичи – ўқувчиларнинг ўзларидаги салбий деб билган сифатларнинг аниқланишидир. Ўқитувчи қуйидаги савол билан топшириқни аниқлаштиради: “Ўзингизни кузатинг-чи, табиатингизда қандай “илончалар” яширинган экан?”

Ўқувчилар бу саволга “эътиборсизлик, кўполлик, паришонхотирлик, айёрлик…” ва бқ.ларни санаб жавоб беришлари мумкин. Ўқитувчи уларнинг орасидан биттасини танлаб олади ва дарснинг кейинг босқичида эстетик вазиятни Де Сент-Экзюпери эртаги билан ўхшашлик бўйича моделлаштириш амалга оширилади.

Бу ерда ўхшашлик шунда намоён бўладики, ўқувчилар вазият намунасига эга бўлишиб, уларнинг иншоларида ҳам шу қаҳрамон – илон қатнашиши керак. Вазият юмористик характерда бўлиб, қуйидаги асосий ғоя ифодаланади: “Шахсий камчиликлар билан курашиш қандай бўлади?»

Ўқувчилар шу пайтгача ўз характеридаги салбий сифатлар ҳақида ҳеч ҳам ўйлаб кўрмаганлари аниқ, албатта. Бу кузатувлари уларни ҳаётларида юзага келган кулгили, ҳаяжонли ёки хафа бўлган онларини эслатади. Агар ўқувчи бундай вазиятларни аниқлашга қийналса, унга ўқитувчи қўшимча саволлар билан ёрдамлашиши ўринли бўлади. Бундай иш натижасида жуда қизиқ иншолар яратилиши мумкин.

**Адабиётлар**


1. Husanboeva Q. Tahlil – adabiyotni anglash yo`li. –Toshkent: “Sharq», 2013, 346-b.
2. Ҳусанбоева Қ. Адабиѐт–маънавият ва мустақил фикр шакллантириш омили. –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриѐти. 2009. 368-б.
3. Qosimova K. Ona tili o`qitish metodikasi. –Toshkent: «Noshir», 2009. 232-b.
4. Turdiev B. Yozma nutqni rivojlantirish yuzasidan praktikum. –Toshkent: «O`qituvchi» 1980, 124-b.
5. Madaev O. Insho qanday yoziladi. –Toshkent: 1991 120-b.



**РЕЗЮМЕ**

Умумтаълим мактабларининг юқори босқичида ўқувчиларга адабиётни ўқитишнинг асосий мақсади бадиий сўз, кўркам тасвир ва гўзаллик кўмагида комил инсонга хос бўлган маънавий-ахлоқий сифатларини юзага чиқаришдан иборатдир. Ана шу фазилатларни камол топтириш, ўқувчиларнинг дунёқарашини бойитиш, эстетик-ижодий қобилиятини юзага чиқаришнинг муҳим шарти иншо ёздириш ҳисобланади.

**РЕЗЮМЕ**

Основная цель обучения литературе учащихся старших классов общеобразовательных школ - раскрыть духовно-нравственные качества совершенного человека с помощью художественного выражения, стилистических единиц и образности красоты. Важным условием развития этих качеств является обогащение мировоззрения учащихся, развитие эстетических и творческих способностей для написания эссе.

**SUMMARY**

The main goal of teaching literature to senior students of secondary schools is to reveal the spiritual and moral qualities of a perfect person with the help of artistic expression, stylistic units and imagery of beauty. An important condition for the development of these qualities is the enrichment of the students' worldview, the development of aesthetic and creative abilities for writing essays.

# GEOGRAFIYA DARSLARIDA ROLLI O‘YINLARDAN FOYDALANIB O‘QUVCHILARDA FANGA OID KOMPETENSIYALARNI SHAKLLANTIRISH METODIKASI
## (“Inson faoliyati muhim ekologik omil sifatida” mavzusi misolida)

**X.B.Xalilov** – *o‘qituvchi*
*Farg‘ona viloyati xalq ta’limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish hududiy markazi*

**Tayanch so‘zlar:** “O‘yin” tushunchasi, o‘yin fenomeni, rolli o‘yin, ekologik madaniyat, ayblanuvchi, himoyachi, ayblovchi, Ekotizim, Statistika, Biosfera, Sudya, Inson.

**Ключевые слова:** понятие "Игра", феномен игры, ролевая игра, экологическая культура, обвиняемый, защитник, обвинитель, экосистема, статистика, биосфера, судья, человек.

**Key words:** “Game” concept, game phenomenon, role play, environmental culture, defendant, defender, accuser, ecosystem, statistics, biosphere, judge, human.

Kirish. Mamlakatimiz ta’lim tizimida olib borilayotgan islohotlarning muvaffaqiyatini yuqori saviyadagi umumiy va kasbiy madaniyatga ega, metodologiya va pedagogika sohasida fundamental bilimlarni chuqur biladigan, ta’lim jarayonida pedagogik muammolarni tizimli ravishda olib boruvchi mahoratli va omilkor o‘qituvchilarsiz tasavvur qilib bo‘lmaydi [1].

Ta’lim-tarbiya jarayonida o‘yinlardan foydalanish masalasi hamma vaqt pedagoglar, psixologlar, o‘qituvchi va uslubchilarning e’tiborini jalb qilib kelgan. Bugungi kunga kelib ta’limning turli bosqichlarida o‘yinlarni tashkil qilish metodikasi, o‘yin faoliyatining psixologik-pedagogik xususiyatlari to‘liq o‘rganib chiqilgan.

Chet el adabiyotlarida “o‘yin” atamasi “modellashtirish” tushunchasiga yaqinlashtirilgan. I.K.Juravlyovning ta’kidicha, “o‘yin – bu real vaziyatni modellashtirishga qaratilgan, modellashtirilayotgan sharoitda qarorlar qabul qilish ko‘nikmalarini shakllantirish maqsadida tashkil etilgan o‘qitish usuli” [2].

“Rolli o‘yin” metodida o‘qituvchi o‘quvchilar haqida oldindan ma’lumotga ega bo‘lishi lozim. Chunki rollarni o‘ynashda har bir o‘quvchining individual xarakteri, xulq-atvori muhim ahamiyat kasb etadi. tanlangan mavzu o‘quvchilar o‘zlashtirish darajasiga mos kelishi kerak [3].

Adabiyotlar tahlili va metodologiya: O‘yin faoliyatining mazmuni va uni tashkil qilish masalasida MDH va horij davlatlarida N.N.Baranskiy, Gold Djon, N.V.Bolotnikova, A.N.Leontev, L.S.Vigotskiy, D.B.Elkonin, S.Ye.Praslova, I.K.Juravlyov, o‘zbek olimlaridan O.Mo‘minov, P.Baratov, H.Vahobov, A.Qayumov, R.Qurbonniyozov, M.Asanov, U.Safarova, H.Nikadambayeva, A.Norboyevlar o‘zlarining muhim tadqiqot ishlarini olib borishgan.

Asosiy qism.

Mavzu: Inson faoliyati muhim ekologik omil sifatida.

Maqsad: Insonning atrof-muhitdagi (yaratuvchilik va buzg‘unchilik) faoliyatini o‘rganish asosida o‘quvchilarda “Tabiatni muhofaza qilish va ekologik madaniyat” kompetensiyasini shakllantirish.

Darsning vazifasi:O‘quvchilar tomonidan o‘quv materialining o‘zlashtirilishini ta’minlash, muammolarni muhokama qilish, jamoaviy qaror qabul qilish, o‘z nuqtai nazarini isbotlash va javoblarni izohlash ko‘nikmalarini rivojlantirish.

Rollar: Dars mashg‘uloti davomida ishtirokchilarga o‘z imkoniyatlaridan kelib chiqib quyidagi rollar taqsimlanadi. (Sudya – sud yig‘ilishini olib boradi. Ayblanuvchi – inson o‘zini himoya qiladi. Himoyachi – uning rolini o‘qituvchi bajaradi. Tarix, Ekologiya – o‘z ko‘rsatmalarini gapiradi. Ayblovchi – uning rolini ikkinchi o‘qituvchi bajaradi. Ekotizim, Evolyutsiya, Statistika, Biosfera – guvohlik ko‘rsatmalarini berishadi. Maslahatchilar – sud jarayoni davomida tayanch konspektni to‘ldiradi va jarayon yakunida qisqacha xulosa qilinadi.

Rolli o‘yin: “Inson faoliyati ustidan sud”.

Sudya: Bugungi ko‘riladigan ish eshitiladi:“Inson faoliyati ekologik omil sifatida”. Sudlanuvchi kursisida inson. Ayblovchi va himoyachi tomonlar tayyormi? Sud maslahatchilarichi? Rozilik belgisi sifatida qo‘lingizni ko‘taring.

Sudya: Unda ishni eshitamiz. Ayblovchi tomon, sizning birinchi guvohingiz.

Ayblovchi: Minnatdorman, hurmatli sud raisi. Ko‘rsatma berish uchun Evolyutsiya taklif qilinadi. Marhamat qilib sudga insonning paydo bo‘lishi va shakllanishi to‘g‘risida gapirib bering.

Evolyutsiya: Hurmatli sud raisi hamda sud maslahatchilari, so‘zimni boshlashdan oldin shuni ta’kidlamoqchimanki, men insonni ayblamayman va himoya ham qilmayman. Yerning geologik o‘tmishini bir soat deb tasavvur qilsak, ongli insonning biosferaning bir qismi sifatida shakllanishi bir necha sekundga to‘g‘ri keladi.

Ayblovchi: Ijozat bering hurmatli sud raisi. Demak, inson – bu yosh biologik tur bo‘lib, uning aqliy qobiliyati biosferada o‘ziga mos makonni egallab olishiga sabab bo‘ldi. Ko‘rsatma berish uchun Ekotizim taklif qilinadi.

Ekotizim: Men sud jarayonida o‘z ko‘rsatmamni bermoqchiman. Odamlar o‘zlarining aqliy qobiliyatlari tufayli o‘z ehtiyojlarini to‘la qondirish uchun Yer sharini har tomonlama va tezlik bilan o‘zlashtirdilar hamda uni davom ettirmoqdalar. Oqibatda tabiatdagi ekotizimni o‘zgartirmoqdalar.

Ayblovchi: Hurmatli sud raisi, men ko‘rsatma berish uchun Statistikani taklif qilaman va u Ekotizimning bildirgan fikrlarini yana bir bor tasdiqlaydi.

Statistika: BMT ma’lumotlariga ko‘ra sanoati rivojlangan davlatlarning o‘zida asfalt yo‘llar, sanoat korxonalari, aholi punktlari va boshqa qurilish ishlari ostida har yili 3 ming km kv tabiiy landshaftlar yo‘qotilib, ularning o‘rnida antropogen landshaftlar vujudga keltirilmoqda.

Ayblovchi: Bu ifloslanishlarga biosferaning aks ta’siri qanday bo‘lmoqda? Ko‘rsatma berish uchun Biosfera taklif qilinadi.

Biosfera:Hurmatli sud raisi hamda sud maslahatchilari, men og‘ir kasal bo‘lib qoldim. Buni tasdig‘i sifatida, mening og‘ir va murakkab tashxisimni eshiting:

1. Oltingugurt va boshqa kislotalar mendagi barcha a’zolarni (daryo, ko‘l, yer osti suvlari, o‘rmon, dala) ifloslantirmoqda; ifloslantiruvchi moddalar embrionlarga tushib, barcha tirik organizmlarning salbiy rivojlanishiga, ularning zaharlanib, mayib-majruh holda tug‘ilishiga sabab bo‘lmoqda; zaharli moddalar ta’sirida umr ko‘rish davri qisqarmoqda.

2. Populyatsiyadagi o‘zgarishlar: insonlarning mening resurslarimdan o‘ylamasdan, nazorat qilmasdan foydalanishi oqibatida populyatsiyalarning strukturasi o‘zgarmoqda.

3. Ekotizimdagi o‘zgarishlar: Bir turdagi o‘simlikning yo‘q bo‘lishi 5 tadan 35 tagacha hayvon turlarining (asosan umurtqasizlar) yo‘q bo‘lishiga sabab bo‘ladi.

4. Ilgari tabiat insonlarni qo‘rqitib kelgan bo‘lsa, hozirda esa inson tabiatni qo‘rqitmoqda. Biroq insonlarning esidan chiqmasin?! Agarda men yo‘q bo‘lib ketsam, ular ham bo‘lmaydi, axir!!!

Ayblovchi: Hurmatli sud raisi! Ayblovchi tomon o‘zining nutqini tamomladi.

Sudya:Himoya tomon, sizning guvohingiz.

Himoyachi: Hurmatli sud raisi! Ijozat bering, mening himoyamdagilar o‘zlarining aybini bo‘yniga oladi. Men ko‘rsatma berish uchun Tarixni taklif qilaman.

Tarix: Ha, haqiqatan ham atrof-muhitni muhofaza qilish borasidagi inson faoliyati uzoq o‘tmishga borib taqaladi. Hozirgi bosqichda genetik xilma-xillikni saqlab qolish uchun insoniyat tomonidan tabiatni muhofaza qilish tadbirlari keng miqyosda amalga oshirilmoqda. Ular tomonidan noyob turlarni ko‘paytiradigan maxsus markazlar tashkil qilinmoqda: genlar banki, qo‘riqxonalar, buyurtmaxonalar, botanika bog‘lari, zooparklar shular jumlasidandir.

Himoyachi: Haqiqatan ham kishilik jamiyati fanlarining turli jabhalarida ancha ilg‘or yutuqlarga erishgan bo‘lsa-da ko‘p jihatdan ekologik bilimsizdir. Shu sababli hozirgi davrning eng dolzarb muammolaridan biri aholining barcha tabaqalarida ekologik ta’lim-tarbiya tizimini tashkil qilishdir.

Ekologiya: Ekologiya – tirik organizmlarning ularni qamrab turgan atrof-muhit bilan o‘zaro aloqasi to‘g‘risidagi fan. Bu aloqalar juda murakkab, bir butun tizimni hosil qilib, u yerdagi hayot deb ataladi. Insoniyat ham ana shu hayotning bir qismidir. Inson 3 mln yildan beri ma’lum bo‘lgan yerdagi biologik turlardan biridir.

Sistematika: Bugun insoniyat shunday bir vaziyatga yetib keldiki, uning Yer sharida yashab qolish yoki yo‘q bo‘lib ketish masalasi dolzarb bo‘liq qoldi.

Himoyachi: Hurmatli sud raisi, mening himoyamdagi Insonga so‘z berishga ijozat bering.

Inson: Shuni yaxshi tushunamanki, men alohida shaxs sifatida biosferaning rivojlanish mevasi bo‘lgan insoniyatdan ajralib qola olmayman. Biosfera o‘z navbatida Yer sharining rivojlanishi natijasidir. Shunga muvofiq odamlar sayyoramiz haqida qayg‘urib, birinchi navbatda atrof-muhit ifloslanishini oldini olish, ifloslangan chiqindilar va oqimlarni tozalash, ulardan qayta foydalanishning samarali va xavfsiz yo‘llarini ishlab chiqish, tabiatning ifloslanish darajasini, uning insonga ta’sirini hamda inson xo‘jalik faoliyatining atrof-muhitga ta’sir darajasini aniqlash va baholash, insonlarni ekologik tarbiyalash, ularda ekologik madaniyatni rivojlantirish.

Men va’da beramanki, insoniyat tabiatga nisbatan munosabatini o‘zgartiradi, uning o‘ziga xosligi va betakrorligini, o‘zini uning kichik bir bo‘lagi ekanligini tushunadi.

Sudya: Marhamat sud maslahatchilari. Sizlarga hukm chiqarish uchun 3 daqiqa vaqt (ular maslahat qilib, yakuniy xulosani aytishadi).

Endi kelinglar, sud maslahatchilarining qanday qarorga kelishganini eshitaylik:

Sud maslahatchilarining xulosasi: Biz bu masalada shunday fikr bildiramiz: bizning moviy sayyoramizni ko‘pincha ulkan kosmik kemaga qiyoslashadi. U olamning cheksiz bo‘shliqlarida harakatlanadi. Insoniyat esa ana shu kemaning yo‘lovchilaridir. Lekin, kemamizda ko‘plab yechimini kutayotgan ekologik muammolar bor.

Sudya: Hukm chiqarildi. Inson aybdor, lekin u o‘zining xatolarini tuzatishi kerak. Sud jarayoni tugadi.

III. Dars yakuni: O‘qituvchi: Sud o‘z ishini tugatdi. Hukm chiqarildi. Sud maslahatchilari o‘rtaga tashlagan ko‘plab savollar ustida o‘ylashimiz, o‘z faoliyatimizni atrof-muhitga zarar yetkazmaydigan tarzda olib borishimiz, bir so‘z bilan aytganda ekologik madaniyatli bo‘lishimiz zarur va bu bugungi kunning eng muhim talabidir.

Xulosa. Hayotiy vaziyatlarni modellashtirishga asoslangan o‘yinlar olingan bilimlar, egallangan ko‘nikma, malaka, kompetensiyalarning ahamiyatini oshiradi. O‘quvchilarning turli yangi vaziyatlarga tushishi bilimlarning integratsiyalashuviga, uning ijtimoiy tajribasini boyishiga ta’sir ko‘rsatadi.

Bundan ko‘rinib turibdiki, geografiya ta’limida o‘yinlarni tashkil qilish hamda o‘tkazish umumiy va fanga oid kompetensiyalarni shakllantirishda muhim ahamiyatga ega.

## Adabiyotlar

1. Sayidahmedov N. Yangi pedagogik texnologiyalar (nazariya va amaliyot). – T.: «Moliya», 2003, 172-b
2. Maxmudov S.Y., Umaraliyeva M.A., Karimova G.K. Ilmiy pedagogik va o‘quv-metodik nashrlar orqali o‘qituvchilarda informatsion tahdidlarning oldini olish mexanizmi. -T.: 2017, 157-b.
3. Norboyev A. Geografiya ta’limida innovatsion pedagogik texnologiyalar. -T.: ”Lesson press”, 2017, 159-b.
4. Safarova R.G., Yusupova F.I., Sabirova N.S., To‘qsonova Z. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarida modulli o‘qitish jarayonida pedagogik texnologiyalar bankidan foydalanish mexanizmlari. -T.: ”Tafakkur qanoti”, 2017.

**REZYUME**

Ushbu maqolada umumta’lim maktablarining yuqori sinflari geografiya darslarida “Inson faoliyati muhim ekologik omil sifatida” mavzusini o‘qitish misolida rolli o‘yinlardan foydalanish o‘quvchilarda bilim, ko‘nikma, malaka, hamda umumiy va fanga oid kompetensiyalarning shakllanishiga ijobiy ta’sir qilishi ko‘rsatib o‘tilgan.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье на примере темы «Человеческие действия как основной фактор экологии» рассмотрено положительное влияние ролевых игр в формировании у учащихся старших классов знаний, умений и навыков, а также общих и предметных компетенций.

**SUMMARY**

In this article, the use of role-playing games in the teaching of "Human activity as an important environmental factor" in the lessons of geography in the upper grades of secondary schools has a positive effect on the formation of knowledge, skills, abilities and general and scientific competencies. shown to do.

# ОЛИЙ ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МОЛЕКУЛЯР ФИЗИКАНИ КРЕДИТ–МОДУЛЬ АСОСИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

**Б.Ф.Избосаров –** *физика-математика фанлари номзоди, профессор*
**И.Р.Камолов –** *техника фанлари номзоди, профессор*
**С.С.Канатбаев –** *доцент*
*Навоий давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** олий таълим муассасалари, кредит-модуль тизими, физика, молекуляр физика, соат, мавзу, аудио, видео.
**Ключевые слова:** высшие учебные заведения, система кредит-модуль, физика, молекулярная физика, часы, тема, аудио, видео.
**Key words**: universities, credit module system, physics, molecular physics, clock, topic, audio, video.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 октябрдаги фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”га асосан мамлакатимиздаги 85% олий таълим муассасалари 2030 йилга қадар босқичма-босқич ўқитишнинг кредит-модуль тизимига ўтиши режалаштирилган. 2020-2021-ўқув йилидан 30 дан ортиқ олий таълим муассасалари ўқитишнинг кредит-модуль тизимига ўтди. Кредит дегани – бу олий таълимнинг маълум босқи-чида ушбу таълим даражасини қўлга киритиш мақсадида талаба томонидан узлуксиз равишда тўплаб бориладиган рамзий ўлчов бирлигидир. Бу бирлик талаба маълум миқдордаги ўқув юкламасини бажарганлиги, назорат натижа-ларини муваффақиятли тарзда эгаллаганлигини билдиради. Таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўқув режаларида 30 соат ўқиш юкламаси 1 кредит этиб белгиланган. Модуль дегани –

бу маълум ўқиш натижаларига эришишга қаратилган, ўзининг баҳолаш мезонларига эга бўлган тизимли, узлуксиз ўқиш ва ўрганиш ҳаракатлари йиғиндиси. Модуль бир семестр давом этиши ёки бир неча соатни ўз ичига олган бўлади.

Кредит-модуль тизимининг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

- талабанинг қобилияти, билими, истеъдодини инобатга олган ҳолда уларга йўналтирилган таълим бериш тизимини яратиш;
- талабага таълим бериш, билимини баҳолашда адолатли тизим яратиш;
- талабаларнинг ўз йўналиши ва мутахассисликлари доирасида билим, кўникма ва малакасини ривожлантириш асосида унинг касбий мослашувчанлигига эришиш.

Физика-астрономия таълим йўналиши учун тасдиқланган намунавий ўқув режаси (2020 йил) да Умумий физика фани учун ажратилган умумий соатлар ҳажми – 1050 соатни ташкил этиб, 524 соати аудитория ва 526 соати мустақил таълим соатларидан иборат. Аудитория соатларининг 180 соати маъруза, 180 соати амалий, 164 соатини лаборатория машғулотлари ташкил этади. Физика курси эса механика, молекуляр физика, электромагнетизм, оптика ҳамда атом ва ядро физикаси бўлимларидан иборат.

Молекуляр физика бўлими учун жами ажратилган соатлар ҳажми – 240 соат, шундан 40 соати маъруза, 40 соати амалий, 40 соати лаборатория машғулотларига ва 120 соати талаба мустақил таълими учун ажратилган.

Молекуляр физика фанини кредит-модул асосида ўқитишда намунавий фан дастури асосида ишчи фан дастури (силлабус) ишлаб чиқилди. Фан дастурида кўрсатилган барча мавзулар 8 кредит-модулга ажратилди. Ҳар бир кредит-модулга 30 соатдан тақсимланди.

Навоий давлат педагогика институти Физика ва астрономия ўқитиш методикаси кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан молекуляр физика фанидан кредит-модуль асосида ўқитишда қуйидаги ўқув-методик материаллар тайёрланди.

1. Умумий физика курси учун намунавий фан дастури асосида ишчи фан дастури (силлабус) ишлаб чиқилди.
2. Ўқув-услубий мажмуа;
3. Дарслик ва ўқув қўлланмалар;
4. Ахборот ресурс маркази, талабаларга етарли даражада дарслик, ўқув қўлланмалар билан таъминлаган;
5. Амалий машғулотларни бажариш талабларига етарли даражада ишланмалар ва ўқув қўлланмалар билан таъминланган;
6. Лаборатория хоналари хозирги замон асбоб ва ускуналар билан жихозланган ҳамда дастурда кўрсатилган лаборатория ишларини бажаришга шароит яратилган;
7. Маъруза зали барча аудио-видео, яъни ўқитишнинг техник восита ва ускуналари билан жихозланган. Шу фанга оид кўргазмали дидактик қуроллар, тажриба ишларини намойиш қилиш учун барча шароитлар қилинган. Электрон доскада шу фанга оид тайёрланган электрон материаллар, дастурий ишланма, видеофильм кўрсатиш учун тайёрланган.

Молекуляр физика фанини 1-кредит модуль учун тайёрланган материаллар билан қисқача танишайлик.

Биринчи модулда маъруза машғулотларига 8 соат ажратилган, унга қуйидаги мавзулар киритилган: Молекуляр физика фанига кириш (2соат); Молекуляр-кинетик назария асослари (2 соат); Идеал газ қонунлари. Температура. Температурани ўлчаш. Термометрлар. Термометрик шкалалар. Идеал газнинг холат параметрлари (4 соат); ушбу мавзулар учун мазмуннинг қисқача баёнини қуйида келтирамиз:

Молекуляр физика фанини ўқитишдан мақсад ва вазифалар -талабаларга, яъни бўлажак физика фани ўқитувчисига зарур бўлган даражада молекуляр оламдаги системаларнинг турли агрегат холатлардаги физик ҳоссалари, ҳодисалари қонуниятлари тўғрисида тушунчалар бериш, олинган назарий билимларни амалиётда қўллай билиши бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

Кириш қисмида модда молекуляр тузилишини назарий ва тажрибада тасдиқланишини ҳаётий мисоллар билан тушунтириш. Молекуляр физика фанининг ривожланиш тарихи ва унга ҳисса қўшган олимлар ишларини баён этиш. Молекуляр физика фани бўйича яратилган асосий дарслик ва ўқув қўлланмалар билан тўла таъминланиши, ўқув жараёнига кейинги йилларда киритилган янги авлод адабиётлари рўйхати, кредит-модул асосида таълим олаётган талабалар билимини баҳолаш мезонлари билан таништиришдан иборат бўлиб, юқорида айтилган барча фикрлар электрон доскада кўрсатилади ва талабалар ёзиб олади.

Молекуляр-кинетик назария асослари мавзусини ёритишда, модда майда заррачалардан, яъни молекулялардан ташкил топганлиги ва улар доимо тартибсиз иссиқлик ҳаракатда эканлиги назарий жиҳатдан ва тажрибада тасдиқланганлигини тушунтириб берамиз. Шу ўринда молекуляр-кинетик назариянинг қуйидаги асосий ҳулосаларини келтирамиз:

1. Ҳар қандай модда (газ, суюқ, қаттиқ жисм) майда заррачалардан (молекулалардан) иборат;
2. Молекулалар тартибсиз иссиқлик харакатида бўлади;
3. Молекулалар орасида ўзаро таъсир кучлари мавжуд.

Молекуляр-кинетик назариянинг асосий ҳулосалари кўп тажрибалар мисолида кўрсатилади ва электрон доскада тайёрланган видеофильмлар (роликлар) намойиш этилади ва тушунтирилади [1].

Молекуляр-кинетик назариянинг асосий тенгламаси назарий йўл билан, яъни бу формула доскадан фойдаланиб, эҳтимолий статистик ғоялардан фойдаланиб келтириб чиқарилади ва электрон доскада электрон мажмуадан тегишли слайдлар кўрсатилади.

Асосий тенгламанинг қуйидаги кўринишлари ёзилади.

$$P = \frac{2}{3} n \frac{m \upsilon^2}{2} \quad (1) \qquad P = \frac{2}{3} n E_k \quad (2)$$

$$P = nkT \quad (3)$$

Бунда $p$-газ босими $n = \frac{N}{V}$ хажм бирлигидаги молекулалар сони, m-молекула массаси, $v^2$ -молекула ўртача квадратик тезлиги, $E_к$ – битта молекула ўртача кинетик энергияси, $k$ - Больцман доимийси, T- абсолют температура.

Молекуляр-кинетик назариянинг асосий тенгламаси тажрибаларда тасдиқланиши кўп ҳаётий мисолларда кўрсатилади, намойиш этилади ва электрон доскада анимацияли видео фильмлар кўрсатилади.

Идеал газнинг ҳолат тенгламаси (Менделеев-Клайперон) молекуляр кинетик-назариянинг асосий тенгламасидан фойдаланиб келтириб чиқарилади ёки газ термодинамик параметрларининг ўзаро бир-бирига боғлиқлигининг тажрибавий асосларини келтирган ҳолда ҳам ёзиш мумкин.

Маълумки, термодинамик параметрлар орасидаги боғлиқлик $\frac{pV}{T} = const$ бўлиб, унга бирлашган газ қонуни ҳам деб айтилади. Демак, идеал газнинг ҳолат тенгламаси қўйидаги кўринишга эга [2].

$$pV = \frac{m}{\mu}RT \quad (4)$$

(4) Менделеев-Клапейрон тенгламаси бўлиб, одатда бир неча мол газ учун ҳолат тенгламаси ҳам дейилади.

Бир мол газ учун эса, *p·V=R·T* бўлади ва бунга Клапейрон тенгламаси деб айтилади.

Бунда *p*-газ босими *V*-газ хажми, *T*-температура, *m*-газ массаси, $\mu$ - моляр масса *R*-универсал газ доимийси.

Идеал газнинг ҳолат тенгламасидан фойдаланиб, идеал газ қонунларини ҳам келтириб чиқариш мумкин бўлади: агар газ массаси ва температураси ўзгармас бўлса (*T= const*), универсал газ доимийси R, ҳамда моляр масса берилган газ учун доимий бўлади, унда (4) формулани қўйидаги кўришда ёзилади. *p·V= const* (5)

Бу ифода Бойль-Мариотт қонунини ифодалайди. Худди шундай, Гей-Люссак, Шарль, Дальтон қонунларини идеал газ холат тенгламасидан фойдаланиб келтириб чиқарса бўлади, яъни улар қўйидаги кўринишдаги формулалар билан ифодалаш ўринли бўлади [2]:

$$\frac{p}{T} = \frac{m}{\mu}\frac{R}{V} = const \quad (6)$$

$$\frac{V}{T} = \frac{m}{\mu}\frac{R}{p} = const \quad (7)$$

$$p = p_1 + p_2 + .... p_n \quad (8)$$

Юқорида баён этилган газ қонунларини экспериментал тажтибаларда кўрсатилади ва электрон доскада видеофильмлар намойиш этилади.

Температура мавзуни тушунтиришда температуранинг физик маъноси ва унинг турлича таърифларини, ўлчов асбобларини ҳамда ўлчаш усуллари тўғрисида батафсил маълумот берилади.

Температура-бу жисмнинг иситилганлик даражасини ёки система иссиқлик мувозанати ҳолатини тавсифлайди, шунингдек, температура-молекулаларнинг иссиқлик хаотик харакатининг ўртача кинетик энергиясининг ўлчовидир, деб таърифлаш мумкин. Ҳақиқатда молекуляр кинетик-назариянинг асосий тенгламаларидан фойдалансак, $\frac{2}{3}E_k = kT$ эканлигини топамиз, демак температурага берилган таъриф тўғри эканлигидан далолат беради. Температура термометрлар деб аталувчи асбоб ёрдамида ўлчанади. Биринчи термометр 1597 йилда Г.Галилей томонидан яратилган. Унинг ишлаш принципи термометрик модданинг иссиқликдан кенгайиш қонунига асосланган. Термометрлардаги термометрик модда минтақа иқлимига боғлиқ ҳолда (сувли, симобли, спиртли ва ҳ.к.) ишлатилиши мумкин. Шунингдек, температурани ўлчашда газ термометри, термопаралардан ҳам кенг фойдаланилади. Бугунги кунда амалиётда Кельвин, Цельсий, Фаренгейт ва Реомюр термометрик шкалалари ишлатилади. Айниқса, турмушда Цельсий ва Фаренгейт шкалаларидан кенг фойдаланилади. Бу термометрик шкалалардан бир-бирига қуйидаги формулалар ёрдамида ўтилади [2]:

Кельвинда T= t+273,16; Цельсийга

$C = \frac{5}{9}(F - 32)$; Фаренгейтга $F = \frac{9}{5}C + 32$;

Мавзу юзасидан маълумотлар талабаларга электрон доскада намойиш этиб тушунтирилади ва қурилмаларни ишлаш принципи кўрсатилади.

Юқорида келтирилган формулалар ва физик катталиклар (босим, температура, ўртача квадратик тезлик, ўртача кинетик энергия) статистик характерда эканлигини аниқлаш мумкин: биринчидан, молекуляр ходисалар тартибсиз ва тўхтовсиз юз беришидан; иккинчидан юқоридаги формулаларда молекулаларнинг ўртача квадратик тезлиги, ўртача кинетик энергияларнинг ўртача қийматлари қатнашаётганлигидан; учинчидан статистик катталик бошқа бир катталикнинг функцияси сифатида боғланиши маълум бўлса, у катталик ҳам статистик ҳарактерга эга бўлар экан.

Шунга кўра, юқоридаги ифодаларда босим, температура, ўртача кинетик энергия ва ўртача квадратик тезликларни боғланишидан уларни статистик характерга эга эканлиги кўриш мумкин. Шундай қилиб, статистик усул макрожисмларнинг молекуляр тузилиши ва айрим молекулаларнинг ўзаро таъсирини ўрганиш асосида макро жисмлардаги жараёнларнинг содир бўлишига оид қонуниятларни аниқлайди.

Айрим сон бир гурух молекулаларга нисбатан босим, температура каби катталикларни қўллаб бўлмайди, физик маънога эга эмас. Бу катталикларни жуда катта сондаги молекулаларга нисбатан қўллаб бўлади.

Маъруза машғулотларида ўтилган мавзуларга мос амалиёт дарсларида масалалар ечиш, тахлил қилиш кабиларни қўллаш амалга оширилади. Назарий олган билимларини қўллай билиши учун талабаларга тавсия этилган ўқув қўлланмалардан масалалар ечиш намуналари аудиторияда бажариш учун намуналар, ишланмалар тайёрланган. Мустақил таълим учун тайёрланган ўқув қўлланмалар ва ишланмалар талабаларга берилган.

Лаборатория машғулотларида юқорида кўрсатилган мавзуларга оид лаборатория ишлари бажарилади. Молекуляр кинетик-назария асосларига мос лабораторияларимизда қўйилган лаборатория ишлари: газ қонунлари, температурани ўлчаш каби ишлар талабалар томонидан ўқитувчи рахбарлигида бажаради, натижалар олинади ва тегишли жадвал ҳамда графикларни тузади. Ҳар бир лаборатория иши якунида мавзуни мустаҳкамлаш учун назорат саволлари келтирилган, шу саволларга талабалар жавоб тайёрлаб, ҳимоя қилади [3,4].

Талабалар билими рейтинг тизими асосида бахоланади ва юз баллик тизим қўлланилади. Молекуляр физикани амалий ва лаборатория машғулотларига ажратилган 80 соат ҳажмида кўрсатилган топшириқларни бажариш ва ўзлаштиришга қараб (0÷30) балл белгиланган–бу жорий назорат. Иккита оралиқ назорат учун 10+10=20 балл ажратилган, бу назорат асосан маъруза машғулотларида ўтилган мавзуларни назарий ва амалиёт машғулотларида назарий билимларни қўллай билишга қараб баҳоланади.

Жорий ва оралиқ назоратлар ёзма, оғзаки, тест ва лаборатория ишларини ҳимоя қилиш ва бошқа шаклларида ўтказилади.

Талаба жорий ва оралиқ назоратларида белгиланган баллдан, 30 баллни тўпласа, якуний назоратни топширишга киритилади. Якуний назоратга 50 балл ажратилган. Якуний назорат ёзма ёки тест шаклида ўтказилади.

Шундай қилиб, талаба барча назорат турларида 90÷100 балл тўпласа, у аъло баҳога ўзлаштирган бўлади, 70÷89 балл оралиғида тўплаган бўлса яхши баҳога ва 60÷69 балл оралиғида тўплаган бўлса уч баҳога ўзлаштирган бўлади. 0÷59 балл оралиғида тўплаган талаба ўзлаштирмаган бўлади [5].

Хулоса қилиб айтилганда, талаба бир кредит учун ажратилган 15 соат давомида аудиторияда олган назарий ҳамда амалий олган билимларини мустахкамлаш учун ажратилган 15 соат мустақил такрорлаб ўзлаштириши зарур бўлади. Бунинг учун талаба профессор-ўқитувчилар томонидан тайёрланган дарслик, ўқув қўлланмалар, ўқув методик мажмуалар, маърузалар матни, дарс ишланмалари, ахборот ресурс марказидаги адабиётлардан фойдаланиб шу фан бўйича ажратилган (8) кредитни тўлиқ ўзлаштириб олиш имконияти яратилади.

**Адабиётлар**

1. Избосаров Б.Ф., Камолов И.Р. Молекуляр физика. Ўқув қўлланма. Юрист-медиа нашриёти. –Тошкент: 2008.
2. Избосаров Б.Ф. Камолов И.Р. Молекуляр физика. Дарслик. Турон-Иқбол нашриёти. –Тошкент: 2010.
3. Избосаров Б.Ф., Камолов И.Р. Умумий физикадан лаборатория ишлари. Ўқув қўлланма. -Тошкент: “Ворис”, 2007.
4. Избосаров Б.Ф., Камолов И.Р., Ахмедов.А.А., Бекпўлатов У.Р., Камолова Д.И. Молекуляр физикадан лаборатория ишлари. Ўқув қўлланма. -Тошкент: Иқтисод-Молия нашриёти. 2021.
5. “Умумий физика” фан дастури. БД-5110200-2.03. 14.08.2020. –Тошкент: 2020.

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада педагогика олий таълим муассасаларида Молекуляр физика фанини кредит-модуль тизими асосида ўқитиш методикаси ва назарияси тўғрисида сўз боради. Таьлимда кредит ва модуль тушунчалари кенг ёритилиб, унинг мақсад ҳамда вазифалари баён этилган.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье раскрывается теория и методика обучения молекулярной физики в кредитно-модульной системе в высших педагогических учебных заведениях. Также раскрываются полные понятия о кредите и модуле, их цели и задачи в образовании.

**SUMMARY**

This article reveals the theory and methodology of teaching molecular physics in a credit-modular system in higher pedagogical institutions. Also the completed concepts of the module, their goals and objectives in education are introduced in this article.

## ҚАРАҚАЛПАҚ ТИЛИ ҲӘМ ӘДЕБИЯТЫ САБАҒЫН ОҚЫТЫЎДА ОҚЫТЫЎШЫЛАРДЫҢ АЎЫЗЕКИ СӨЙЛЕЎ ҲӘМ ЖАЗБА ТИЛИН РАЎАЖЛАНДЫРЫЎ МЕТОДИКАСЫ

**М.Қабулова –** *ассистент оқытыўшы*

*Мухаммад Ал-Хоразмий атындағы ТАТУ Нөкис филиалы*

**Таянч сўзлар:** дарс, адабиёт, ривожланиш, ўргатиш, усул, оғзаки, ёзма.
**Ключевые слова:** : урок, литература, развитие, обучение, методика, устная, письменная.
**Key words:** lesson, literature, development, teaching, methodology, oral, written.

Қарақалпақ тили ҳәм әдебияты сабағын оқытыў методикасында оқыўшылардың аўызеки сөйлеў ҳәм жазба тилин раўажландырыў ең әҳмийетли мәселелердиң бири болып есапланады. Бул мәселе бойынша белгили алымлар Е.Бердимуратов, Ә.Пахратдинов, Б.Тухлиев, Қ.Юсупов ҳәм басқа да алымлардың мийнетеринде зәрүрли пикирлер билдирилген.

Бүгинги жас әўладларға ана тилин оқытыў оқытыўшылар ушын ең әдиўли ўазыйпасына айланып, оқыўшыларға тилдиң, сөздиң уллылығын үйретип барыўы тийис.

Адамлар арасында қарым-қатнас жасаў хызметин атқаратуғын тил еки түрли жол менен жүзеге шығады ҳәм еки түрли көриниске ийе болады: аўызеки ҳәм жазба. Тил хаққында халықтың даналық пенен айтқан нақыл-мақаллары да бар. Әдетте, тәбийғый жағдайда адамлардың пикир алысыўы аўызеки түрде иске асады. Тилдиң барлық нызамлықлары усы жанлы сөйлеў тилинде көринеди. Соның менен бирге, тилдиң жазба түрдеги көриниси де оғада үлкен әҳмийетке ийе болады. Жазыў оқыўшылардың ой-пикирин қәлеген алыслыққа жеткериў ушын ямаса оны узақ ўақытлар сақлаў мақсетинде пайда болды ҳәм жазыўдың тийкарғы хызмети де ўақыт жәнe кеңисликке байланыслы болады.

Жазыў арқалы оқыўшылардың аўызеки сөйлеўде мүмкин болмаған нәрселер иске асады. Аўызеки сөйлеў даўыс жететуғын жерлерде ғана әмелге асады. Ал, жазыўда ўақыт хәм кеңислик жағынан шеклениўшилик болмайды. Дурыс, соңғы дәўирлерде техниканың өсиўи менен аўызша сөйлеўдиң де, кеңислик хәм ўақыт жағынан өриси кеңейди. Интернет байланысы арқалы оғада үлкен қашықлыққа аўызша сөйлеўди жеткериў мүмкин, сөйлеген сөзди телефон, флешка, дисклерге жазып алыў арқалы аўызеки сөйлеўди узақ ўақытларға сақлаў мүмкин.

Улыўма орта билим бериў мектеплеринде Қарақалпақ тили хәм әдебиятын оқытыў барысында оқыўшылардың аўызеки сөйлеў ҳәм жазба тилин раўажландырыў ең әҳмийетли методикалық мәселелерге тийкарланады. Ҳәр қандай илим тараўы узақ жыллар даўамында дөрейди, қәлиплеседи ҳәм раўажланады. Оқытыў методы илим сыпатында әне сол тарийхый дәўирлер даўамында алып барылған тәжирийбелердиң, излелениўлердиң, илмий-практикалық сынап көриўлер даўамында көриўдиң нәтийжесинде пайда болды ҳәм ол ҳәзирги раўажланыў дәрежесине жетисти.

Оқытыў-тәлимниң мазмуны ҳәм принциплери, оқытыў усыллары менен жолларының пүтин бир системасы. Демек улыўма билим беретуғын орта мектеплерде қарақалпақ тили ҳәм әдебиятын оқытыўдың методы усы пәнди теориялық ҳәм практикалық жақтан үйретиўдиң усыллары менен жолларының бир бирине байланысы.

Қарақалпақ тилин оқытыўда пәнниң айырым тараўлары, үйренилетуғын объект, материалдың характери оқытыўдың қандай методтан, усыллардан пайдаланыў кереклигин талап етеди. Бул ушын, әлбетте, оқытыў методы, усыллары қандай, олардың не екенлигин оқытыўшы жақсы билиўи керек.

Сабақ барысында оқытыў методы-оқыўшылардың билим ҳәм оған көнликпелериниң пайда болыўы, танып-билиў исшеңлигин активлестириў, дүньяға көз-қарасларын қәлиплестириў, санасын раўажландырыў жолларындағы оқытыўшының қолланатуғын усыллары. Былайынша айтқанда, ол оқытыўшының оқыўшылар тәрепинен билимди өзлестириў ҳәм практикалық көнликпелерин пайда етиўде қолланылатуғын жумыс усыллары болып табылады.

Қарақалпақ тили хәм әдебияты сабақлығын оқытыўда жас өспиримлерге қарақалпақ тилин үйретиўдеги тийкарғы мақсет-оларға билдириў арқалы әдебий тил нормаларын сақлап, дурыс сөйлеў хәм дурыс жазыў көнликпепелерин пайда етиўден ибарат. Қарақалпақ тили хәм әдебияты сабақлықларында тилдиң негизги қағыйдалары берилген. Муғаллимлерге

ҳәр қыйлы усыллардан пайдаланып, усы билим тийкарларын оқыўшылардың санасына жеткериў ўазыйпасы жүкленген. Қарақалпақ тили ҳәм әдебияты сабақлықларын үйретиў ушын, оқытыўшының өзи қарақалпақ тилин жақсы билиўи керек. Сонлықтан, бул методикалық мәселеге қарақалпақ тилинен сабақ беретуғын оқытыўшылар терең билимге ийе болыўы керек. Өйткени, қарақалпақ тили ҳәм әдебияты сабақлықларын оқытыўда, оқыўшылар әдебий тилде оның көркем, аўызеки сөйлеў тили менен байланыстырып избе-из үйренип барады. Аўызеки тил менен жазба тил екеўи еки түрли нәрсе емес, олар бир-бири менен байланыслы болып, аўызеки сөйлеў тили, жазба тилдиң раўажланыўына тийкар болады.

Улыўма орта билим бериў мектеплеринде әдебият сабақлығында өтилетуғын «Шешен бала» ертегиндеги Жалғызбайдың ақыллылығы, шешенлигин билиў арқалы оқыўшы «Мен де сондай болсам екен» деп қыял етеди. Халық аўызеки дөретпелери оқыушыларды уқыплылыққа, зейинликке, тапқырлыққа, хадаллыққа тәрбиялайды.

Әдебий оқыўда берилген қосықлар менен прозалық шығармаларды оқыўшыларға түсиндириў ушын салыстырмалы түрде үйреткен дурыс болады. Әдебий оқыўдың өз алдына қоятуғын мақсети-көркем, шығарманың сөз өнери екенлигин танытыў, оның барлық идеялық көркемлик сыпатын түсиндириўге үйретиўден ибарат. Сонлықтан да, әдебий шығарма дәслепки оқыў, оқытыўшының оқыўшыларға үлги боларлық түсиникли тәсирли оқыўынан басланыўы керек. Айырым жағдайларда шығарма екинши рет қайталанып оқылыўы да мүмкин; бунда оқытыўшы өтилип отырған шығарманың мазмунын оқыўшылардың ядында қалдырыў, беккемлеў сыяқлы мақсетлерди гөзлейди. Оқыў дәўиринде шығарманың түсиниксиз орынлары түсиндириледи, текстке талықлаў бериледи.

Әдебий шығарманы оқыўға үйретиў мәселеси баслаўыш класслардан-ақ қолға алынады, түсиникли оқыў, тәсирли оқыў басланғыш мектеплердиң 2-4-классларында үзликсиз жүргизиледи. Тәсирли оқыў – әдебият сабағының ең баслы шәртлериниң бири. Тәсирли оқыўды дурыс жолға қойыўдың белгили шәртлери бар ҳәм олардың ири-баслылары төмендегилерден ибарат:

1. Оқытыўшы өз сөзине үзиликсиз дыққат аўдарып барыў керек, оның сөйлеген сөзи барық ўақтында да, оқыўшылар ушын еликлеўге үлги болыўы тийис. Ол анық сөйлеўи, стиль ҳәм орфографиялық жақтан дурыс сөйлеўи талап етиледи.

2. Барлық сабақтың барысында оқыўшылардың сөйлеген сөзлерине дыққат аўдарып, олардың дурыс айтыўына жол көрсетип, кемшиликлерин өз ўақтында дүзетип барыўы тийис.

3. Көркем шығармалардан үзиндилерди ядлаў, нақыл-мақалларды пайдаланыў арқалы оқыўшылардың сөзлиги ҳәм фразеологиясын байытып барыў.

4. Тәсирли оқыўға арнаўлы сабақлар шөлкемлестириў.

Оқытыўшы оқыўшыға өзи даўыс ырғағына салып, түсиникли, тәсирли, оқыўдың шебери болып көркемлеп оқып бериўи керек. Егер де оқытыўшы усы сыпатқа ийе болса ғана оқыўшыларға ой салып, күшли тәсир қалдырады, олардың сана-сезимлерине қозғаў болады.

Әдебий оқыўдың мақсетиниң дурыс түсинилиўи-оқыўдың ҳәр түрли усыллардың белгили бир түрин қолланыўды талап етеди. Үйренилип атырған шығарманы талап бойынша ең алды менен оқытыўшының өзи толық билиўи керек. Программада берилген материалларды оқыўшылардың санасына терең жеткере билиў керек. Оқытыўшы тек сабақлыққа берилген материалларға тоқталып қарап отырмастан, қосымша газета-журналлардан, әдебий шығармалардан пайдаланып оқыўшылардың сана-сезимине тереңнен түсиндириў орынлы.

Қарақалпақ тилин үйреткенимизде, түсиниксиз сөзлер менен айырым оқыўшыларға қыйынлық келтиретуғын сөзлерди қарақалпақ тилиниң орфографиялық сөзлигинен орынлы пайдаланыўымыз тийис. Жумыстың бул түри-көркем шығармалардың идеялық-эстетикалық мазмунын ашыўға, оқыўшылардың сөз байлығының кем-кемнен өсип барыўына мүмкиншилик туўдырады. Демек, оқытыўшының ўазыйпасы тек теманы түсиндирип бериў менен ғана шекленбейди, ал оқыўшыларға қыйыншылық келтиретуғын сөзлерди түсиндирип барыў лазым.

Қарақалпақ тилин оқытыў арқалы программаға сәйкес сөз байлығын ҳәм сөзлерди орынлы қолланыў көнликпесин пайда етиў оқытыўшының билим дәрежесиниң тереңлигине байланыслы. Оқытыў материалында қандай бир түсиниксиз сөз ушырасып қалса, оны сол ўақытта оқытыўшы мәнисин түсиндирип барыў керек. Оқыўшылар көпшилик жағдайда ушырма сөзлерге толық түсине алмайды. Бундай жағдайда олардың мәнисин, қалай дөрегенлигин түсиндириў де керек болады.

Улыўма орта билим бериў мектеплеринде объектив талаплары ҳәзирги илимий-техникалық прогресс жетискенликлерин кеңнен пайдаланыў, оқыўшыларға системалы билим тийкарларын терең үйретиў менен бирге олардың практикалық ҳәм творчествалық бағдарлылығын арттырыўда, оқытыўды турмыс темасы менен байланыста, ғәрезсизликте шөлкемлестириў, оқыўшыларды дөретиўшилик мийнетке, турмысқа таярлаўды талап етеди.

Ҳәзирги заман қарақалпақ мектеплеринде көркем әдебиятты оқытыўда қарақалпақ тили ҳәм әдебиятының оқытыўшылары оқыўшыларға дүньяға туўры көз-қарасты қәлиплестириў, мораллық, эстетикалық, әдеп-икрамлық жақтан тәрбиялап, пайдалы жәмийетлик мийнет етиўге оқыўшыларды, жасларды шөлкемлестире алыў керек. Ол ушын қарақалпақ тили ҳәм әдебиятының оқытыўшысы өзи оқытқан оқыўшылары менен биргеликте ислесиў жолларын билиўи керек. Мектепте оқыў тәрбия процесинде оқытыўшының, оқыўшылардың жасын, турмыс тәжирийбесин есапқа алыў биринши дәрежели ис. Өйткени оқыўды үлгериў ҳәм ол арқалы оның тәрбияланыпта барыўы оқыўшылардың жасына да байланыслы. Соның ушын да, қарақалпақ әдебиятының оқытыўшысы қарақалпақ әдебиятын оқытыў арқалы оқыўшылардың жәмийетлик активлигиниң өсиўине пуқаралық эстетикалық, әдеп-икрамлық, сезимлериниң байып ҳәм раўажланыўына жақсы тәсир жасай алады.

Мектепте оқыў ҳәм тәрбиялаў процесинде қарақалпақ әдебияты оқытыўшының өзи айрықша роль атқарады. Егер, муғаллим сиясый ҳәм идеялық жақтан саўатлы, исеними мол, кәсип жағынан таярлығы күшли, өз пәнине қатты қызықса, онда мектепте оқыў тәрбия ислери сөзсиз жанлы ҳәм дурыс алып барылады.

**Әдебиятлар**

1. Юсупов Қ. Қарақалпақ әдебиятын оқытыў методикасы. -Ташкент: «Сано-стандарт», 2018, 131-б.

2. Ахметов С., Пахратдинов А., Пирназаров А. Қарақалпақ әдебиятын оқытыў методикасы. -Нөкис: «Қарақалпақстан», 1988, 80-81-б.

3. Бердимуратов Е., Пирниязов Қ. Орта мектеперде қарақалпақ тилин оқытыў методикасы. -Нөкис: «Қарақалпақстан», 1988, 37-б.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада қорақалпоқ тили ва адабиётини ўқитишда ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантириш муҳимлиги таъкидланган. Мактабларда қорақалпоқ тили ва адабиётини ўқитишда кишилар ўртасидаги мулоқотнинг икки хил шаклига эга бўлган оғзаки ва ёзма нутқнинг бирикмаси сифатида қаралади. Мақола талабаларнинг маънавий маданиятини бойитишга қаратилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье подчеркивается важность развития устной и письменной речи учащихся при обучении каракалпакскому языку и литературе. Преподавание каракалпакского языка и литературы в школах считается комбинацией устной и письменной речи, которая имеет две разные формы общения между людьми. Статья направлена на обогащение духовной культуры учащихся.

**SUMMARY**

The article focuses on the importance of developing students' oral and written language in the teaching of Karakalpak language and literature. The teaching of Karakalpak language and literature in schools is considered to be a combination of oral and written language, which has two different forms of communication between people. The article is aimed at enriching the spiritual culture of students.

# OCHIQ MATNLI MASALALARNI YECHISHNING KLASTER USULI

**G.B.Quzmanova –** *o`qituvchi*

*Chirchiq davlat pedagogika instituti*

**Tayanch so'zlar:** matematika, ochiq masala, klaster, maktab, muammo, yechish, o'qitish, vazifa, ta'lim.

**Ключевые слова:** математика, открытая проблема, кластер, школа, решение проблем, обучение, задача, образование.

**Key words:** mathematics, open-problem, cluster, school, problem, solving, teaching, task, education.

O'zbekistonda umumiy o'rta ta'lim maktablarini rivojlantirish kansepsuyasida o'quv fanlarini chuqur o'qitish va turli usullardan foydalanish vazifasi qo'yilgan [1]. Shu jihatdan umum o'rta ta'lim maktablarida Matematika fanini o'qitishda zamonaviy ta'lim usullaridan foydalanish dolzarb bo'lib turibdi. Bu borada mazkur fandagi ochiq matnli masalalarning yechimini o'quvchilarga o'rgatishda klaster usuli juda qo'l keladi. Bunda yangi metodlarni joriy etib borish muhimdir. Ana shunday yangi metodlardan biri "ochiq" matnli masalalarni yechish metodikasidir.

O'quv darsliklaridagi matnli masalalar standartli, ya'ni "yopiq" masalalar bo'lib, ular ma'lum algoritmlar asosida yechiladi. Shu ma'noda ko'p variantli yechimga ega bo'lgan masalalarni "Open-ended Taks" metodikasini ishlab chiqish zaruriyat bo'lib turibdi. "Open-ended Taks" matnli masalalar metodikasini ishlab chiqish zaruriyati quyidagilar bilan belgilanadi:

- " Ochiq" masalalar yechish metodikasini ishlab chiqish;
- Bo'lajak o'qituvchilarni "ochiq" masalalar nazariyasi va amalyoti bilan qurollantirish;
- Matematik metodlarni boyitib borish;

"Ochiq" masalalar tavsifi va tasnifi bizning yondashuvimizga ko'ra, quyidagilarni qamrab oladi:

a) "ochiq" masalalar yechimni ko'p variantli metodlarga asoslanadi;

b) "ochiq" masalalarni turlicha talqin qilish mumkin;

c) "ochiq" masalalar ko'p variantli javoblarga ega bo'ladi.

Shu ma'noda "ochiq" masalalar to'g'risida quyidagi mazmunni anglatadi.

- Muammo ochiq qo'yiladi;
- Muammo muhokama mulohaza va umumlashtirishga yo'naltiradi;
- Vaziyatli holatlar keltirib chiqaradi.

Mazkur yondashuvlar "yopiq", "ochiq" masalalar mazmunini quyidagicha tasniflash imkonini beradi [2]:

Ochiq matnli masala muammoni to'liq va o'zida yechim manbalarini ta'limiy fikrlash, muammoni tavsiflash va o'ylash ko'nikmalari kutilgan darajada shakllanadi [3]. Shu sababli ochiq matnli masalalarni yechishda klaster usuludan foydalanish muhimdir. O'qitishning klaster usuli ta'lim beruvchi, ta'lim oluvchi va ta'lim ishtirokchilarining o'z aro hamkorligiga asoslanadi [4]. Bu usuldan ochiq matnli masalalarni yechishda quyidagicha foydalanish mumkin:

*1. O'qituvchining vazifasi.* O'qituvchi ochiq matnli masalalarni tayyorlaydi, ularni yechish uchun o'quvchilarga taqdim etadi va o'quvchilarning bilimini (yechish darajasini) baholaydi. Ochiq matnli masalarni tayyorlashda darsliklardan, turli o'quv adabiyotlaridan foydalanish mumkin yoki o'qituvchining o'zi mustaqil ravishda qiziqarli ochiq matnli masalalar tayyorlashi mumkin. Asosiysi tayyorlangan ochiq matnli masalalar qiziqarli, aniq ifodalanagan va o'quvchilarni o'ziga jalb etuvchi xususiyatga ega bo'lishi kerak.

Ochiq matnli masalalarni klaster usulida yechishda o'qituvchi yo'naltiruvchi va baholovchi vazifasini bajaradi.

*2. O'quvchining vazifasi.* Ochiq matnli masalalarni klaster usulida yechishda o'quvchi mustaqil faolyat ko'rsatadi. U ochiq matnli masalalarni o'z bilimi, fikrlashi va tushunish ko'nikmalariga tayangan holda yechadi. Bunda ayniqsa masafoviy ta'lim shaklidan oqilona foydalanish samarali hisoblanadi. Chunki bu ta'lim shaklida o'quvchi hech kimdan yordam olmasdan, mustaqil ravishda o'z izlanishiga tayanib ochiq matnli masalalarni yechadi va baholash uchun o'qituvchiga taqdim qiladi.

Ochiq matnli masalalarni klaster usuli asosida yechishda o'quvchi mustaqil izlanishi bilan faollashadi. Shu sababli mazkur usul o'quvchilarni faollashtirishi bilan muhim ahamiyatga ega.

3. *Mutaxasisning vazifasi.* O'qituvchi ochiq matnli masalalar darsiga matematika bo'yicha yirik mutaxasislar, oliy ta'lim o'qituvchilari yoki tajribali o'qituvchilarni taklif etishi mumkin. Bunda taklif etilganlar ochiq matnli masalalarni yechishning turli variantlari bo'yicha maslahat berish vazifasini bajaradi. Shuningdek, ular o'quvchilarning masalalarni yechish bilimi, qobilyati va fikrlarini aniqlaydi. Buning natijasida o'quvchilarning ochiq matnli masalalar bo'yicha layoqat darajasi yaqqol namayon bo'ladi.

E'tibor berilsa, ochiq matnli masalalarni klaster usulida yechish o'ziga xos xususiyatlariga egadir. Unda asosiy masala o'quvchilarni faollashtirishdan iborat bo'ladi. Chunki klaster usulida ochiq masalalarni yechish uchun o'quvchilar quyidagilarni amalga oshiradi:

-ochiq matnli masalalarni o'qish, tushunish va idrok etish;

-ochiq matnli masalalarni yechish uchun qo'shimcha izlanadi, turli ma'lumotlarni topadi va tahlil qiladi;

-mustaqil fikrlaydi va masalaning yechimini qiyoslaydi;

-masala yechimini baholash uchun o'qituvchiga taqdim etadi;

Diqqat qilinsa, bu bilan o'quvchilar o'zi ustida ishlaydi va eng asosiysi ochiq matnli masalalarni mustaqil yechadi.

Ochiq masalalar yopiq masalaning asosidir. Ochiq masalalarda boshlang'ich yoki yakuniy maqsad aniq berilmagan. O'quvchilarga o'z tadqiqot savolini qo'yishda mulohaza yuritish metodini tanlash, masalani yechish uchun zarur qo'shimcha parametrlarni kiritishda erkinlik beriladi. Shu sababli yechish jarayonida yechimlar turli xil bo'lishi mumkin bu o'quvchi qilgan tanlov va xatoliklariga bog'liq. Ta'kidlash lozimki, hayotda biz asosan ochiq turdagi masalalarga duch kelamiz. Hayotiy vaziyatda barcha ya'ni hayotda barcha boshlang'ich ma'lumotlar berilgan, aniq maqsad qo'yilgan va yuzaga kelgan vaziyatdan chiqishning yagona yo'li bo'lgan hayotiy vaziyatlarni uchratishni tasav-

vur qilish qiyin. Shunday qilib, o‘quvchilarga matnli masalalarni yechishni o‘rgatishning noan’anaviy yondashuvlari o‘ziga xos xususiyatlarga egaligi bilan ahamiyatlidir.

O’qitishning klaster usuli o’quvchilarni faollashtirishi bilan muhim ahamiyatga ega. Shu sababli, bizningcha, Matematika o’quv fanini o’qitishda klaster usuli kutilgan samarani beradi. Misol uchun, Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika institutida ”Boshlng’ich ta’lim” kafedrasi tomonidan viloyatning umumiy o’rta ta’lim maktablari boshlang’ich sinflarida “Matematik savodxonlik sinflari” tashkil etdi. Klastterning noyob usuli vositasida kafedra azolari va umumiy o’rta ta’lim maktablarining o’qitivchilari o’rtasida nazariy, kasbiy hamda amaliy hamkorlik yuzaga keldi. Buning natijasida boshlang’ich sinf o’quvchilarining matematik savodxonligini kuchaytirish imkonyati paydo bo’ldi. Bu tajribadan Respublika miqyosida foydalanish maqsadga muvofiq bo’ladi.

Shunday qilib ochiq matnli masalalarning yechimini o’quvchilarga klaster usulida o’rgatish innovatsion yondashuv hisoblanadi.

**Adabiyotlar**

1. O’zbekiston Respublikasi Prizdentining 2020- yil 6-noyabrdagi “O’zbekistonning yangi taraqqiyot davruda ta’lim-tarbiya va ilm -fan sohalarini rivojlantirish chora-taddbirlari to’g’risida” gi Farmoni. //www.ziyonet.uz

2. Галиуллина Е.Н. Что такое «открытые» задачи / Е.Н. Галиуллина// Младший школьник, воспитание, развитие: - Ульяновск: УГПУ, 2003, - С. 24- 36.

3. Muhammedov G’., Xodjamqulov U., Toshtemirova S. Pedagogik ta’lim innovatsion klasteri.-T.: 2020.

4. Quzmanova G.B. “Approaches of mathematical and pedagogical scientists in the teaching of textual problems in general secondary schools // Current research journal of pedagogics 2(8): 80-83, August 2021 DOI: https://doi.org/10.37547/pedagogics-crjp-02-08-18 ISSN 2767-3278 ©2021 Master Journals.

**REZYUME**

Maqolada umumiy o’rta ta’lim maktablarida ochiq turdagi masalalarni yechishda klaster usulining mohiyati ochib berilgan.

**РЕЗЮМЕ**

В статье исследуется важность кластерного подхода в решении открытых задач в общеобразовательных школах.

**SUMMARY**

The article examines the importance of the cluster approach in solving open- problems in schools.

## ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДА ЁШЛАР ТАРБИЯСИНИНГ ҚЎЙИЛИШИ

**Ш.Нурбоев –** *тадқиқотчи*
*Жиззах давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** халқ достонлари, таълим-тарбия, маънавий-ахлоқий тарбия, урф-одат, халқ педагогикаси, тафаккур, дунёқараш, адабиёт.

**Ключевые слова:** народные былины, образование, духовно-нравственное воспитание, традиция, народная педагогика, мышление, мировоззрение, литература.

**Key words:** folk epics, education, spiritual and moral education, tradition, folk pedagogy, thinking, worldview, literature.

Ахлоқий маданиятнинг доимий ривожланишини миллатимизнинг тафакккури, дунёқараши, педагогикаси, урф-одатлари, расм-русумлари, маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ тугал ва сермазмун хулосаларида кўрамиз. Бинобарин, бу хулосалар халқ достонларида ҳам ўз ифодасини тўлиқ топганки, улар ўз навбатида авлодларни маънавий камолотга етказувчи, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган аҳлоқий фазилатларни сингдирувчи тарбия воситаси ҳам ҳисобланади. Бу эса ўз-ўзидан яна кундалик ҳаётимизда миллий тарбияга, таълимда халқ достонларига қайта-қайта мурожаат этишни, айниқса, маънавий-ахлоқий тарбия тизимларига дахлдор жиҳатларни илмда махсус ўрганиш ва таълим жараёнида ўргатиш вазифасини кун тартибига қўймоқда.

Халқ достонларидаги ватанга, ўз элига садоқатлилик, эътиқодлилик, инсонпарварлик, хушмуомалалик, оқибатлилик, ота-онани қадрлаш, фарзандга меҳр-муҳаббатлилик, ҳамжиҳатлик, омонатни сақлаш ва хиёнат қилмаслик, туҳмат ва нафс балосидан сақланиш, дўстликни сақлаш, умрни қадрлаш, қўшничилик ва қўшни қадрига етиш каби юздан ортиқ энг етакчи миллий одоб мезонларимизнинг дидактик асосларини очиб бериш орқали баркамол авлодларда миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган юксак маънавий-аҳлоқий фазилатларни ривожлантиришнинг самарали усуллари ҳамда методларини ишлаб чиқиш бугунги замон талаби саналади.

Халқ педагогикасининг таълим-тарбиявий ва дидактик имкониятлари, айниқса, баркамол авлод тарбиясининг маънавий-аҳлоқий масалаларини фольклор намуналарига боғлаб ўрганиш, уларнинг ўзига хос ечими ва талқинларини миллий тарбияшунослигимизда З.Миртурсунов, Б.Қодиров, Н.Сафаров, М.Шербоев, О.Мўминов, М.Маҳмудова, Х.Жумаева, Я.Раҳмонова, А.Мусурмонов, А.Соҳибоев, М.Мусурмонова, М.Бозорова, М.Қосимова, Г.Холбоева каби олимларнинг тадқиқотлари ва мақолаларида ҳам кўрамиз. Уларнинг ҳаммасида бир томондан назарий ва илмий-методик самарадорлик, иккинчи томондан, давр мафкурасининг кучли таъсири, партиявийлик мафкураси талаби хукмрон тамойил сифатида етакчилик қилди. Натижада, бу давр тадқиқотларида фольклор намуналарига мурожаат этиш ва уларнинг тарбиявий, таълимий ва дидактик имкониятларини таҳлил қилишда тадқиқотчиларнинг бир ёқлама фикр-мулоҳазалар юритишига сабаб бўлди: яъни, педагогик ҳодисаларга синфийлик ва шўровий мафкура нуқтаи назардан ёндашиш тамойили устунлик қилди.

Яна шуни таъкидлаш жоиз: М.Муродов, Қ.Йўлдошев, Т.Турдиев, И.Ёрматов, О.Мадаев, А.Эргашев, У.Отамирзаева, З.Ибрагимова, Д.Жуманазарова ва бошқаларнинг [1-9] ишларида ҳам яна халқ оғзаки ижодидаги таълим-тарбия масалаларининг айрим жиҳатлари, баркамол авлод тарбиясига таъсири масалалари ёритилганлигини кузатамиз, лекин, улардаги қўйилган муаммоларда методик жиҳатдан филологик таҳлил устунлик қилади.

Халқ педагогикасида баркамол авлод тарбиясига дахлдор маънавий-ахлоқий масалаларнинг қўйилиши муаммосига алоқадор илмий-тадқиқотлар ва адабиётларни ўрганиш бизни қуйидаги мулоҳазаларни билдиришимизга имкон берди:

1. Ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб то мустақиллик қўлга киритилгунгача бўлган даврдаги миллий педагогикамизда бир неча диссертациялар ёзилди, алоҳида монографик тадқиқотлар ва илмий-методик мақолалар эълон қилинди. Лекин, уларнинг

ҳаммасида ҳам ўша давр талабларидан келиб чиққан ҳолда шўровий мафкура таъсирининг устунлиги сезилади.

2. Мамлакатимизнинг мустақиллиги йилларида халқ педагогикасидаги маънавий-аҳлоқий тарбия муаммосига оид ишларда биринчидан, шўровий мафкурадан бутунлай холи бўлган, янгиланаётган илмий тафаккурнинг тобора кучайиб борганлигини, уларда бир қатор педагогик-услубий тавсиялар ва усуллар етакчилик қилганлигини кузатдик. Иккинчидан, илмий савия масаласи илгаригиларга нисбатан сифат жиҳатидан анчайин даражада ошганлигини, улар саноқ жиҳатдан сезиларли даражада кўпайганлигига ишонч ҳосил қилдик. Учинчидан, бу давр тадқиқотларида миқдор билан сифат ҳамиша ҳам бир хил даражада бўлмаганлигини, кўпчилик ишларда муаммога янги педагогик тафаккур талаблари асосида ёндошиш, қўйилган муаммонинг тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган қирраларини мустақиллик мафкураси асосида қайтадан тадқиқ қилиш ҳолатлари мавжудлигини кўрсатди. Ва ниҳоят, энг муҳими, бундай илмий жараёнлар ўзининг долзарблиги билан бугунги кунда ҳам сифат жиҳатидан тобора кучайиб бораётганлигини кузатяпмиз.

Халқ достонлари воситасида баркамол авлод тарбиясини ривожлантириш муаммосини ўрганиш бизни қуйидаги мулоҳазаларни билдиришга олиб келди:

1. Баркамол авлод тарбиясида, хусусан, юксак маънавий фазилатларни эгаллаб олишларида миллий ва умумбашарий ғоялар етакчилик қилган халқ достонлари ўзига хос ўринга ва дидактик хусусиятларга эгалиги билан ажралиб туради.

2. Баркамол авлод халқ достонларининг энг сарра намуналари ўрганиш орқали миллий руҳиятга эга бўладилар, қадимий урф-одатлар ва қадриятларни билиб оладилар, маънавий-ахлоқийлик мезонларига дахлдор юксак инсоний фазилатларни ўз фаолиятларига сингдирадилар. Энг муҳими, тегишли билим, кўникма ва малакаларни эгаллаб оладилар.

3. Халқ достонлари дидактик манба сифатида баркамол авлод онгига эстетик таъсир этиб, шуури ва руҳиятида ватанга меҳр-муҳаббат, ўтмиш ҳаётнинг маънавий-маърифий сабоқларини ҳурмат қилишга, миллат фарзанди сифатида ота-боболаримиздан бизга ўтиб келаётган адабий-маданий меросни, миллий қадриятлар ва анъаналарни қадрлашга ўргатади, халқ одобномасидан етарли даражада билим бера олади.

4. Халқ достонлари воситасида миллий ва умумбашарий ғояларга асосланган юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожлантириш муаммоси баркамол авлодда оқибатлилик, соғлом фикрлилик, кечиримлилик, лафзлилик, фидойилик, хушмуомилалилик, фаоллик, талабчанлик, савобталаблик, меҳнатсеварлик, бағрикенглилик, садоқатлилик, адолатлилик, масъулиятлилик ва интизомлилик каби юзлаб инсоний фазилатларни ўзлаштириб олишларига, уларнинг интеллектуал-ижодий фаолиятининг ўсиб боришига, киндик қони тўкилган муқаддас она ватанга ва унинг сарҳадларига мустаҳкам эътиқод қўйишга замин тайёрлайди, ватанпарварлик руҳида тарбияланишига хизмат қилади.

5. Умумий ўрта таълимда фақатгина учта достон (7-синфда “Равшанхон”, 8-синфда “Кунтуғмиш”, 9-синфда “Алпомиш”) ўргатилади, холос. Бу кўрсаткичлар ўқув жараёнида халқ достонлари воситасида баркамол авлоднинг маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш муаммосига яхлит ҳолда “хизмат қилиш” вазифасини тўла-тўкис бажаришга анчайин ожизлик қилади. Бу эса ўқув режасидаги белгиланган халқ достонларидан ташқари, баркамол авлодда бошқа достонлардаги етакчи ғояларнинг мазмун-моҳиятини, эпик қаҳрамонларнинг фаолиятидаги ибрат намуналик ўринларни, энг муҳими, маънавий-аҳлоқийлик мезонларни ўзлаштирмасликларига, халқона, мазмуни тўқ хулосалардан бехабар қолишларига сабаб бўлмоқда.

6. Умумий ўрта таълимнинг барча босқичларида, деярли ҳар бир синфларда танлаб олинган ва бир-бирини қайтармайдиган халқ достонларининг янги, энг сара намуналарига алоҳида-алоҳида ўрин ажратиб ўрганиш зарур. Бадиий асарларни мустақил ўқиш учун берилган соатлар ҳисобидан яна бошқа намуналарини қўшимча тарзда алоҳида ўрганиш айни мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги кундаги илмий-тадқиқот ишларда халқ достонларини ўрганиш, улардаги маънавий-ахлоқий тарбияга дахлдор миллий ва умумбашарий ғояларни ёритиш, қадрият ва урф-одатларни, халқона хулоса ва ўгитларнинг педагогик асосларини очиб бериш, кундалик амалиётга, айниқса, таълим тизимига назарий жиҳатдан пухта методик тавсияларни бериш зарурияти сезилмоқда. Бу таълимнинг барча босқичлари учун ҳам, илмий-методик ишлар учун ҳам бир хил даражада аҳамиятлидир.

**Адабиётлар**


1. Жуманазарова Д. Маънавий-ахлоқий тарбия ва халқ достонлари. -Т.: “Фан”, 2008. 169-б.
2. Миртурсунов З. Ўзбек халқ педагогикаси ва унинг Эргаш шоир достонларида акс эттиришга доир. // Эргаш шоир ва унинг достончиликдаги ўрни. - Т.: “Фан”, 1971. 141-145-б.
3. Муродов М., Эргашев А. Алпомишнома (1-китоб, Сурхондарё талқини). - Т.: “Меҳнат”, 1999. 486-б.
4. Муродов М., А.Эргашев. Алпомишнома (2-китоб, Қашқадарё талқини). - Т.: Меҳнат, 2000. – 564 б.
5. Муродов М., Ҳакимов Н., Эргашев А. “Қадриятнома” 1-китоб. - Т.: “Адабиёт ва санъат”, 2001. 544-б.
6. Холбоева Г. Халқ оғзаки ижоди асарлари орқали ўқувчиларда миллий қадриятларни шакллантириш тамойиллари (5-7-синфларнинг адабиёт дарслари мисолида). Педагогика фанлари номзоди ... дисс. -Т.: 2009. 128-б.
7. Холбоева Г. Халқ оғзаки ижоди асарлари орқали ўқувчиларда миллий қадриятларни шакллантириш тамойиллари. Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2007. 84-б.
8. Холбоева Г. Халқ достонларида миллий қадриятлар ифодаси. // “Халқ таълими”. -Т.: 2004. №4. 79-80-б.
9. Қодиров Б. Халқ педагогикаси (монография). – Т.: Университет, 2002. 256-б.



**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада ёшлар тарбиясига дахлдор маънавий-ахлоқий масалаларнинг қўйилиши муаммосига алоқадор илмий-тадқиқотлар ва адабиётларни ўрганиш натижасидаги мулоҳазалар билдирилган.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье представлены отзывы о результатах исследований и литературе, посвященной проблеме духовно-нравственных вопросов, связанных с воспитанием молодежи.

**SUMMARY**

This article provides feedback on the research results and literature on the problem of spiritual and moral issues related to the education of young people.

# ӘДЕБИЯТ САБАҚЛАРЫНДА ИНТЕРАКТИВ МЕТОДЛАРДЫ ПАЙДАЛАНЫЎ

**И.К.Юсупов** – *излениўши*

*Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университети*

**Таянч сўзлар:** интерфаол усуллар, поэзия, поэма, образ, ижод, стиль, метод, жанрлар.

**Ключевые слова:** интерактивных методов, поэзия, поэма, образ, творчество, стиль, метод, жанры.

**Key words:** interactive methods, poetry, poem, character, creative work, style, method, genres.

Әдебиятты оқытыў барысында интерактив методларды қолланылыў ең керекли методикалық мәселелерден есапланады. Бул мәселе бойынша В.П.Беспалько [1], М.В.Кларин [2], Л.В.Голиш Л.В. [3], Я.Скалова [4], М.Н.Скаткин [5], О.Ю.Богданова [6], К.А.Юсупов [7] ҳәм басқа алымлар тәрепинен ҳәр қыйлы мазмунда пикирлер айтылды. Усы көзқарастан қарақалпақ әдебиятын оқытыў барысында «Маған жуўмақлаўшы сөзди бериң», «6х6х6» технологиясы, ақылый ҳүжим, дебат қусаған интерактив технологияларды қолланыўдың өзгешеликлерине дыққат аўдарамыз. Дәслеп бул методлардың мақсетин, ўазыйпасын, әҳмийетин түсиндирип өтейик. «Маған жуўмақлаўшы сөзди бериң» технологиясы А.Дабылов қосықларын оқытыў барысында қолланып, онда оқыўшылар оқыған жерлеринен пикир айтады, үйренеди ҳәм пикирлесиўге тийкар болады. Пикирлесиў барысында уялшақ, аз сөйлейтуғын оқыўшыларды қатнастырыў керек. Оның ушын төмендеги басқышларды әмелге асырыўға туўра келеди: Оқыўшылардан қосықларды оқыў ҳәм үйрениў барысында олар ушын қызықлы ҳәм итибарлы жерлерин табыў керек. Оқыўшы бул шайыр қосықларынан үзиндилерди бир қағазға жазып алады ҳәм оның бети көрсетиледи. Қағаздың арқа жағына оқыўшы өзиниң пикирлерин, жуўапларын жазып қояды. Бул пикирге айырым оқыўшылар қарсы болыўы, жақлап пикир билдириўи мүмкин. Топардың өз пикирлери талап етиледи. Келеси сабақта оқыўшылар бул қағазларды алып келеди ҳәм муғаллим олардың айырымларынан жазғанларын оқыўды сорайды.

Бағдарламада И.Юсуповтың "Ўатан топырағы" поэмасы орын алған. Поэманың мазмуны лирик қаҳарманның басынан кеширген ўақыялардан ибарат. Бул көркем дөретпени «6х6х6» технологиясы менен үйрениў мақсетке муўапық. Усы усылдың мазмуны оқыўшылардың қатнасында қысқа ўақыт ишинде белгили бир мәселени қорғаў яки үйрениў ушын топар ағзаларының пикирин билип алыў технологиясы болып табылады. Топар ағзалары 6 оқыўшыдан алты топарға бөлинип, оқытыўшының тапсырмасы бойынша пикирлеседи, мәселениң бир бөлими үйрениледи. Жаңа топарларда қатнасқанлар ҳәммени өз исиниң жуўмақлары менен таныстырылады. 6х6х6 усылы– топардың барлық ағзалары "Ўатан топырағы" поэмасын үйрениў бойынша нәтийжелерин береди. Олардың ҳәр бири қысқа ўақыт ишинде ҳәм пикирлейди, ҳәм баянатшы сыпатында қатнасады. Сабақта 7 ҳәм 8 ағзадан оқыўшы болған топарларда есапқа алынып, оларды ортаға шығарыў мүмкин. Үлкен топарлардың ўақтын асырыў зәрүр. Топарлар "Ўатан топырағы" поэмасы бойынша пикирлесиўи мүмкин. Сол сыяқлы "Ўатан топырағы" поэмасы бойынша 6х6х6 усылы қолланылса сабақ қызықлы ҳәм тәсирли болады. Нәтийжеде, оқыўшылар "Ўатан топырағы" поэмасына тереңнен түсинип, дөретпениң мазмуны ҳәм тәрбиялық әҳмийети туўралы кең мағлыўмат береди. Оқыўшылар "Ўатан топырағы" поэмасы тийкарында "Ўатан топырағы" деген сөздиң қолланылыў өзгешеликлерин билип алады.

Буннан басқа Әжинияз шайырдың лирикасын оқытыў барысында ақылый ҳүжим методынан пайдаланыў қызықлы методикалық мәселелерден есапланады. Ақылый ҳүжим – бул класстағы ҳәрбир оқыўшыға қойған сораў ҳәм мәселе бойынша өз пикирин баян етиў имканиятын бериўши оқыў усылы. Шайырдың "Қыз Меңеш пенен айтыс", "Еллерим барды", "Айрылса" қосықларына ақылый ҳүжим методын пайдаланыўға болады. Методтың мақсети: «Бир қыйлы жақсы, жигирмалағаны оннан айрықша» принципи бойынша оқытыўшы тәрепинен белгиленген мәселе яки сораў тийкарында пайда болатуғын ҳәмме пикирлерди бир жерге жыйнап ҳәм жәмлеп алады. Сораўларға берилген жуўаплар барлық оқыўшыда бирдей болмайды. «Ақылый ҳүжим» методының талапларына муўапық сораўлардың жуўаплары дурыс болмай шығады. Бирақ есапқа алынады. Бул методта оқыўшылардың пикирлери тахтаға яки болмаса қағазға жазып берилиўи керек. Бул усыл айтылған пикирлердиң кейинги таллаўда оқыўшыларға қойылған сораў ямаса мәселелени туўры түсиниўге имканият береди.

Әжинияз шайырдың лирикасын оқытыў барысында «Ақылый ҳүжим»ди өткериў усыллары төмендегидей болады:

- Муғаллим Әжинияз шайырдың лирикасы бойынша оқыўшыларға сораў, тапсырма береди. Оқыўшыларға өз пикирлерин айтыў усыныс етиледи.
- Барлық пикирлер тахтаға жазып барылады.
- Барлық пикирлер жазып алынғаннан кейин муғаллим оқыўшылар менен бирге идеяларды жуўмақластырады, айтылған пикирлерге дүзетиў киргизиледи, соң темадан пайдаланыў мақсетинде олардан ең әҳмийетлилерин ажыратып көрсетеди. Солай етип, оқыўшылардың дөретпениң мазмуны бойынша түсиниги артып барады.

Әжинияз шайырдың лирикасын оқытыў бойынша «ақылый ҳүжим» методын өткериў қағыйдалары әдеўир қыйынға түспейди. Өйткени, оқыўшылар шығарманың мазмунын айтып береди. Образлар, тема, композиция, сюжет ҳаққында жақсы түсиниги болады. Соның ушын, «Ақылый ҳүжим» методын өткериў ушын белгиленген ўақыт анық болыўы тийис.

Белгиленген ўақыт ишинде ҳәмме қатнасыўшыларға өз пикирин билдириў ушын имканиятлар бериў керек. Оқыўшылар тәрепинен айтылған пикирлер баҳаланыўы шәрт. Зәрүр болып қалған жағдайда айтылған пикирге дүзетиўлер керек. Бул нәрсе идеяны яки пикирди анық ҳәм қысқаша түсиндириў имканиятын береди. Бундай усыллар оқыўшылардың шайырдың лирикасы бойынша қызықлы ҳәм мазмунлы пикирлер бериўге тийкар болады. Шайырдың лирикасын оқытыў барысы көбинесе жарысыўға бейим болып келеди. Жарысларда жақсы сөзлер еситсе, озып шықса үлкен марапатқа берилип, тапсырмаларды және де жақсырақ оқыўға әдетленеди. Сонлықтан, «Ақылый ҳүжим» методы усы тәрепинен пайдалы.

Әжинияз шайырдың лирикасын «Дебатлар» методы менен үйрениў жүдә пайдалы екенлиги методистлер тәрепинен толық дәлилленди. Оның мақсети: оқыўшылардың пикирлеў қәбилетин раўажландырыў, лирикалық қосықлар бойынша қызығып баянлап бериў имканияты болады. Бул усылдан пайдаланыў оқыўшылардың шайырдың лирикасы бойынша түсинигин раўажландырады. Олар шығармаларға сын пикирлер билдиреди.

